

№ 4
2018 йил

ЮРИСТ АҲБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ISSN: 2181-9416

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА РЕ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУ

2018 ЙИЛ 22-23 НОЯБР



“70 йил аввал қабул қилинган Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси бутун дунёда демократия ва инсонпарварлик тамошларини қарор топтириш борасида янги имкониятлар очди.

Афсуски, бугунги кунда биз барчамиз ана шу ижобий жараёнга тўқсунлик қилаётган мураккаб ва зиддиятли тенденциялар кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бу ўринда жаҳонда, жумладан, Жанубий-Шарқий Осиёдан тортиб Яқин Шарққача бўлган маконда куролли тўқнашувлар кучайиб, ўзаро ишончсизлик ва низолар, миллатлар ва конфессиялараро ихтилофлар чукурлашиб бораётгани, барқарор тараққиётга қарши бошка глобал таҳдиҳ ва хатарлар ҳақида сўз бормоқда.

Иложисиз ҳолда ўз юртини ташлаб кетаётган кишилар ва қочқинлар сони тобора ортиб бораётгани, таълим ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти ўқлиги, одам савдоси ва мажбурий меҳнат, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, қашшоқлик ва очликка барҳам бериш зарурати билан боғлиқ муаммолар мураккаблашиб бораётганига биз четдан томошабин бўлиб қараб туролмаймиз.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Форум иштирокчилариiga йўллаган табригидан.



Майкл МЁЛЛЕР, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори:

– Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоннинг шахсий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашига қаратилган жуда муҳим ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Гап шундаки, унда сайёрамизда яшаётган ҳар бир инсоннинг, у қаерда тугилгани, яшаётгани, қайси миллатга мансублиги, қандай тилда сўзлашиши, диний эътиқодидан қатъи назар, бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТнинг бошқа ҳужжатлари қаторида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат, Ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар марказида ҳам, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мушассам.

Осиё минтақаси ҳаётидаги жуда камта воқелик бўлган ушбу форум иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўллаған табригидаги қайд этилганидек, “мазкур анжуманнинг долзарблиги ана шу асосий ҳужжатнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш борасидағи саъи-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати билан белгиланади”.

И ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИГ 70 ЙИЛЛИГИ ЯКУНЛАРИ: “ЕАЛ ВОҚЕЛИК” МАВЗУСИДАГИ БҮЙИЧА ОСИЁ ФОРУМИ САМАРҚАНД ШАҲРИ

ASIAN HUMAN RIGHTS FORUM
HUQUQLARI BO'YICHASI
VII
3-noyabr



Наталья ГЕРМАН, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари:

“Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт ўйлидаги ҳамкорлик” мавзудаги халқаро анжуманинг узвий давоми эканини қайд этиб, бу галги тадбир нафакат минтақа халқлари, балки бутун Осиё учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаол минтақавий ташқи сиёсат олиб бораётгани иқтиносидай алоқаларни ривожлантириш билан бирга, тарихан дўст ва қардош халқларни янада яқинлаштирумокда. Бу тараққиёт учун амалий аҳамият касб этади.”



Адам АБДЕЛМУЛА, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари-нинг махсус вакили:

— Айтиш керакки, инсон ҳуқуқлари ни ҳимоя қилиш ҳар бир замонавий демократик мамлакат учун энг асосий вазифа ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжоҳон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу форум соҳада фаолият олиб бораётгани миллий институтлар, халқаро эксперталар учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятини яратди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим мавзулар бўйича кичик ишчи гурухларда турли маърузалар юзасидан ўзаро фикр алмасилди.

Форум доирасидаги дастурда на зарда тутилган масалалар қизгин муҳокамаларга бой бўлганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Энг муҳими, 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларини рӯёбга чиқариш учун вазифаларни белгилаб олишида муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунинг учун, мазкур Forumни анъанавий тарзда ўтказиш таклифини билдираман.





Фаррух МУХАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар
малакасини ошириш
маркази директори

АДОЛАТ – ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ ОЛИЙ ДАРАЖАГА КҮТАРИШ БОРАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНДИ

Яқинда катта ҳаяжон билан кузатиб қўйганимиз 2018 йил Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи тарих саҳифаларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган йил сифатида муҳрланади. Сабаби, ушбу йилда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат ва жамиятнинг энг асосий вазифасига айланган инсон қадр-қимматини авайлаб-асраш, унга муносиб турмуш шароитларларини яратиб бериш, Президентимиз таъбири билан айтганда “одамларни рози қилиш” борасида том маънодаги улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча Фармон, Қарор ва Фармойишлари, Парламентимиз томонидан кўплаб янги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш масаласида амалий ишлар бажарилди.



Айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш билан боғлиқ ислоҳотлар янги бир босқичга кўтарилди. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони адлия органларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кескин юксалтиришга ҳуқуқий асос бўлди.

Мазкур Фармонга кўра, Ўзбекистон адлия тизими тарихида шу кунга қадар мавжуд бўлмаган шаҳар-туман бўлимларининг ташкил этилиши, жойлардаги баъзи бир ҳуқуқий муаммолар, жумладан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланиш даражасининг чукур ўрганилиши, жамиятда-



ги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш имкониятини яратди. Ушбу аддия бўлимларининг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

→ ҳокимликларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни кўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

→ давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

→ қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларида ижрочиларга етказиш, “республика-вилоят-туман-маҳалла” принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

→ туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва ҳалқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган испоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

→ ҳуқуқни кўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

→ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

→ давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш каби муҳим масалалар белгиланди. Энг муҳими, ушбу бўлимлар бугун амалиётда ташкил этилиб, зиммасига юклатилган юкорида келтириб ўтилган вазифаларни бажариб келмоқда.

→ 2018 йилдаги инсон ҳуқук ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш билан боялиқ давлат сиёсати ҳақида гап кетганды, Президенттимиздинг 2018 йил 5 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллигига багишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони ва унда белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Фармонга мувофиқ, давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясининг тамоиллари ва қадриятларига эътиборини кучайтиши, шунингдек, инсон ҳуқуқларива эркинликларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашига қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чоралар тизимини янада тақомиллаштиши, шунингдек, қонунчиликка ва давлат органларининг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмилари ва тартиби самарадорлигини ошириши мақсадида, Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллигига багишланган Тадбирлар дастури тас-

диқланди. Кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган ушбу Дастурни самарали амалга ошириши бўйича нуфузли Комиссия ташкил этилиб, унга қўйидаги вазифалар юклатилди: Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган ижрочиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

→ Дастурда кўзда тутилган тадбирлар ижросини ташкил қилишига ва уларнинг ўз вақтида ижро этилиши мониторингини амалга оширишга ҳар тарафлама кўмаклашиш;

→ Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллигига багишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг фаол иштирок этиши бўйича халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилишини таъминлаш.





Шунга мувофиқ, 2018 йил 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида дунёнинг кўплаб кўзга кўринган хорижий давлат ва жамоат арбоблари, инсон хукуқлари ҳимояси бўйича нуфузли экспертлар, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида минтақамизда биринчи марта “Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллиги якунлари: замонавий таҳдиidlар ва реал воқелик” мавзусида бўлиб ўтган Инсон хукуқлари бўйича Осиё форуми юксак савияда ўtkазилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташабbusи билан ўтказилган юксак миёсли тадбир БМТнинг Инсон хукуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси, БМТ Таракқиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Истанбулдаги минтақавий маркази, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари

координатори ва Демократик институтлар ва инсон хукуқлари бўйича бюроси, Евropa Кенгаши Парламент ассамблеяси ҳамкорлигига ташкил этилди.

Инсон хукуқлари соҳасида том маънода катта воқеликка айланган нуфузли Форумда Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Марказий Осиё давлатлари, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Мўғалистон, Афғонистон каби қатор мамлакатлардан вакиллар иштирок этишди.

Осиё форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон хукуқлари бўйича бюроси ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Форум якунида Инсон хукуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Мазкур декларация инсон хукуқлари соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, бу эзгу ишни янги, янада юксак погонага олиб чиқишга хизмат қиласди.

Жорий йилнинг 8 декабрь куни кенг жамоатчилик томонидан Ўзбекистон тараққиётiga ҳукуқий пойdevor бўлиб келаётган Конституциямиз қабул қилинганигининг 26 йиллиги жуда катта шодиёналар билан нишонланди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали

маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу маърузалирида яна бир бора “Инсон қадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш” масаласига алоҳида эътибор қаратиб қўйидаги фикрларини билдириб ўтди. “Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсаной пештоқига “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улуғвор foя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаларида судларимиз томонидан ишларни кўришда жамоатчиликнинг иштироки юқори эканлиги масаласини алоҳида эътироф этди. Билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган йигит-қизларимиз ёки бўлмаса

аёлларимиз ишларини кўришда Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Маҳалла жамғармаси каби ташкилотлар ходимлари кафиллиги асосида кўриб чиқилиши ижобий натижаларни бермоқда. Бу борадаги рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Бунинг натижасида жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йигит-қиз ҳамда 113 нафар аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг кафиллиги билан жазодан озод қилинганлиги, шунингдек, жазони ўтаётган 3 минг 333 нафар, жумладан, фаолияти ман этилган ташкилотларга кириб қолган 646 нафар маҳкум афв этилиб, оиласи бағрига қайтарилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида инсонпарварлик сиёсати юритилаётганинг ҳаётдаги амалий ифодаси эканлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази юрист кадрларни





қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида кўплаб ишларни амалга оширди.

Хусусан, давлат ва жамият қурилиши соҳасининг бугунги замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда адлия, судлов тизими, адвокатура соҳасидаги кўплаб хукуқшунос кадрларни қайта тайёрлади ва уларнинг малакасини оширди. Шунингдек, захирада бўлган ва илк бор судьялик лавозимларига тақдим этилаётган номзодлар маҳсус курсларда ўқитилди.

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети, EXXITning Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори, Ф.Эберт номидаги жамғармасининг (Германия) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигига 2018 йил 17 май куни Тош-

кент шаҳрида 18 майда эса, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Малакали юридик кадрларни тайёрлаш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди.

Конференцияда иштирок этган хорижий эксперталар ўқув жараёнида юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш назария билан амалиётнинг уйғулигини таъминлаш, масофавий таълимни жорий этиш ва унинг афзалликлари, хукуқни қўллаш амалиёти ва ўз мамлакатларида тўпланган илфор тажрибалар билан ўртоқлашди.

Ушбу халқаро конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – малакали юридик кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ халқаро тажрибани ўрганиш асосида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олишдан иборат эди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ЎЗБЕКИСТОН тараққиётининг янги босқичида муҳим аҳамият касб этган 2018 йилда адолат – инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди.

Ижтимоий адолатли давлатчилик-олий конституциявий мақсадимиз

**Ҳожимурод
ОДИЛҚОРИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қосидағи Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26 йиллиги байрамининг тантанали нишонланиши, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ушбу қуттуз айёмда янграган мазмундор маърузаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўл, эришган юксак марралар Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради. Чексиз ифтихор билан эътироф этиш лозимки, “Халқимиз сиёсий – ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”¹.

Дарҳақиқат, Конституция тараққиётимизнинг ҳозирги янги инновацион ривожланиш босқичидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароити яратиш, иқтисодиётимиз равнақи, энг муҳими, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишдек олижаноб мақсадларимизнинг кафолати ва ҳуқуқий пойдевори сифатида барчамизни янада юксак марраларга руҳлантирадиган беқиёс кудрат манбаи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Асосий қонунда халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат фояларига бўлган ишончи ҳамда қатъий садоқати мустаҳкамланган. Зоро, халқимиз ҳаётӣ тажрибасига, миллий ва маданий анъ-аналарига, барча фуқаролар ва турли ижтимоий гурухлар манфаатларига мос келадиган асл демократияни қарор топтириш ҳамда ижтимоий адолат тамоийилларига таянган давлатни куриш улкан сиёсий аҳамиятга молик вазифадир.

Айни вактда, қад ростлаётган дав-

латимизнинг ижтимоий моҳиятини, инсонпарвар табиатини, социал вазифаси ҳамда функцияларини таҳлил этиш ҳуқуқшунослар дикқат марказидан ўрин олиши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир. Шу боис “ҳуқуқий давлат” категорияси билан бир қаторда “ижтимоий давлат” феноменини ҳам илмий тадқиқот мавзусига айлантириш жиддий методологик аҳамиятга молик.

Илмий манбаларда кенг тарқалган талқинга биноан, ижтимоий давлат, энг аввало, ижтимоий адолат ҳақида, ўз фуқароларининг фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги хусусида ғамхўрлик қиласидан давлатдир. Бундай давлат эркинликни таъминлаш вазифасини аҳолининг ижтимоий начор қатламлари (ищизлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, боқувчисидан ажралганлар, ногиронлар ва ҳ.к.) ни ижтимоий ҳимоялаш билан қўшиб олиб боради.

“Ижтимоийлик” нинг асосий шарти — инсон шахсига, унинг шаъни, қадр-қиммати, эркини асраб-авайлашдан иборат.



Давлатнинг моҳияти, унинг фаолият йўналишларида мужассамлашади ва намоён бўлади. Маълумки, давлат фаолиятининг муайян қисмини ижтимоий вазифаларни бажариш ташкил этади. Ана шундай вазифалар фаолиятининг аксариятини ташкил этган демократик давлатлар – ижтимоий давлат саналиши мумкин. Ижтимоийлик, аввало, бу адолат, яъни кўпчиликнинг манфаатига мувофиқлиқdir, иккинчидан, инсонларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро ҳайриҳохлиги ифодасидир. Шунга кўра, ҳаётни адолатлироқ қиладиган ҳар қандай қоида, ҳар қандай қонун, ҳар қандай тартиб том маънода ижтимоийdir.

Юридик адабиётларда ижтимоий давлатнинг табиатига, белги ва хусусиятларига оид тури талқинлар берилади. Бир қатор тадқиқотчилар ижтимоий давлатни фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини (яъни, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва бошк.) эълон қилувчи ёки пенсия ва бошқа нафақаларни таъминловчи давлат деб баҳолайдилар². Аммо, бу ёндашув ижтимоий давлатнинг аслида ўта бой маъносини етарлича оча олмайди. У анча теран мазмун-моҳият касб этади. “Социал (ижтимоий) давлат, профессор В.М.Баглайнинг фикрича, фуқароларни иш билан таъминланishiiga шароит яратадиган, умумий даромадларни бюджет воситасида қайта тақсимлайдиган,

одамларга турмуш кечиришнинг энг кўйи чегарасини (минимумни) таъминлайдиган, кичик ва ўрта мулқдорлар хиссаси кўпайишига кўмаклашадиган, ёлланма меҳнатни муҳофаза қиладиган, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва оила хусусида ғамхўрлик қиладиган, ижтимоий таъминотни мунтазам яхшилайдиган давлатдир”³.

Конституция давлат учун аниқ ижтимоий дастурни белгилаб бермаса-да, шубҳасиз унда давлат сиёсатининг конституциявий-хуқуқий асослари белгиланади. Давлат сиёсатининг икки муҳим жиҳатини назарда тутиш лозим. Биринчиси, фуқароларга муносиб ҳаёт кечириш учун ва инсоннинг эркин ривожланиши учун шароит яратишида ифодаланади. Бу – меҳнатни ва инсонлар соғлигини муҳофазалаш, иш ҳақининг минимал ҳажмини белгилаш, ишсизликнинг олдини олиш ва ҳ.к. Иккинчиси, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш, оилани, оналиқ, оталиқ ва болаликни муҳофазалаш, ногиронларга ва қарияларга ғамхўрлик қилиш ва бошқалар. Ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, нафақалар ва бошқа ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаш кўзда тутилади⁴. Профессор О.Э.Лейст таъбирича, “социал давлат” нафақат ҳуқуқий тартиботни муҳофазалashi, шунингдек, кам таъминланган-лар ва бутун жами-

ят манфаати учун ижтимоий сиёсатни амалга ошириши (қонун воситасида иш куни давомийлигини, болалар ва аёллар меҳнатини чеклаш ҳамда таъқиқлашни, меҳнатга қобилиятсизларни ижтимоий ҳимоялашни, ишсизларни иш билан таъминлашни, давлат ҳисобидан умумий ўрта таълимни, бепул медицина хизматидан фойдаланиш кабиларни ҳуқуқий тартибга солиши) лозим⁵.

Ижтимоий давлатни тавсифловчи ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан таркиб топади: меҳнатни ва одамлар соғлигини муҳофазалаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг

риш ўринсиз бўлар эди, давлат жамият ва инсонларнинг барча эҳтиёжларини тўла таъминлаб беради, деб умид қилиш тўғри эмас. Давлат ҳамма нарсани муҳайё қиласи, мурувват манбаи бўлади, деб боқимандаликка берилиш ҳам маъқул эмас.

Ижтимоий давлатни ижтимоий тенглик, умумий ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъуллик принципларининг ҳуқук воситаси мустаҳкамланганлигига таяниб, юксак ижтимоий тараққиётни таъминлашни бош вазифаси сифатида билувчи давлат деб таърифлайдилар. Ижтимоий давлат жисмонан заиф инсонларга қўмаклашади, иқтисодий (моддий) бойликларни ижтимоий адолат принципи руҳида тақсимлаб, ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт кечиришни таъминлашга интилади⁷.

Инсон ўз эҳтиёжларини қондириши, муносиб ҳаёт кечириши учун тегишли маблагга эга бўлиши, бунинг учун эса, иш билан таъминланган бўлиши лозим. Шу боис ижтимоий давлат аввало шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, ишсизликнинг олдини олади, иш ўринлари яратади, ижтимоий муҳтожларни, ногиронларни пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Конституция демократик мамлакат шароитида ҳуқуқий ижтимоий давлат мумкин қадар ҳамма фуқароларнинг равнақига тенг шароитлар яратишга қўмаклашишини ва ҳаёт машаққатларини имкон қадар тенг тақсимлашини назарда тутади.

Ижтимоий давлатнинг функциялари анча кенг. Булар аҳоли бандлигини таъминлаш, жамият миқёсида моддий бойликларни бюджет йўли билан мувозанатлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва муҳофаза этиш, таълим-тарбия борасида ғамхўрлик қилиш, одамларга тирикчилик учун энг кам чегарани белгилаш, оилани ҳимоялаш, ижтимоий таъминот тизимини йўлга қўйиш, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш каби функциялар. Мазкур йўналишлардаги ижтимоий фаолият иқтисодиётга



минимал миқдорини кафолатлаш, оиласи, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан қўллаб-кувватланиши, ногиронлар ва кексаларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, бошқа тўлов ва нафақаларни белгилаш, ижтимоий ҳимояни кафолатлаш ва ҳ.к. Демак, биз назарда тутаётган маънодаги давлат ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритиши, ижтимоий (шу жумладан, мулкий) тенгсизликни ижтимоий адолат талаблари асосида мувозанатлаштириши, ижтимоий ривожланишда мўътадиллик ва барқарорликни таъминлаши лозим. Бироқ, ижтимоий давлатни патерналистик давлат⁶ билан айнанлашти-

давлат аралашувини кенгайтирмайды, балки бозор иқтисодиётини ҳамда шахсий ташаббускорлик (тадбиркорлик) ни ривожлантиришни назарда тутади.

Ижтимоий давлатнинг мақсадларига эришиш ижтимоий сиёsat услубларидан ташқари, тегишли қонунчилик ва маъмурӣ ташкилий-тузилмалар вужудга келтирилишини ҳам тақозо этади. Бу иқтисодиётда структуравий ислоҳотларни амалга ошириш ва сиёсий тизимни либераллаштиришни талаб қиласди. Жамиятдаги сиёсий кучлар ва ижтимоий гурухлар ўртасида муросави-мадорага эришиш, ижтимоий ҳамкорлик (шериклик) ни йўлга қўйиш ҳар қандай ҳукумат шароитида ҳам ижтимоий сиёсатни равон юритиш имконини беради. Шунингдек, ижтимоий зўриқишилар (инқирозлар) ни бартараф этишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларига мувофиқ, давлатимизни ижтимоий йўналтирилган, инсонпарвар – ижтимоий табиат ва моҳиятга эга эканлигини эътироф этиш мумкин. Аввало, Асосий қонунимизнинг муқаддимасида давлатнинг мақсади – республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, деб белгиланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда). Ушбу конституциявий талабни амалга ошириш мақсадида 1998 йил 1 майда “Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида” қонун қабул қилинди. Кейинчалик Бандлик тўғрисидаги қонун яратилиб, жойларда меҳнат биржалари фаолияти йўлга кўйилди.

Ижтимоий табиатга эга давлатимиз ҳар кимга қариганда, меҳнат лаёқати- изчиллик билан риоя этиш қоидаси янгиланган ижтимоий сиёsat қурилишига асос қилиб олинди⁸. Шахсни ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади (Конституциянинг 30-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз маърузаларида бир неча бор таъкидлаганидек, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”⁹.

Таъкидлаш лозимки, Конституцияда ижтимоий давлатга хос қуйидаги нормалар мустаҳкамланган: ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир (37-модда). Ушбу конституциявий талабни амалга ошириш мақсадида 1998 йил 1 майда “Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида” қонун қабул қилинди. Кейинчалик Бандлик тўғрисидаги қонун яратилиб, жойларда меҳнат биржалари фаолияти йўлга кўйилди.

Ижтимоий табиатга эга давлатимиз ҳар кимга қариганда, меҳнат лаёқати-



ни йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хуқукини кафолатли таъминлайди. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас (Асосий қонуннинг 39-моддаси).

Ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишларидан бири аҳоли соғлигини сақлаш тизимини жорий этишдир. Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Хукумат ҳар бир инсоннинг ушбу конституциявий хуқукини таъминлаш учун изчил сиёsat олиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшни ташкил этди. Болалар ўлими 3 баробар камайишига эришилди. Биз бу борадаги натижаларимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш бўйича муҳим ама-

лий дастурлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Соғлиқни сақлаш тизимини 2019 – 2025 йилларда ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Бугунги куннинг талаби бўлган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Кўрилган чоралар тифайли 2018 йилнинг ўзида 400 дан ортиқ хусусий тиббиёт масканлари ташкил этилди. Аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида келгусида мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилади.

Президент Ш.Мирзиёев ўзининг 2017 йил 7 декабрдаги маърузасида куйидагиларни таъкидлаган эди: “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин... Ана шу мақсадлар учун барча маблағлар хисобидан 7 трлн. 480 млрд. сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди”¹⁰.

Конституциямизда умумбашарий мазмундаги қадриятлар ва демократик сиёсий – хуқуқий мафкура ўз “қонуний” ифодасини топганлиги боис у жамият ва давлат ҳаётини изчил демократлаштиришни, адолатли давлат бошқаруви тизимини шакллантиришни кафолатлади. Энг муҳими, бу – миллий истиқтол мафкураси, инсон қадри эъзозланадиган адолатли жамият барпо этиш мафкурасидир.

Президентимиз Асосий қонумизнинг 26 йиллигига бағишлиган маърузасида Конституциямиз принцип ва нормаларининг ҳаётга жорий этилишини, амалда ижро қилинишини ёрқин далилловчи фактлар, аниқ рақамлар ҳамда мисоллар аслида давлатимизнинг инсонпарвар, халқчил ва ижтимоий табиатини яққол намойиш этиб берди. Маълумки, сўнгги икки йилда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажара бориб, ижтимоий соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди; ижтимоий ҳимоянинг тамомила



янги модели яратилди. Ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтоҷ инсонлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратиб бериш масаласи давлатимиз дикқат марказида бўлиб келмоқда. Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлар, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар тўғрисидаги фамхўрликдир¹¹.

Шу борадаги ижтимоий сиёsat таҳлил этиладиган бўлса, 2017 йилда ногиронларга 2 триллион 600 млрд. сўм пенсия ва нафақалар тўланди. Кам таъминланган, уй-жойга муҳтоҷ 1 минг 200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арzon уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб, бошлангич тўловлар учун 22 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди¹³. Меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилди ва улар учун доимий даромад манбаи яратилди. Шу тоифага мансуб фуқароларга 7 мингдан ортиқ протез-ортопедия воситалари, 6 минг 500 дан ортиқ ногиронлик аравачалари, 1 минг 600 га яқин эшлиши аппаратлари белуп берилди. Ногиронлиги бўлган ва нафақа ёшидаги фуқароларнинг даволаш-профилактика муассасаларида белуп даволаниши учун 23 минг 500 га яқин йўлланма ажратилди¹³.

Мазкур сиёsat изчил давом эттирилиб, 2018 йилда ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахсларни, эҳтиёжманд ва ночор оиласларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларга арzon уй-жойлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилди, натижада 21 минг 500 дан зиёд ана шундай оила



арzon уй-жойлар билан таъминланди¹⁴. Бундан ташқари, 30 минг 500 га яқин ногиронлиги бўлган шахсларга умумий қиймати 3,6 миллиард сўмлик протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари ажратилди. Уларнинг 16 минг нафари реабилитация марказларида даволанди ва бу мақсадлар учун қарийб 17 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Конституциямизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида кафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилади ва ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўла миқдорда тўланади¹⁵.

Шунингдек, 2018 йил мобайнида халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, педагог-ўқитувчилар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи босқичма-босқич кўпайтирилиб, уларни рафбатлантиришнинг янги механизмлари жорий қилинмоқда.

Таълим тизимининг кейинги босқичи – олий таълим соҳасида ҳам салмоқли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда 5 та янги олий таълим муассасаси ҳамда 12 та нуфузли хорижий олий ўқув юртининг

филиаллари ташкил этилди.

Таълимнинг муҳим бўғини мактабгача таълим тизимиdir. Кейинги икки йилда юртимизда болалар боғчалари сон 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди. Давлат – хусусий шериклик асосидаги хусусий болалар масканлари икки баробар кўпайиб, ҳозирги кунда 568 тани ташкил этмоқда.

Ижтимоий давлатнинг муҳим функцияларидан яна бири – аҳолининг кам таъминланган қатламларини устувор қўллаб-кувватлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг қуидаги сўзлари таҳсинга лойиқ: “Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг бир қисмини давлат томонидан компенсация қилиш чораларини кўришимиз лозим”¹⁶.

Юқорида таъкидланганидек, давлат жамият миқёсида даромадларни бюджет воситасида мувозанатлашдек муҳим ижтимоий функцияни бажаради. Ўзбекистон давлати бу функцияга алоҳида эътибор қаратишига қуйидаги сатрлар мисол бўлади. Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди (МДҲ даги энг юқори кўрсаткич), энг кўп ва энг

кам даромад оладиган аҳоли ўртасидағи фарқ 2000 йилдаги 53,3 баравардан бугунги кунда 7,8 бараварга тушди. Бу ўринда жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра, 10 баравар қилиб белгиланганини айтиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасига кўра, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Юртимизда катта ёшдаги авлодга, кексаларга ҳурмат кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Ўзбекистон раҳбарияти ташабbusи билан 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинганилиги алоҳида эътиборга моликдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрда ўтказилган мажлисида таъкидланганидек, “Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастури доирасида кексаларни ҳар тоғонлама қўллаб-кувватлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда, ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалардан 2,0 триллион сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилади¹⁷. Бу йўналишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 29 марта қабул қилинган “Ўзгалар парваришига муҳтоҷ кексалар, пенсionерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида” ги қарорининг¹⁸ ижросини изчил таъминлаш ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Юқоридаги йўқлама тарзидағи таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси салмоқли ижтимоий ва инсонпарвар мазмундаги моддаларни ўз мазмунига жо этган. Конституциямиз ўрнатган принцип ва нормалар давлатимизнинг моҳиятини, сиёсий-ижтимоий табиатини ҳам белгилаб беради. У амал қилаётган йиллар мобайнинда давлатимизнинг ижтимоий йўналтирилган функциялари, инсонпарвар табиати ҳам тобора яққолроқ намоён бўлиб бор-





моқда. Конституция ва унинг негизида яратилган ижтимоий қонунчилик тизими ҳамда ушбу қонунчилик базасини ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ давлат функциялари йўналишларини таҳлил қилиш асосида шундай холосага келиш мумкинки, давлатимиз ўз фаолияти мазмунига кўра, демократик ҳуқуқий ижтимоий давлат мартабасига тобора кўпроқ эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Конституция байрамига бағишлиган тантанали маросимнинг юксак минбаридан қуидаги сўзларни баён этди: “Барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак: яхши яшаш учун энг аввало яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чукур хис этишимиз зарур. Бунга эришиш эса, фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ.

Кўзланган мэрраларимиз қанчалик юксак ва машаққатли бўлмасин, уларга этиш учун барча имкониятларимиз мавжуд. Аждодларимиз мероси, халқимизнинг илмий ва бунёдкорлик салоҳияти ҳамда тадбиркорлик фазилати бизга бу йўлда бекиёс куч-кудрат манбаи бўлиб хизмат қиласи”¹⁹.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фароловон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Халқ сўзи, 2018 йил, 8 декабрь.
2. Қаранг: Иваненко В.А., Иваненко В.С. Социальные права человека и социальные обязанности государства: международные и конституционные правовые аспекты – СПб., 2003. – 62-63 б.
3. Қаранг: Баглай В.М. Конституционное право Российской Федерации. – М., 2007. – 137 б.
4. Қаранг: Конституция Российской Федерации: комментарий / Под общ. ред. Б.Топорнина и др. – М., 1994. – 21 б.
5. Қаранг: Лейст О.Э. Гражданское общество, государство и право / Общая теория государства и права. Академический курс. Отв.ред. М.Н.Марченко, Том 1. – М., 1998. – 346 б.
6. Патернализм – лот – “paternus” – отага тааллуклилик. Патерналистик давлат – ўз фуқароларига “оталарга” фамхўрлик кўрсатадиган давлат маъносида. Давлат ҳамма шарт-шароитларни яратиб беради, деб ишониш.
7. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России. – М., 1999. – с.131.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995. – Б.129.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., 2017, 16-бет.
10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., 2017, 14-бет.
11. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 30-бет.
12. Ўша манба, 25 – бет.
13. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018, 25-бет.
14. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь
15. Ўша манба.
16. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фароловон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. – Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь
17. Халқ сўзи, 2015 йил 20 октябрь
18. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002, 5-6 сон, 46-мода.
19. Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь



Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Юристлар малакасини
ошириш маркази
кафедра мудири,
юридик фанлар
доктори, профессор

Ўзбекистон Республикасида норматив-хуқуқий ҳужжатлар соҳасидаги ислоҳотлар: **МАЗМУН ВА МОҲИЯТ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг демократик-хуқуқий давлат барпо этишинг барқарор ва мустаҳкам конституциявий-хуқуқий асосларини яратди. Ушбу жараёнда қонунийликни таъминлаш ва қонун устуворлигига устувор аҳамият қаратилиб келинмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хукуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунийлик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ. Шу боис, сўнгги йилларда қонунийлик, қонун устуворлиги сингари конституциявий-хуқуқий принципларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасининг Кенгаши ҳузурида Қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиши ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи гурӯҳ тузилиши, фракцияларнинг (депутатлар гурӯҳларининг) қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари депутатларга етказилиши ҳамда ҳисобга олиниши шартлиги белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг, ҳалқ депутатлари Кенгашининг, ҳокимнинг ва Марказий банкнинг хукуқ ижодкорлиги фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг норматив-хуқуқий (норматив) тусдаги қарор-



ларини эълон қилиш, кучга киритиш ва кенг омма эътиборига етказиш тартиби аниқ-равшан белгиланди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳукукий ҳужжатларини амалга киритиши учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилди; қонун ижодкорлигида халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг таҳлилий қиёсий ўрганилиши шарт қилиб белгиланди; ҳукукий экспертиза ўтказишида эътиборга олинадиган ҳолатлар аниқлаштирилди; норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг кучга кириш муддати тўғрисидаги қоида киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди, вазирлик зиммасига: қонунлар лойиҳаларини ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам ҳукукий экспертизадан ўтказиши, шунингдек, қонунлар лойиҳаларини улардаги давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳукуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асоссиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилини амалга ошириши; қонун лойиҳасини тайёрлаш учун ишчи гурӯҳи (комиссияси) таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакиллари кириши белгиланди; ҳукукий экспертизани ўтказишдаги иштироки билан боғлиқ қоидалар такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Боз прокуратураси таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқарумаси тузилди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун



хужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларини жиддий равиша камситаётган бўлса, Боз прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши тизими йўлга қўйилди.

Парламентнинг қонун ижодкорлик фаолияти илмий ва эксперт-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди, Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партия ва фракциялар ўрни ва роли янада кучайтирилди, қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни ишлаб чиқиш ҳукуқи кафолатланди, қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳукукий ва бошқа оқибатлари прогноз қилишнинг қонуний асослари яратилди, қонун ижодкорлигига олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини жалб қилиш учун кенг шарт-шароитлар яратилди, қонун лойиҳасини парламентда кўриб чиқиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилди, Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқиш, келишув комиссиясини ташкил этиш тартиби аниқлаштирилди.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир

фаолиятининг намунавий регламенти, қонун лойиҳаси концепциясига, қонун лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хати, таҳлилий ва ахборот материалларига қўйиладиган асосий талаблар тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозими жорий этилди. Қонун лойиҳаси манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишилгунинга қадар мажбурий равишда жамоатчилик ва (ёки) мутахассислар муҳокамасига киритилиши тартиби жорий этилди. Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ягона интэрактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши тартиби жорий этилди. Жамоатчилик ташабbusларини муҳокама қилиш ва вакиллик органлари томонидан кўриб чиқиш имконини берувчи “Mening fikrim” веб-портали ишга туширилди. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди ҳамда унинг доирасида тизимлаштирган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг хуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш,

шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рӯёбга чиқариш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисидаги қонун хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бошқа қонун хужжатларидан иборат.

Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисидаги бошқа қонун хужжатларини куйидаги гурухларга ажратишимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” конституциявий қонунлари, 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги (янги таҳрири), 2000 йил 14 декабрдаги “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги, 2006 йил 11 октябрдаги “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги, 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатаси қарорлари: 2016 йил 29 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти, 2005 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти, 2015 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг норматив-хуқуқий атамалар комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик



палатаси ва Сенатининг 2010 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2015 йил 15 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаси кўриб чиқилаётганда қонунчилик ташаббуси хукуқи субъекти вакилларининг иштирок этиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Қонун лойиҳаси тайёрланаётганда халқаро хужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонун хужжатлари қоидаларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 28 сентябрдаги ПҚ-3294-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-хукуқий хужжатлари: 1997 йил 9 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2000 йил 5 августдаги “Қонун хужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва хукуқий ахборот-



ларни тарқатишни тартиба солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2011 йил 5 августдаги “Қонунлар ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2014 йил 2 декабрдаги “Қонун хужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2005 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-хукуқий хужжатлари: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2008 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси норматив-хукуқий хужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида”ги Низоми, 2011 йил 12 декабрдаги “Норматив-хукуқий хужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун хужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш Қоидалари”, 2012 йил 14 февралдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун хужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш Қоидалари”, 2012 йил 9 апрель “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари



томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида"ги Буйруғи, 2013 йил 1 февралдаги "Маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Йўрикномаси, 2014 йил 28 февралдаги "Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари".

Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларининг Қорақалпогистон Республикасида амал қилиши билан боғлиқ хуқуқий қоидалар Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикаси конституцияларида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 72-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпогистон Республикаси худудида ҳам мажбурийдир. Шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, Қорақалпогистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикасининг Конституциялари

ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Қорақалпогистон Республикасида ҳам ушбу муносабатларни тартибга солиш бўйича бир қатор қонун хужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Қорақалпогистон Республикасида қонун ижодкорлиги жараёни билан боғлиқ масалалар Қорақалпогистон Республикасининг 1998 йил 29 январдаги "Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенеси тўғрисида"ги (янги таҳрири), 1998 йил 7 мартағи "Қорақалпогистон Республикаси Конституциявий назорат кўмитаси тўғрисида"ги, 1998 йил 29 январдаги "Қорақалпогистон Республикаси Министрлар Совети тўғрисида"ги (янги таҳрири), 1997 йил 15 декабрдаги "Қорақалпогистон Республикаси қонун хужжатларини тайёрлаш тўғрисида"ги, 1996 йил 14 декабрдаги "Қорақалпогистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги, 2004 йил 9 октябрдаги "Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида"ги, 2001 йил 29 июндаги "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги қонунлари ҳамда 2006 йил 27 декабрдаги Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенеси регламенти билан ҳам тартибга солинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимики, Ўзбекистон Республикасида қонун хужжатларининг тушунчаси, тизими, турлари, уларни тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда эълон қилиш ва ижросини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, норматив-хуқуқий хужжатларни тизимлаштиришга хизмат қиласи, иккинчидан, уларни ишлаб чиқиш ва экспертиза турларидан ўтказишнинг процессуал тартибини белгилайди, учинчидан, норматив-хуқуқий хужжатларга талабларни белгилаш орқали давлат органларининг масъулиятини ошишига хизмат қиласи, тўртинчидан, норматив-хуқуқий хужжатларни самарали ижросини таъминлаш ва аҳолининг хуқуқий маданиятини янада ошишига хизмат қиласи.

ИБРАТЛІЙ ДУНЁ

Яъкуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб ал-Ансорий (113—182 ҳ.й.) Абу Ҳанифанинг атоқли шогирди, буюк фақих ва музжтаҳид, Аббосийлар давлати (Маҳдий, Ҳодий ва Рашид даврлари)нинг қозил-қузоти (буюк қозиси) эди. Уларнинг ҳар бири, айниқса, Ҳорунур-Рашид уни эъзозлаб, катта ҳурмат кўрсатарди.

Мандаларда зикр эттешишің, у аввал-лары ҳадис илми билан шүтүмланиб, ҳар күнни мұхаддислар билан үткериб, 50–60 та ҳадисни үргінар ба доши-қаларға үқиб берарди. У Ҳишием ибн Үрба, Абу Исҳоқ Шайбоний, Ато ибн Сәйф ба дошиқалардан ҳадис ривоят қылған. Аввалимари Ибн Абділаймодан фиқхни үргінанд, кейинирек үшінде ғаніма қызыққаны түфайли Абу Ҳанифа дарс ҳалқасына құшиналды ба үнні мұжитоз шөиридің айланади.

Шайх Мұхаммад Ҳузарийбекнинің
әзизшыға, у Абы Ҳанифаниң эң дүйнек
шоуарды ба эң жаши ёрдамчысы си-
фатпенда биринші дүйнеде үннің мазҳа-
би дүйнеге күттөд әзілан, масалаларни
имло қылған, Ҳанафий мазҳабини ер
күнің тарқаттап (Шайх Мұхаммад
Ҳузарийбек. «Марихұт-тәшириыл-исло-
мий», 171-бет.)

Асемде Абұ Қосыф бір қашшық оның
мансұб бүлік, қассорлық, және
күйимларни юниш ба еқартириши
ниш билан шүңгіланады. Үннің үзілік
шүндай деған әди: «Фақырлық өтінімде
хадис ба фикхни үрганиша интилдім.
Бір күнни Абұ Ҳанифа ёнида үтпірга-
нимда онам көміл мени үзі билан
олиб чиқып бүндай деди: «Абұ Ҳанифаға
қараға сөзинінің үзаттма, үннің нони пі-

шық, сен эса ҳәёттимизни таъминлама-
та матбурсан». Мен онамла штоат
қилиб, күп илм изидан юришидан бер-
кедим. Абы Ҳанифа мени қидириб то-
ниб, дарсга қайтишиимни сүради. Мен
эса унині мағлисига қайтиб келдим.
Унині мағлисига қайтилан илк күннім
эди. У «Сени биңдан нима үзөқлаштыр-
ди?» деб сүради. «Ҳәёттимизни таъмин-
лама ба онамла штоат қилиши», деб
табод бердим ба үрніміга үтірдім.
Одамлар чиқып көтілгандан кейин у
бір халттаны менің тұтқазыб, «Бұндан
фойдаланыб түр» деді. Қарасам, итіда
юз дирхам бор экан. У менің қараб:
«Ҳар қағын бу түгаса, менің хадар
бершиң», деді.

Мен даңраға бориб түрдім, бир оз мүлдәтдан кейин яна іоз дирхам берди, шундағы қылым, мұхтарлықдан чықып, бадавлатп әйлұнныңға қадар у мен-ға ёрдам күрсатиб түрді (Доктор Ахмад Шалабий, «Мавсұаттыл-хазора-тил-исломия», 8-жыл, 199-бет.) .

Абы Юсуф Абы Ҳанифанині дарсларына шу қадар қызыққан эдикى, ҳаттىң бир үзүү үмитанды дарсдан қолишидан күркүйд, уни дағын этешин өзүнчесини бирөөвіа топширган экан.



Рафик ШАКУРОВ,
Доцент кафедры
уголовно-правовых
дисциплин Центра
повышения квали-
фикации Юристов
при Министерстве
Юстиции Республики
Узбекистан

Понятие и характеристика субъектов квалификации преступления

В теории уголовного права установилась практика разграничения квалификации преступлений по субъектам их осуществляющим на виды: официальная (легальная) квалификация и неофициаль- ная (доктринальная) квалификация.

Анализ содержания норм уголовно-процессуального законодательства позволяет определить, что к субъектам, официально осуществляющим квалификацию преступлений, относятся дознаватель, следователь, прокурор и судья.

Названные официальные субъекты осуществляют квалификацию преступлений, в рамках той компетенции, которая определена соответствующими статьями уголовно-процессуального за- конодательства для данного вида участ-

ника уголовного процесса, а принятые ими решения по конкретному уголовно- му делу носят обязательный правовой характер и реализуются в виде юриди- ческих документов (обвинительное за- ключение, приговор и т.п.).

Рассмотрим в отдельности полномо- чия субъектов официально производя- щих квалификацию преступлений.

В соответствии со ст.38 УПК дозна- ние по уголовным делам производится дознавателями:

- 1) Органов внутренних дел;
- 2) Департамента по борьбе с нало- говыми, валютными преступлениями и легализацией преступных доходов при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан и его подразделений на местах;
- 3) Бюро принудительного исполне- ния при Генеральной прокуратуре Ре- спублики Узбекистан и его подразделе- ний на местах;
- 4) Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан и его подразделений на местах.

Уполномоченные лица названных органов производят дознание в соот- ветствии с общими правилами, уста- новленными Уголовно-процессуальным





кодексом, с учетом особенностей, указанных в главе 46¹ УПК, определяющей общие условия дознания.

Так, в рамках указанных в ст.381 УПК полномочий, дознаватель вправе осуществлять процессуальные действия, которые выражаются в виде таких процессуальных документов как постановление о возбуждении или прекращения уголовного дела, об отказе в его возбуждении и др. Именно в этих процессуальных документах излагается формулировка официальной квалификации преступления. При этом, дознаватель имеет право осуществлять квалификацию совершенного общественно опасного деление только по преступлениям, которые перечислены в статье 381² УПК определяющей подследственность уголовного дела. Документом, закрепляющим конечный итог квалификации преступления, является обвинительный акт, который составляется дознавателем, на основе собранных доказательств, признанных им достаточными для передачи дела в суд (ст.381¹² УПК «Обвинительный акт»). Наряду с этими полномочиями, дознаватель может представлять дело вышестоящему прокурору с письменным изложением своих возражений при несогласии с

указаниями прокурора о квалификации преступления и объеме обвинения.

Следователи органов внутренних дел, прокуратуры и службы государственной безопасности как лица имеющие право производить предварительное следствие (ст.35 УПК «Следователь»), в рамках своих полномочий определенных статьёй 36 УПК («Полномочия следователя»), проводят предварительное следствие по уголовным делам о преступлениях подследственных им в соответствии со ст.345 УПК («Подследственность уголовного дела»). При наличии поводов и оснований к возбуждению уголовного дела (ст.322 УПК) и уголовно-правовой оценки с точки зрения, относимости совершённого общественное деяния к разряду преступления, уполномоченные лица обязаны возбудить уголовное дело в соответствии со ст.331 УПК, предусматривающей общий для дознавателя, следователя и прокурора порядок возбуждения уголовного дела. Соответственно, при выявлении обстоятельств, указанных в ст.333 УПК («Отказ в возбуждении уголовного дела») должностное лицо органа, осуществляющего доследственную проверку, дознаватель, следователь или прокурор обязаны вы-

нести постановление об отказе в возбуждении уголовного дела. Кроме того, прокурор, осуществляющий надзор за законностью расследования уголовного дела, при получении копии постановления о возбуждении уголовного дела, вправе отменить данное постановление по факту неправильной квалификации совершенного деяния (ст.337 УПК «Надзор прокурора за законностью возбуждения уголовного дела»).

В соответствии со ст.5 Закона Республики Узбекистан от 5 апреля 2018 года за № 3РУ-471 «О службе государственной безопасности Республики Узбекистан» одним из основных направлений Службы государственной безопасности является осуществление предварительного следствия по делам о преступлениях, расследование которых отнесено к полномочиям СГБ. Процессуальные полномочия следователей СГБ также как и полномочия других работников следственных органов нашей республики, определены Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан. Вместе с тем, с учётом специфики деятельности данной службы, а именно выполнение возложенных задач по

обеспечению государственной безопасности, статья 23 Закона «О службе государственной безопасности Республики Узбекистан» определяет специальные права следователей СГБ, которые выражаются, в частности в праве требовать от должностных лиц и граждан покинуть место проведения доследственных проверок и следственных действий, безвозвратно использовать возможности средств массовой информации, учрежденных государственными органами и иными организациями, для установления обстоятельств преступлений. Как официальный субъект квалификации преступления, следователи СГБ вправе давать уголовно-правовую оценку только в рамках тех статей УК, которые в соответствии со статьёй 345 УПК, относятся к их подследственности.

Принятые вышеназванными официальными субъектами квалификации преступления обвинительный акт или обвинительное заключение поступают прокурору или его заместителю, которые в рамках ст.384 УПК («Вопросы, разрешаемые прокурором по уголовному делу, поступившему с обвинительным заключением или обвинительным ак-



том») проверяют данный итоговый документ по уголовному делу на вопрос, обосновано ли предъявленное обвинение имеющимися в деле доказательствами, включены ли в сущность обвинения все доказанные преступные деяния обвиняемого, правильно ли квалифицированы деяния обвиняемого и соответственно, принимают по уголовному делу, поступившему с обвинительным заключением или обвинительным актом, одно из решений, предусмотренных в ст.385 УПК.

Суд в рамках своих полномочий также вправе осуществлять квалификацию преступлений, которая может проводиться в процессе судебного разбирательства. Давая разъяснение по вопросу изменения обвинения судом, Пленум Верховного суда Республики Узбекистан в пункте 26 постановления от 23 мая 2014 года № 07 (с изменениями и дополнениями от 19 мая 2018 года № 16) «О судебном приговоре» отметил, что «В соответствии со статьей 415 УПК суд вправе изменить обвинение. При этом, исключаются части обвинения или квалифицирующие признаки преступления. Суд вправе изменить или дополнить предъявленное доказанием, предварительным следствием обвинение в порядке, предусмотренном в статьях 416 и 417 настоящего Кодекса».

Названные статьи УПК предоставляет суду право устраниТЬ недостатки, связанные с неполнотой доказывания, предварительного следствия или существенными нарушениями норм уголовно-процессуального закона путём изменения или дополнения предъявленного доказанием, предварительным следствием обвинение. Статья 421 УПК предусматривает порядок прекращения уголовного дела в судебном заседании. При этом, в качестве оснований для прекращения уголовного дела, законодатель ссылается на положения статьи 83 УПК («Основания для реабилитации») и пункты 1, 2, 3 и 8 части первой статьи 84 УПК («Основания для пре-



крашения уголовного дела без решения вопроса о виновности»).

Так, статья 83 УПК предусматривает в качестве реабилитирующих оснований: 1) отсутствие события преступления, по поводу которого было возбуждено уголовное дело и производилось расследование или судебное разбирательство; 2) отсутствие в деянии лица состава преступления; 3) факт непричастности лица к совершению преступления. Эти основания позволяют суду вынести оправдательный приговор по делу.

Пункты 1, 2, 3, 8 части 1 статьи 84 УПК, содержат основания для прекращения уголовного дела без решения вопроса о виновности. Таковыми являются, истечение сроков давности привлечения лица к ответственности (пункт 1), наличие акта амнистии, под действие которого подпадает совершенное преступление или лицо его совершившее (пункт 2), наступление смерти обвиняемого, подсудимого (пункт 3), соответствующая статья Особенной части Уголовного кодекса Республики Узбекистан предусматривает освобождение лица от ответственности ввиду деятельного раскаяния в содеянном

либо в связи с возмещением причиненного материального ущерба и (или) устраниением последствий преступления в течение установленного срока (пункт 8). Установление в ходе судебного разбирательства этих оснований предоставляют суду право вынести обвинительный приговор без назначения виновному лицу наказания. Неправильная квалификация преступления, допущенная судом, влечет постановление ошибочного, неправосудного приговора и соответственно необоснованного осуждения невиновного. Обнаруженная вышестоящим судом такая ошибка влечет изменение или отмену приговора.

Постановление приговора в определённом смысле также является одной из форм деятельности суда по обеспечению правильной квалификации преступления. Так, ст.457 УПК («Вопросы, разрешаемые судом при постановлении приговора») предписывает, что «при постановлении приговора суд в отдельной (совещательной) комнате разрешает следующие вопросы: 1) имело ли место деяние, в совершении которого обвиняется подсудимый; 2) является ли это деяние преступлением и какой именно статьей Уголовного кодекса оно предусмотрено; 3) совершил ли это

деяние подсудимый; 4) виновен ли подсудимый в совершении преступления и если виновен, то какова форма его вины». Указанные в ст.457 УПК вопросы непосредственно связаны с признаками состава преступления, имеющими уголовно-правовое значение для квалификации преступления, с правилами квалификации общественно опасного действия и соответственно подлежат обязательному разрешению судом при постановлении приговора. В частности, предусмотренный в п.2 ст.457 УПК вопрос о том «является ли это деяние преступлением и какой именно статьей Уголовного кодекса оно предусмотрено», прямо указывает на необходимости сопоставления общественно опасного действия с признаками преступления, предусмотренного статьёй Особенной части УК.

Важным в обеспечении законности в суде, является участие в судебном разбирательстве прокурора, который поддерживает государственное обвинение, излагает своё мнение о квалификации действий подсудимого. В случае несогласия с предъявленным подсудимому обвинением, прокурор обязан сделать об этом суду мотивированное заявление о необходимости его изменения (ст.409 УПК «Участие прокурора в судебном разбирательстве»).

Для правильного и единообразного применения уголовного закона в наиболее сложных случаях, особое место занимают руководящие разъяснения Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, которые, по сути, представляет собой легальный вид квалификации преступлений.

Наряду с указанными официальными субъектами, осуществляющими квалификацию преступлений, теория уголовного права выделяет неофициальные (доктринальные) виды квалификации, где в качестве субъектов осуществляющих квалификацию преступлений могут выступать учёные, научные работники, адвокаты лица, в отношении которых





предпринято уголовное преследование. Правовая оценка совершённого общественно опасного деяния, этими неофициальными субъектами является их личной позицией и не влечёт юридических последствий. Вместе с тем, факты, изложенные законными участниками уголовного процесса, например, адвокатом, подозреваемым или обвиняемым на суде должны быть рассмотрены и учтены - приняты или отвергнуты в уголовно-процессуальных актах доказавшего, следователя, прокурора или суда. Так, например, в соответствии со ст.6 Закона Республики Узбекистан от 27 декабря 1996 года за № 349-І (в редакции Закона Республики Узбекистан от 11 октября 2018 года №3РУ-497) «Об адвокатуре», при осуществлении профессиональной деятельности адвокат имеет право собирать и представлять доказательства, которые подлежат приобщению к материалам уголовного дела и обязательной оценке в ходе проведения доследственной проверки, дознания, предварительного следствия и рассмотрения дела в суде. Доказательства по делу могут быть собраны адвокатом путем: проведения опроса лиц, владеющих относящейся к делу

информацией, и получения письменных объяснений с их согласия; направления запроса и получения справок, характеристик, разъяснений и других документов из государственных и иных органов, а также предприятий, учреждений и организаций (ст.87 УПК «Собирание доказательств»). Собранные и представленные адвокатом доказательства по конкретному уголовному делу, в соответствии со ст.87 УПК подлежат приобщению к материалам уголовного дела, а также обязательной оценке в ходе проведения доследственной проверки, дознания, предварительного следствия и рассмотрения уголовного дела в суде. Естественно, при наличии достаточных оснований, представленные адвокатом доказательства могут повлиять на квалификацию содеянного.

Подводя итог сказанному, можно утверждать, что законодательством конкретно определены основания и условия для правильной квалификации преступлений, а также достаточно полно обеспечен процессуальный порядок деятельности субъектов уголовно-правовой оценки общественно опасного деяния.



Сирожиддин ҚУВВАТОВ,
Жомбой туманлааро иқти-
содий судининг судьяси

АЙРИМ ҚОНУНЛАРИМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль куни мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида муҳим аҳамият касб этиётган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишиларидан бири бўлган – “қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш”да сансоларликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуёи инстанция судларининг камчиликларни мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори инстанция судларининг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилган.

Ушбу йўналиш барча хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимиға, жиноятчиликка қарши курашиб ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан та-

комиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш, 2018 — 2021 йилларда жиноят ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишни, суд, хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиш, танлаш ва жой-жойига кўйиш тизимини такомиллаштиришни, адвокатурани ривожлантиришни, нотариат тизимини ва ФХДЁ органларини ислоҳ қилишни ўз ичига олади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги давр руҳидан келиб чиқиб айrim қонунларимизни такомиллаштириш талаб этилади.

Президентимизнинг “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2017 йил 1 апрелидан терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизmlарини жорий этиш орқали суд томонидан жи-





ноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилиниши кўрсатилган эди. Мазкур фармондан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш киритилиб, судлар томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 399 ва 419-моддаларида апелляция ва кассация инстанциялари ишни янгидан кўриш учун ўтказмасдан ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёки ҳал қилув қарорини, қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқариши белгилаб қўйилган.

Судлар томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилиниши фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июнь куни суд органлари ходимлари билан бўлган учрашувида, “Аксарият ҳолларда айбисиз шахсларни оқлаш учун тўлиқ асослар бўлса-да, жиноят ишлари турли сохта баҳоналар билан қўшимча терговга қайтариб келинганини қандай тушуниш керак? Қайси давлатда, қай-

си жамиятда яшаяпмиз ўзи?” ...Биз ана шундай нохуш, шармандали ҳолатларни баратараф этиш мақсадида қўшимча тергов институтини бекор қилдик. Мазкур қарорнинг аҳамияти шундан иборатки, энди тергов органлари жиноят ишларини ҳар томонлама холис ва пухта тергов қилишга мажбур бўлади. Ўз навбатида судлар ҳам ҳар бир иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилишга мажбур. Чунки бошқа йўли йўқ. Қайта тергов қанча маблағ, қанча вақт, қанча оворагарчиликларга сабаб бўлади. Энди буларнинг барчасига чек қўйилмоқда. Халқимиз “қайта тергов” балосидан қутулмоқда” деб алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини қайта терговга юбориш, Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролик ишини ишни янгидан кўриш учун юбориш институти бекор қилинган бўлса-да, лекин Иқтисодий процессуал кодексида иқтисодий ишни янгидан кўриш учун юбориш институтидан воз кечилмади.



Ўзбекистон Республикасининг олдинги Хўжалик процессуал кодекси апелляция инстанциясининг ваколатлари деб номланувчи 168-моддаси 5-банди (ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмida назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли), кассация инстанциясининг ваколатлари деб номланувчи 187-моддаси 3-банди (биринчи инстанциясининг ҳал қилув қарорини, агар қабул қилинган ҳал қилув қарори етарлича асосланмаган бўлса, бекор қилиш ҳамда ишни ҳал қилув қарори бекор қилинган хўжалик суди инстанцияси га янгидан кўриш учун юбориш) янги қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодексининг апелляция инстанциясининг ваколатлари деб номланувчи 278-моддаси 5-банди (ушбу Кодекс 279-моддаси тўртинчи қисмининг тўртинчи бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли) кассация инстанциясининг ваколатлари деб номланувчи 301-моддаси 3-бандида (ушбу Кодекс 302-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида назар-

да тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни ҳал қилув қарори бекор қилинган суд инстанциясига янгидан кўриш учун юборишга) ўзгаришларсиз сақланиб қолди.

Аксарият ҳолатларда амалиётда апелляция ва кассация судларида биринчи инстанция суди қабул қилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб янгидан кўриш учун қуий судларга юборилган иқтисодий ишлар бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори ишни биринчи марта кўрган суднинг қабул қилган қарори билан қарийб бир хил мазмунда қарор қабул қилмоқда, халқимиз таъбири билан айтилганда “Али Хўжа-Хўжа Али”. Бунга сабаб, биринчи инстанция суди қарор қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, процессуал қонун нормаларини бузган ёки нотўғри қўллаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар кўпинча суднинг якуний қарори қабул қилинишига таъсир кўрсатмайди.

Иқтисодий процессуал кодексида, апелляция ва кассация инстанциялари га қуий турувчи суднинг қарорини ўзгартирган ёки бекор қилган тақдирда ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан туриб, якуний қарор чиқариш бўйича

ваколатлар берилганида ортиқча овора-гарчилик, ортиқча сарф-харажат ва энг муҳими ортиқча вақт кетмаган бўлар эди.

Одатда, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф апелляция ёки кассация тартибida юқори турувчи судга шикоят ёхуд протест билан мурожаат этади. Суд апелляция ёки кассация шикояти ёхуд протестини иш юритишга қабул қилиб, ишни кўриш давомида апелляция ёки кассация шикояти ёхуд протестидағи ҳал қилув қарорининг бекор бўлишига асос бўладиган важлар тасдиқланса, апелляция инстанцияси Иқтисодий процессуал кодекси 278-моддаси 5-банди, кассация инстанцияси эса 301-моддаси 3-банди асосида ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборади. Натижада тарафлар қўйидаги муаммоларга дуч келади:


● – ҳозирги кунда аксарият туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларида битта судья фаолият кўрсатмоқда. Бундай ҳолатда апелляция ва кассация судлари иқтисодий ишни ушбу ишни биринчи инстанция тарикасида кўрган тарафлар ўзлари рўйхатдан ўтган туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ИПКнинг

20-моддаси 1-бандинга мувофиқ янгидан кўриш учун юбора олмасдан, иқтисодий иш даъвогар ёки жавобгар (судловга тегишилик бўйича жавобгар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги суд) рўйхатидан ўтган ҳудуддан бошқа туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига юборилади.

● – ишни янгидан кўриб чиқкан суд, иш натижаси бўйича илгари ишни биринчи инстанция суди кўриб қабул қилгандек ёки умуман бошқа қарор қабул қилиши мумкин. Ҳар иккى ҳолатда ҳам ёки даъвогар ёки жавобгар бу қарордан норози бўлиб, тақроран апелляция ёки кассация судига мурожаат қилишига тўғри келади.

● – янгидан кўрилган иш бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлган тарафлар шубҳасиз апелляция ёки кассация тарзида апелляция ёки кассация шикояти ёхуд протести билан юқори судга мурожаат этади. Натижада, юқори суд ИПКнинг 20-моддаси талаби бўйича ёки ушбу судда кворум бўлмаганлиги сабабли ишни апелляция ёки кассация тарзида кўра олмай, иш бошқа вилоят судига юборилади ва шунга ўхшаш бошқа оворагарчиликларни келтириб чиқаради.





Агарда, апелляция ва кассация инстанцияларига қуйи турувчи суднинг қарорини ўзгартирган ёки бекор қилган тақдирда ишни янгидан кўриб чиқишига юбормасдан туриб, якуний қарор чиқариш бўйича ваколатлар берилганида қуидаги муаммолар бартараф этилган бўлар эди.

➔ **Биринчидан**, апелляция ёки кассация суди ишдаги ўзи аниқлаган процессуал хатоликни аниқлаб, бу хатоликлар уларнинг ўзлари томонидан бартараф этилганда, суд қарорлари бўйича мурожаатлар ва оворагарчиликлар камайган бўлар эди.

➔ **Иккинчидан**, судьяларнинг масъулиятини янада оширади. Президентимиз таъкидлаганидек, судьяларнинг қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулияти ошиб, ўз навбатида судлар ҳар бир иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилишга мажбур.

Иш апелляция ёки кассация таркибида кўрилганда Иқтисодий

процессуал кодексининг 16-моддаси талабига мувофиқ уч нафар судьядан иборат таркибида кўрилади. Албатта ҳайъатда иштирок этаётган судьялар малакаси, тажрибаси ва бошқа жиҳатлари билан туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий суди судьяларидан устун турди. Бунинг исботини Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисидаги” Қонунининг 61-моддасида кўришимиз мумкин. Бунда ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, хукукни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг, ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин. Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик, шу жумладан,

коида тариқасида, судья сифатида камида иккى ийллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпогистон Республикаси судининг, вилоят судининг, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судъяси бўлиши мумкин. Кўриниб турибдики, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган биринчи инстанция суди судъясидан ҳар томонлама устун турадиган вилоят судининг уч нафар судъяси томонидан ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юбориши уларнинг қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини камайтириб, масаланинг қонуний ечими ни топиб, якуний қарор қабул қилиш ўрнига, ИПКнинг 304-моддаси 1-қисмига асосан тегишли кўрсатмалар билан ишни янгидан кўриш учун қўйи судларга юбориш орқали ўзларини бу ишдан соқит қилишига олиб келмоқда.

➔ **Учинчидан**, қўйи судларга ишни янгидан кўриш учун юбориш баъзида тарафларни ишни назорат тартибида кўришга мурожаат қилиш имкониятидан узоклаштиради. Агар апелляция ёки кассация суди ишни кўриб, натижаси бўйича қарор қабул қилиб, бу қарордан тарафлар норози бўлса ишни назорат тартибида кўриб чиқиш учун мурожаат қилиши осонроқ бўлар эди.

➔ **Тўртинчидан**, тарафларнинг ортиқча вақт сарфлаши, тарафларнинг иш янгидан кўриш учун юборилган бошқа туман ёки шаҳарга бориб-келиши, яна апелляция ёки кассация тартибида мурожаат қилиши учун давлат божи, почта ва бошқа суд харажатлари, агар адвокат хизматидан фойдаланаётган бўлса унга ҳақ тўлаши каби ортиқча харажатлар қилишига олиб келади.

➔ **Бешинчидан**, энг муҳими, ишнинг чўзилиб кетишидан тарафлар безор бўлиб, юқори судларга мурожаат қилишдан ҳафсаласи йўқолиб, баъзида асослантирилмаган қарорларнинг кучда қолишига, фуқароларнинг одил судловга, қонун устуворлигига бўлган ишончининг йўқолишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, агарда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Иқтисодий процессуал кодексига Фуқаролик процессуал кодексидагидек, апелляция ва кассация инстанциялари ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёки ҳал қилув қарорини, қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқариш ваколати берилса, фуқаролар хукуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси таъминланишида, аҳолининг одил судловга бўлган ишончининг ошишида, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилган бўлар эди.



СУДЬЯЛИК – АДОЛАТГА ДАХЛДОРЛИК ДЕМАКДИР

Азиз журналхон! Қуийда эътиборингизга тақдим этилаётган сұхбат узоқ йиллар давомида судьялик лавозимида фаолият юритиб, бугунги кунда күпчилік судьяларимизга устоз мақомидаги инсон, таниқлу ҳуқуқшунос Карим САЙДОВ билан тайёрланған.

У киши ўзининг кўп йиллик иш ва ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан хулосаларини баён қилган. Ўйлаймизки, устознинг фикрмуроҳазалари сизларни ҳам қизиқтиради.



Савол: *Карим ака узоқ йиллар давомида ниҳоятда масъулиятли ва шарафли судьялик вазифасини бажарған киши сифатида суднинг жамиятимизда тутған ўрни ва мамлекатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳатлари ҳақидағы фикрингизни билмоқчи эдик.*

Жавоб: Мәлумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинліклари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиниши кафолатланған, ҳуқуқий демократик давлатни қуриш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Истиқлол туфайли биз фақатгина иқтисодий ёки сиёсий соҳада эмас, балки ҳамма соҳада бўлгани каби, ҳуқуқий соҳада ҳам мустақилликка эришдик.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган энг муҳим тарихий воқеалардан бири ҳам миллий рух билан сугорилган, айни вақтда халқаро ҳуқуқ андозаларига тўлиқ мос келадиган мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясининг қабул қилиниши бўлди.

Конституциямизнинг энг муҳим ижобий ҳусусиятларидан бири ҳам унда инсон омили биринчи ўринга қўйилгани, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиниши масаласига ниҳоятда кенг ўрин берилгандигидadir.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ифода этилган Конституциянинг 13-моддаси эса юқорида қайд қилинган фикрнинг тўлиқ маънода ҳаётий тасдиги бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Конституцияга биноан айнан суд биринчи марта ҳокимиятнинг алоҳида тизими сифатида эътироф этилган бўлиб, бунда чуқур мантиқий маъно бор, яъни ҳуқуқ билан боғлиқ органлар ичи-



да фақат судгагина давлатнинг номидан қарор қабул қилиш ваколати берилган.

Конституциянинг 44-моддасига биноан эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шу сабабли ҳам суднинг фаолияти жамиятдаги ижтимоий онгни у ёки бу тарзда ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Бошқача килиб айтганда агар судга мурожаат қилган фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари қонун доирасида ҳимоя қилинадиган бўлса, у давлатнинг номидан бундай қарорни қабул қилиб, унинг ҳуқуқини тиклаган суд билан биргаликда биринчи навбатда давлатдан рози бўлади, бу жамиятда, давлатда адолат борлигига ишонч ҳосил қиласи.

Улуғ файласуфлардан бири "Агар менинг юртимда битта қози (судья) қолса ҳам, мени ҳақиқатга ва адолатга бўлган ишноч ҳеч қачон тарқ этмайди"-деган экан.

Шу нуқтаи назардан ҳам жамиятда адолатни таъминлашда ва фуқароларнинг амалдаги Конституция ва қонунлар билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилинишини кафолатлашда суднинг ўрни алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳияти ҳам фуқароларининг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонун билан қўриқланадаган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиши кафолатларини янада кучайтириш, бунинг учун эса суднинг ҳақиқий мустақиллигини ва фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалага қаратилган.

Фуқароларининг ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилинишини кафолатларини кучайтиришга қаратилган, судларнинг фаолиятини тубдан яҳшилашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган Президентимизнинг суд-хуқуқ ислоҳатлари билан боғлиқ 2016 йил 21 октябрда, 2017 йил 22 февраль ва 30 ноябрда, 2018 йил 13 июльда, 2019 йил 6 январда қабул қилинган фармонлари қайд қилинган фикрнинг ҳаётий тасдиғи бўлиши мумкин.

Мамлакатимизнинг ривожи ва халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ ниҳоятда долзарб, бирламчи вазифалар амалга оширилиши лозим бўлишига қарамасдан, айнан суд-хуқуқ ислоҳотларига давлат миқёсида алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳуқуқий, адолатли давлатни қуриш асосий мақсад қилиб қўйилган бугунги кунда, бу масала ўз мазмун моҳиятига кўра алоҳида муҳим аҳамиятга молик

эканлигини ифода этади деб ўйлайман.

Маълумки, ҳар қандай жамиятдаги адолат мезони шу жамиятдаги фуқароларининг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиниши қай даражада кафолатланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кафолатлашда ва адолатни таъминлашда жамиятда суднинг ўрни ниҳоятда бекиёсdir.

Савол: *Суднинг жамиятимизда тутган ўрни ва мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари борасида батофисил тушунча бериб ўтдингиз. Бу муҳим вазифаларни бажариш албатта суд кадрларининг малакаси ва билим савияси билан бевосита боғлиқ, шу сабабли суд кадрларини тайёрлашда қайси ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим деб ўйлайсиз?*

Жавоб: Ҳақиқатда ҳам ҳар қандай соҳада ишнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш, кадрларнинг илм-билим салоҳияти ва тажрибаси билан бевосита боғлиқдир.

Одил судловнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш борасида эса малакали судья-кадрларни тайёрлаш масаласи алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Амалий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда, жамиятда адолатни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифани бажариши лозим бўлган судья кадрларни қисқа вақтда тайёрлаш ниҳоятда қийин иш.

Бу масалани муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳуқуқшунос кадрларни тайёрловчи олий ўқув юртларида, жумладан, Тошкент Давлат юридик университети ўқув жараёнларида тахминан иккинчи ўқув курсидан бошлаб, судьяларни, прокуратура ходимларини, ички ишлар органлари ходимларини, ҳалқ ҳўжалигида юридик фаолият билан шуғулланувчи ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ қатъий тарздағи ихтисослашув жорий қилинмоғи ва бу масалада тегишли мутасадди ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилмоғи лозим (Масалан, судьяларни тайёрлаш масаласида Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги янги ташкил этил-



ган Судьялар Олий мактаби, Олий суд билан). Бундан ташқари судьялар, прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш билан боғлиқ ўкув программаларининг камидаги 50 фоизи амалиёт машгулотлари билан боғлиқ бўлмоғи лозим деб ўйлайман.

Жамиятда адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, инсонлар тақдирини ҳал қилиш билан боғлиқ ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли судьялик фаолиятини бошлаган кишида бу муҳим масалада хатога йўл қўймаслик учун албатта маълум амалий тажриба бўлишилиги тақозо қилинади.

Шу нуқтаи назардан, судьялик касбига бўлган кўнгилмани ҳосил қилиш учун олти ойлик муддатга мўлжалланган стажер-судья вазифасини қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Судьялар билан бўлиб ўтган тарихий учрашувда Президентимиз судьянинг жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ масалага тўхтаб ўтиб, судья адолат посбони эканлиги, унинг онгига адолат, тилида ҳақиқат, дилида эса поклик устун бўлмоғи кераклигини, юксак даражадаги ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишилар судьяликка номзод сифатида қабул қилинишлари мумкин эмаслиги ҳақидаги пурмаъно фикрларни қайд қилган эдилар.

Ҳақиқатда ҳам юксак даражадаги билим салоҳияти ва ахлоқий фазилатларга, маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлишни тақозо қиласиган, инсонлар тақдири билан боғлиқ, ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли судьялик касбини танламоқчи бўлган киши, биринчи навбатда бунинг учун маънавий жиҳатдан ҳақли эканлиги ҳақида қалб жавобини олмоғи лозим.

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, жоиз бўлса, суд кадрлари билан боғлиқ яна бир муҳим, долизарб масалага эътибор қаратмоқчи эдим.

Судьялик фаолиятини бошлаган кишида бу муҳим масалада хатога йўл қўймаслик учун албатта маълум амалий



тажриба бўлишилиги тақозо қилинади.

Шу нуқтаи назардан ҳам, узоқ йиллар судьялик вазифасида ишлаган, тегишли касб малакасига ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини оширишга ўз ҳиссанини қўшиши мумкин бўлган, айниқса ниҳоятда мураккаб бўлган фуқаролик ишларини кўриш борасида мутахассис бўлган, лекин маълум узрли сабабларга кўра бугунги кунда бошқа соҳада ишлатган кишиларни судьялик фаолиятига қайтиш масаласини ҳал қилишга янада фаолроқ ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тажрибали судьяларнинг билим салоҳияти, касб маҳорати ва ҳаёт тажрибаси суд тизимиға ўзгартиришлар киритилган бугунги кунда ниҳоятда зарурдир.

Бундай ҳурматли, тажрибали, устоз судьяларнинг соҳага қайтиши суд орғанларида маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлур эди.

**Савол: Суҳбатимиз ўз мазмун
моҳиятига кўра судья шахсига бориб тақалмоқда. Узоқ йиллик судья-
лик тажрибангиздан келиб чиққан
ҳолда айтингчи, судья қандай фази-
латларга эга бўлиши керак?**

Жавоб: Ҳар қандай касбнинг ўз ўрни ва ўзига яраша аҳамияти бор. Шу нуқтаи назардан бирорта ҳам касбнинг аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Лекин шундай касблар борки, улар Оллоҳнинг назарига тушган кишиларга хатим қилинган касблардир. Бундай касблар қаторига биринчи навбатда қўлимиизга қоғоз ва қалам бериб, бизга ўқишини-ёзишни, илмни-билимни ўргатган азиз ўқитувчиларни, баъзида инсонга қайта ҳаёт бағишлишга қодир бўлган тиббиёт ходимларини ва албатта судьялик касбини киритишими мумкин. Ўз-ўзидан нима сабабдан айнан шу соҳа вакиллари алоҳида ажратиб кўрсатилмоқда деган митиқий саволни туғиши табиий.

Менимча бунинг мантиқий маъноси ҳам шундан иборатки, айнан шу соҳа вакилларига инсон ўз тақдирини ишониб топширади.

Судьялик ҳам ҳақиқатда ана шундай фахрли, шу билан бирга ўта масъулиятли касбdir.

Албатта, судья юксак даражадаги билим салоҳиятига ва маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлмоғи лозим, чунки бундай хусусиятга эга бўлмай туриб, инсонлар тақдирни билан боғлиқ ниҳоятда мурак-

каб ва масъулиятли судьялик вазифани талаб даражасида адо этиб бўлмайди. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Судья биринчи навбатда ҳалол-пок, иймон-эътиқодли, садоқатли бўлмоғи лозим.

Айтишларига қараганда судьяларга хос бўлган ақл-одоб ва барча ижобий фазилатлар умуммаданият мезони бўлган экан.

Судья ишини ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам бу фаолиятни бошқа ҳуқук соҳалардан фарқлироқ жамоатчилик, кишиларнинг кўз ўнгидага ошкор амалга оширилиши ва давлатнинг номидан қарор қабул қилиш билан боғлиқ эканлигидир.

Судьянинг ҳаракати ва у томонидан қабул қилинаётган қарорлар бевосита фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдордир.

Ҳақиқатда ҳам ҳал қилив қарори, ҳуқум давлатнинг номидан қабул қилинаётган, суднинг обруси, мавқеини ифода этувчи, судьянинг эса билим салоҳияти, амалдаги қонунлар ва ҳал қилинаётган масала бўйича Олий суд Пленуми қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларини муроҷида қилиб, тўғри татбиқ қила олиши, суднинг иш бўйича хуносасини саводли ёзма ифода эта олиш қобилиятидан





далолат берувчи ва маълум маънода судьянинг маданий савиясини акс эттирувчи алоҳида аҳамиятга молик бўлган процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам улар ахлоқ нормалари ва принципларига тўлиқ мос бўлмоғи, давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг вакиллари обрўсини ифода этадиган тарзда бўлиши керак. Давлатнинг номидан қарор қабул қилиш судьянинг юқори даражадаги бурч масъулиятiga эга бўлишигини тақозо этади.

Айтишларига қараганда, улуг аллома Имом Аъзам ноҳақ қарор чиқариб, Оллоҳни олдида гуноҳкор бўлиб қолиш мумкинлигини ўйлаб, қозилик вазифасини рад этган эканлар.

Улуг немис шоири, қайтарилемас файласуф, аслида ҳукуқшунос бўлган Иоганн Вольфган Гёте “Ўзи ҳақида ҳукм чиқаришга ўрганмаган киши, бошқалар ҳақида ҳукм чиқара олмайди” — деган эди. Шу нуқтаи назардан судланувчига жазо тайинлаш билан боғлик, ниҳоятда мураккаб ва ўта масъулиятли масалани ҳал қилиш учун судья юксак даражадаги билим ва ҳёт тажрибасидан ташқари, биринчи навбатда ахлоқий ва маънавий ҳукуқга эга бўлиши керак.

Юқорида қайд қилинган фикрлар бўйича якуний хulosса қилинадиган бўлинса, судья биринчи навбатда ўзининг хатти-ҳаракатлари, қабул қилган қарорлари учун ҳар дамда шахсий масъулият-

ни ва ўз эътиқоди олдида жавобгарликни ҳис қила оладиган киши бўлмоғи лозим деб ўйлайман. Шундагина унга нисбатан ташқи назорат учун бирор-бир зарурат бўлмайди.

Савол: *Судья томонидан қабул қилинадиган қарорларининг қонуний ваadolatli бўлиши ҳам алоҳида муҳимдир, шу масалага ҳам тўхтаб ўтсангиз.*

Жавоб: Судья томонидан иш бўйича якуний қарор қабул қилиш, судьянинг билим салоҳиятини ва унинг иймон-эътиқодини синовдан ўтказадиган ниҳоятда масъулиятли вазифа бўлиб ҳисобланади. Бу ишнинг қанчалик масъулиятли эканлигини ҳар гал суд мажлисини очиб, ишни кўрган ва иш бўйича, айниқса жиноят иши бўйича, якуний қарор қабул қилиш учун маслаҳат уйида қолган, ҳар бир судья, бутун вужуди билан ҳис қиласи десам янглишмаган бўламан.

Шу нуқтаи назардан бошқалар тақдирини ҳал қиласидиган кишилар ўз қарорлари ва хатти-ҳаракатлари масъулиятини чуқур сеза олиш ҳусусиятига эга бўлмоқлари лозим. Қайд қилиш лозимки, амалдаги процессуал қонунларда судьянинг фаолияти аниқ ва тушунарли тарзда тартибиа солинган. Шу сабабли ҳам судьянинг ҳаракати ва қарори мазмун моҳияти жиҳатдан амалдаги қонун талабларига тўлиқ мос бўлмоғи лозим.

Адолатнинг ахлоқий ва ҳукуқий

талабларини амалга оширишда судья албатта қонунга сұянағы.

Үз вақтида, “Суд этикасининг муаммолари” номли асарида таниқли ҳуқуқшунос олим М.С.Страгович қонун ва адолатнинг узвий боғлиқлигини қайд қилиб, суд органлари томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай қарор қонуний ва адолатли бўлишини, адолатли қароргина қонуний бўлиши мумкинлиги, адолатсизлик қонуний бўлиши мумкин эмаслигини баён қилган. Ушбу формулада ҳар қандай судьянинг фаолияти қонуний ва ахлоқий жиҳатлари бир-бери билан узвий боғлиқ эканлиги аниқ ифодаланган. Судьянинг ҳар бир ҳаракати ва қарори агар қонунга мос бўлсагина, у ўз-ўзидан қонуннинг асоси ҳисобланмиш ахлоқ нормаларига ҳам мувофиқ бўлади. Қонундан четга чиқиш, уни нотўғри талқин қилиш ва уни шу усулда татбиқ қилиш ўз-ўзидан ахлоқ қоидаларига зиддир. Бундай ҳаракатлар нафақат ҳуқуқ нормаларига, балки ахлоқий қоидаларга номувофиқдир.

Иш бўйича судья томонидан ноқонуний қарор қабул қилинганилиги ҳолатини ишни нотўғри ҳал қилинганилигидан кенгроқ тушунилмоғи лозим, чунки

судья томонидан давлатнинг номидан ноқонуний қарор қабул қилиниши фуқароларнинг судга, давлатга ва жамиятга унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини назарда тутган қонунларга бўлган ишончизлигини келтириб чиқаради.

Таниқли Франциялик файласуф Виктор Марии Гюго “Энг одил ҳукм-виждон ҳукми” — деган эди. Улуғ юон фаяласуфи Аристотель эса, “Виждон олийжаноб инсоннинг одил ҳаками” эканлигини баён қилган эди.


Шу нүктаи назардан судья ҳар доим қонуний ва адолатли қарор қабул қилмоғи, ҳеч қачон адолат тарозини шароитга қараб ўзгартирмаслиги, қабул қилган қарори учун аввало ўзвиждони олдида хижолатда бўлмаслиги лозим.

Жиноят ишлари бўйича жазо тайинлаш борасида яна бир муҳим ва нозик масала хусусида тўхтаб ўтиш лозим деб ўйлайман.

Суд амалиётида оқлов ҳукмларининг ниҳоятда кам учраши ўта ачинарли ҳолдир. Ҳақиқатда ҳам жиноят ишлари бўйича тақдирни ҳал қилинаётган кишиларнинг аксарият қисмининг айборлиги мантиқдан узоқ эмасми.

Президентимиз бу масалага ҳам бекорга алоҳида эътибор қаратмадилар.

Оқлов ҳукми — бу одил судловнинг чин маънода тантанаси бўлиб, юк-





сак маънавий аҳамиятга молик бўлган фуқаролик актидир, шу билан бирга ноқонуний ва масъулиятсизликка йўл қўйган тергов органига нисбатан самарали таъсир чорасидир.

Савол: *Каримжон ака кенг-қамровли жавобларингиздан яна бир мантиқий савол туғилди. Ҳуқуқдан ташқари яна қайси соҳаларга қизиқасиз?*

Жавоб: Ҳақиқатда ҳам ҳуқуқшунос, айниқса судья кенг қамровли бўлиши керак. Мен ўз танлаган ҳуқуқ соҳамдан ташқари санъат ва спортга жуда қизиқаман. Менимча, ҳар бир ҳуқуқшунос, айниқса судья, санъатга қизиқиши керак деб ўйлайман.

Мендан кўпинча ҳуқуқ ва санъат ўртасида узвийлик борми деб сўраб қолишади. Ҳақиқатда ҳам агар юзаки ёндашсак ҳуқуқ ва санъат бир-биридан узок соҳаларга ўхшаб туйилади, лекин масалага фалсафий нуқтаи назардан ёндашсак, уларнинг ўртасида узвийлик бор албатта. Ҳуқуқ соҳаси ўз-ўзидан адолатни тақозо қиласиган соҳа. Ҳақиқий санъат асари эса, инсон кўнглини нозик маънавиятга унрайди, кўнгилни поклай-

ди, ўз-ўзидан маълумки пок кўнгилли кишигина адолатга мойил бўлади.

Ривоят қилишларича, бир юртнинг подшоҳи, бир фуқарони ўлимга ҳукм қилиш ҳақида фармони олий қабул қилган экан, маҳкумни олиб чиқишиб фармонни ижро қилишлари олдидан подшоҳнинг иштирокида бутун халқ йигилганида тепаликда бир машшоқ-ҳофиз қалб кўри билан буюк “Сегоҳ” ашуласини ижро қилаётган экан, подшоҳ ҳаммани бу маънавиятга бой ашулани ўтириб эшлишига буюрган экан ва бу буюк ашуланинг маънавий таъсири остида биринчи марта маҳкумни ўлимга ҳукм қилиш билан боғлиқ ўз фармонини бекор қилган экан.

Ҳақиқатда ҳам мен санъатимиз ва маънавиятимиз ҳазинаси бўлган “Сегоҳ”, “Чўли ироқ”, “Ушшоқ”, “Дугоҳ” ашулаларини, “Гулбаҳор ва тановор”, “Кўзинг” “Гулизорим” ва бошқа тароналарни тинглаганимда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган маънавий озуқа оламан, кўнглим покланаётганлигини ҳис қиласман. Бу хусусда радиода бир неча сұхбатлар ҳам ўтказганимиз.



Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,

Тошкент ирригация ва
қишлоқ хўжалигини
механизациялаш
муҳандислари институти
доценти, юридик фанлар
номзоди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва инсон муносабатлари

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда маълум тизимда, алоҳида боб ва моддаларда мустақил нормаларда акс эттирилгани туфайли, у кафолатланган. Яъни, инсонга тегишили бўлган ва халқаро стандартлар даражасида тан олинган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Давлат бошқаруви ташкил этилаётган ва амалга оширилаётганда аввали инсон ҳуқуқларига нисбатан бўлган тамойил ва қарашлардан келиб чиқиб бошқарувни амалга оширади. Давлат кучайиб кетса, албатта инсон ҳуқуқ ва эркинликларига янада кенгроқ эътибор қаратилиши лозим бўлади. Тарихдан биз давлатлар кучайганда мавжуд сиёсий тизим, давлат бошқаруви, инсон билан давлат ўртасидаги мувозанат ўз-

гариб кетгани, инсонга нисбатан беписандлик кучайганининг гувоҳимиз.

Назаримизда инсон билан давлат ўртасидаги ҳамкорлик, қонунларда белгиланган муносабатларни ўрнатиб бориш, давлатнинг қатор вазифаларини ижтимоий тузилмаларга ўtkазиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига мумкин қадар эҳтиёткор муносабатда бўлиш, инсонга олий қадрият сифатида қараш, инсоннинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида мавжуд воситалар орқали тиклаб бориш асосий вазифалардан бўлиб қолаверади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasида таъкидлаб ўтганидек, “халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қилмоқда”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро аҳамиятга эга, десак хато





бўлмайди. Биринчидан, давлатимизнинг олиб бораётган ташқи сиёсати ва халқаро ҳамкорлиги айни Конституциямизга асосланади. Конституцияда бегиланган қатор нормалар давлатимизни халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топишида бир йўлланма ҳисобланади.

Иккинчидан, Конституциямизда инсон ҳуқуқлари оид бир қатор халқаро ҳужжатлар — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Ижтимоий, иқтисадий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Пакт, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Аёллар тенг ҳуқуқлиги тўғрисида халқаро ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган асосий принцип ва қоидалар Конституциямизда ўз аксини топган. Шунинг билан ҳам Конституциямизни халқаро аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин.

Учинчидан, давлатимизнинг ҳар бир фуқароси хорижда бўлиб турган вақтида Конституция ва қонунларимиз ҳимоясида бўлади. Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизда халқаро ҳуқуқнинг деярли барча қоидалари имплементация (қўлланган) қилинган десак бўлади.

Конституциянинг 3-боби Конституция ва қонуннинг устунлигига бағишлиланган. Қабул қилинган қонунларнинг

барча учун бажарилиши шартdir. Қонунга кўра, республикамиз фуқаролари ким бўлиши, миллати ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, динидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Шунингдек, Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Қонун устуворлиги бу республикамиз қонунларининг амалда бажарилиши, унинг ҳар нарсадан устун туриши ва ҳамма учун бажарилиши шарт ва мажбурийлиги тушунилади. Қонун олдида ҳар қандай фуқаро миллати, ижтимоий келиб чиқиши, тили, дини, ирқидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидир.

Конституция, қолаверса, республикамиз аъзо бўлган инсон ҳуқуқлари оид халқаро ҳужжатларда асосий принциплар сифатида мустаҳкамлаб кўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари меъёрлари кейинги пайтларда қабул қилинаётган инсон ҳуқуқларида дахлдор бўлган соҳавий қонунларда янада тушунарли қилиб, соддалаштирилган ва кенгайтирилган ҳолда бериб борилмоқда, давлатнинг бу соҳадаги кафолати кенгайтирилмоқда.

Давлат томонидан инсоннинг сиёсий қарашлари амалга ошиши учун сиёсий



партияларга кириши, давлат бошқаруvida қатнашиши учун ўзи ёки сайлаган вакиллари орқали бошқарувда иштирок этиш, мамлакат худудида эркин кўчиб юриши ва бошқалар ҳам давлатнинг фуқаролар олдида мажбуриятини белгилайди. Давлатнинг мажбуриятлар олгани ўз-ўзидан инсонга кафолат берилишидир.

Инсон ҳуқуқлари, аввало, ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги мурожаатлар билан бевосита боғлиқ. Биз фуқароларнинг мурожаатлари деганда, асосан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, нажот сўраб судга борган ва тегишли жавоб олгандарни назарда тутаяпмиз.

Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқини яхши таниб олиши, қонунларга риоя этиш, ҳуқуқни қўлловчи органлар билан фуқароларнинг қонун доирасида муносабатга кириши, бузилган ҳуқуқларини тиклашда бевосита судларга мурожаат қилиш маданиятини кучайтириш лозим. Фуқароларга бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида эса адвокатуранинг ролини янада ошириш, адвокатлар сонини кўпайтириш, уларнинг жараён-

ларда процессуал иштирокини янада кенгайтириш лозим бўлади. Буларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Қонун устуворлиги бу республика-миз қонунларининг амалда бажарилиши, унинг ҳар нарсадан устун туриши ва ҳамма учун бажарилиши шарт ва мажбурийлиги тушунилади. Қонун олдида ҳар қандай фуқаро миллати, ижтимоий келиб чиқиши, тили, дини, ирқидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидир.

Қонун устуворлигини таъминлаш амалда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга олиб келади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принципи ҳам айнан қонунларга риоя этиш, қонунларни ижро этиш, қонунларни тушунитириш, қонунбузарликка қарши кураш ва бошқаларга асоланади. Амалда қонун устуворлиги таъминланса, бир томондан мансабдор шахслар қонунлар ижросини тўлиқ таъминлашга мажбур бўладилар, иккинчи томондан эса инсон ўз ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш имкониятига эга бўлади.



Илҳом НАСРИЕВ,
юридик фанлар
доктори, профессор

ЕРГА НИСБАТАН ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИККА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ

Минг йиллар давомида дастгоҳ ва ернинг згаси бўлиб келган ишчи, дехқондан бу неъматлар сабиқ социалистик мулкка асосланган давлат томонидан тортиб олинган эди. Ўша даврда ҳақиқатдан ҳар қандай хусусий мулкчилик тан олинмаган, ер эгалари қулоқлаштирилган, мулкдорлар бадарга қилинган ва ҳ.к.

Қарангки, бугун ишчининг қўлига дастгоҳи қайтарилди, дехқоннинг ўзига ер берилди.


Гап шундаки, 2018 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5495-сонли Фармони билан давлат ерни хусусийлаштиришга нисбатан ўзининг сиёсий иродасини эълон қилди. Мазкур Фармонда ер ва ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини жорий этишга босқичма-босқич ўтишнинг ҳуқуқий, ташкилий механизмлари белгилаб берилди.

Айтиш керакки, ерни хусусийлаштиришга қаратилган сиёсат мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги ўтган даврда биринчи марта илгари сурилаётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рафбатлантириш тўғрисида”ги Фармони билан аҳолини тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнес ролини ошириш мақсадини кўзлаб Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига турар жой биноларини улар жойлашган ер участкалари билан

бирга хорижий юридик ва жисмоний шахслар, чет мамлакатларнинг дипломатик корпуси ходимларига, Ўзбекистон Республикасида вакил қилиб юборилган матбуот ходимларига, фирмалар, компаниялар ва ҳалқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналарининг ходимларига, қўшма корхоналарда доимий асосда ишлайдиган шахсларга, шунингдек республикада доимий истиқомат қиласиган ва яшаш учун гувоҳномага эга бўлган шахсларга хусусий мулк қилиб сотишлирига руҳсат берилган. Фар-





монда илгари сурилган гояни амалга ошириш учун қатор қонунлар ва қонуна ости ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Орадан кўп вақт ўтмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартағи 96-сонли “Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори билан чорвачилик фермаларининг ер майдонларини умрбод эгалик қилиш учун янги мулқдорларга сотиш назарда тутилган. Аммо, бундай тарзда ерни сотишнинг механизмлари яратилмади, ерни хусусийлаштириш иши бошланмади.

Шу тариқа, 2006 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги ПФ-3780-сонли Фармони қабул қилиниб, унга асосан 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари-резидентлар мулкий ҳукук

асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси обьектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур обьектларга туташ ер участкаларини кўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган микдорда хусусийлаштириш ҳукуки берилган бўлса, 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари-резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳукуки берилди. Ушбу Фармондан келиб чиқиб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Аммо, бу борада юритилган ҳукуқий сиёсат ўзининг муҳим тамоилларига чуқур таянмаганилиги боис амалга ошмади. Ҳар қандай ҳукуқий сиёсат ўзининг тамоилларига ва қонуниятларига таянсанагина самара беради. Ўша даврда мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий ривожланиш шарт-шароитлари бундай тарзда йўл тутишиликни тақозо қилмаган. Тақозо қилган бўлса ҳам, бундай ҳукуқий сиёсатни амалга ошириш учун реал шароит яратилмаган. Бу сиёсат маълум тизимлилик, комплекслиликни талаб қилиш билан бир қаторда, ўзининг имий асосларига таянмоги лозим бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 1 августдаги Фармони эса, ерни хусусийлаштириш жараёнларини амалий нуқтаи-назардан бошлаб берди.

Аслида бугунги кунда амалда бўлган мавжуд қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ерни хусусийлаштириш ёки бошқача айтганда ерга нисбатан хусусий мулкчиликни жорий қилишга ҳеч қандай монеълик қилмайди. Аммо, ерни хусусий мулкка айлантириш механизмлари, оддий қилиб айтганда хусусийлаштиришни қайси ерлардан бошлаш кераклиги, дастлаб қайси усулларда бу жараён амалга оширилиши, қайси ерларни хусусийлаштириш истисно этилиши каби масалалар ноаник эди. Бу мезонларсиз ҳар қандай хусусийлаштириш ишини амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто уни бошлаш ҳам мумкин эмас. Чунки, ҳуқуқий сиёсатнинг энг муҳим қонуниятларидан бири бу кетма-кетликни аниқ, равшан англаб олиш бўлиб ҳисобланади. Бу нарса аниқланмас экан, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш иши бирмунча мураккаб кечади.

Кейинги йилларда ерга нисбатан хусусий мулкчиликни жорий этиш учун реал шарт-шароитларни вужудга келтиришга ҳаракат қилинди. Масалан, бино ва иншоотлар, ерлар қисқа муддатларда инвентаризациядан ўтказилди, бунда нафақат ҳудудлар марказлари, балки мамлакатнинг барча ҳудудлари қамраб олинди. Шунингдек, кўчмас мулкларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларга нисбатан амнистия эълон қилиниб, бугунги кунда бу жараён изчил давом этирилмоқда. Бу ҳақда жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.





Хўш, ерга нисбатан хусусий мулкчилик нима ўзи, уни бошқа мулкларни хусусийлаштиришдан қандай фарқли жиҳатлари бор, ерни хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий сиёсати қандай бўлмоғи керак, бу борада хориж тажрибасига муносабатимиз қандай бўлиши лозим деган саволлар туғилади. Бу саволлар албатта бугунги кунда қўпчиликни қизиқтирумасдан қолмаса керак. Кўйида асосан шу ҳақда сўз боради.

Инсон ишлаб чиқариш муносабатларини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ишлаб чиқариш воситаларига ўз таъсирини кўрсатади. Ишлаб чиқариш воситалари ичida эса, мулк марказий ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётимизнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қиласди. Мулклар ичida ер алоҳида ўрин тутади. Уни бошқа мулклардан ажратиб турадиган ўзига хос жиҳатлари бор. Ер авваламбор ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар қатори умуммиллий бойлик бўлиб ҳисобланади. Ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли ерга ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан

фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлишлари мумкин.

Эндилиқда ер ҳам бошқа мулклар, чунончи, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиralар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қофозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари қаторида хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 1 августдаги Фармонига Иловга билан тасдиқланган “Мамлакатни инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури”нинг 19-банди мазмунидан англашишича, ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини жорий этиш биринчидан, босқич-ма-босқич амалга оширилади, иккинчидан, хусусийлаштириш қишлоқ ҳўжалиги аҳамиятига молик ерларга нисбатан амалга оширилмайди, учинчидан, биринчи босқичда хусусийлаштириши ер участкаларини кўчмас мулк қуриш учун сотиш ва ер участкаларидағи бино ва иншоотларни сотиш чогигда вужудга келади.

Мамлакатимиз ижтимоий сиёсий ҳаётида юз берган бундай ўзгаришнинг аҳамияти юксак. Чунки, ерни хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши бу бозор муносабатларининг янада чуқурлашувига, мулқдорлик ҳисси кучайишига, инвесторларни, айниқса, чет эл инвесторларини мамлакатимиз томон оқиб келишига йўл очади, шунингдек мулқдор учун ўз мол-мulkини ҳеч қаҷон қўлдан чиқиб кетмаслигининг кафолати яратилади.

Фармонда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини босқич-ма-босқич жорий этишни кўзловчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилган. Албатта, ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнида маълум кетма-кетликда тизимли равища иш олиб бориш талаб этилади. Масалан, биринчи босқичда, ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи ерларни кўчмас мулк куриш учун ёки бино ва иншоотлар сотиш вактида улар жойлашган ерларга нисбатан вужудга келса, иккинчи босқичда балки кўп квартирали уйлар жойлашган ерлар хусусийлаштирилиши мумкин. Аммо, нима бўлганда ҳам бино ва иншоотлар қурилиши учун мўлжалланмаган ёки мўлжалланган-у, аммо қурилмаган ер участкалари олиш-сотилишига йўл қўйилмаслиги керак. Россия Федерацияси тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ер участкаларини бундай тарзда олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя ёки бошқа кўринишларда бегоналаштирилишига имкон бериш турли коррупцион кўринишларни келтириб чиқариши билан бир қаторда нарх-на-вонинг асоссиз ошиб кетишига ва бошқа салбий ҳолатларга йўл очади.

Ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритиш механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли модасини “Ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи ерларни кўчмас мулк куриш учун ёки бино ва иншоотлар сотиш вактида улар жойлашган ерларга нисбатан вужудга келади. Бино ва (ёки) иншоотлар билан банд бўлмаган ер участкалари олиш-сотиш предмети бўлишилигига йўл қўйилмайди”, деган жумлалар билан тўлдириб қўйиш лозим бўлади.



Мақсад шундан иборатки, биринчидан, ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи фақат бино ва иншоотлар билан банд бўладиган ерларга нисбатан амалга оширилиши мустаҳкамланса, иккинчидан, бино ва иншоотлар билан банд бўлмаган ер участкаларини олиш-сотиш предметига айланиб кетишининг олдини олади.

Ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини белгилаш кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яаш учун мўлжалланмаган жой эгалари мулкдорларининг умумий мол-мулки жойлашган ерга нисбатан ҳам қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тарзда белгиланиши мумкинлигини Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида мустаҳкамлаш зарур.

Ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини жорий этиш механизмларини яратиш Ўзбекистон Республикасининг нафақат

Фуқаролик кодексига, балки шу қаторда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой, Ер кодексларига, “Инвестиция тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини ҳам тақозо қиласди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ерга нисбатан мулк ҳуқуқи тушунчасининг мустаҳкамланиши, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ва тартиби, мулк ҳуқуқини чеклаш, шунингдек ерга нисбатан мулк ҳуқуқини тугатиш асослари ва тартибларини таомиллаштириш талаб этилади.

Мазкур кодексда ер участкалари эгаларининг алоҳида ҳолларда ерни тасарруф этиш билан боғлиқ ваколатларини чеклаш, фуқаролик муомаласидан олиб қўйилган ерлар ва ер участкаларини олиш-сотиш билан боғлиқ шартномаларнинг алоҳида шартлари белгилаб қўйилмоғи лозим.

Фикримизча, юқорида қайд этилган қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан бир қаторда, айрим қонун ости ҳужжатларининг ҳам ишлаб чиқилишига зарурат мавжуд.

Биринчидан, бино ва иншоотларга туташ участкалар чегараларини белги-



лаш, иккинчидан, бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларининг бозор қийматини аниқлаш, учинчидан, якка тартибда уй-жой қуриш учун бериладиган ер участкалари бозор қийматини аниқлаш ва хусусийлаштириш, тўртинчидан, кўчмас мулк объексларини қуриш учун ер участкаларини аукционда хусусий мулк қилиб сотиш тартиботларини ўз ичига олган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилиши лозим бўлади. Чунки, бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари чегараларини аниқлашнинг ягона тартиби бўлмаса бу жараён бирмунча қийин кечади ёки аукционда ер участкаларини хусусий мулк сифатида сотиш қоидаларини қатъий белгиламаслик маълум салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда ерга нисбатан хусусий мулкчилик ҳуқуқини жорий этган собиқ имтифоқ мамлакатлари ҳисобланадиган Россия Федерацияси, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Беларусь, Қирғизистон, Қозогистон Республикаларининг тажрибаси ўрганилганда, ушбу мамлакатларнинг ҳар бири масалага турлича ёндашганигини қуриш мумкин.

Масалан, Россия Федерацияси ер участкаларини хусусийлаштиришда кенг ёндашган ҳолда бино ва иншоотлар жойлашмаган ер участкаларини ҳам муомалада бўлишиликка йўл очган бўлса, Грузия ва Арманистон бундай йўлдан бормаган. Германия, АҚШ, Канада, Франция мамлакатлари тажрибасига эътибор берсак, бу мамлакатларнинг табиий ривожланиши ерга нисбатан хусусий мулкчилик механизmlари тубдан фарқ қилишини кўрсатади.

Хулоса шундан иборатки, юртимиз-



да юз йил олдин ерга нисбатан хусусий мулкчилик ҳуқуқи мавжуд бўлган. Босқинчилик сиёсати халқимизни бундай муҳим ҳуқуқдан маҳрум қилди. Тарих фиддираги бу неъматни орқага қайтарди. Ўз еримизни ўз фуқароларимиз, тадбиркорларимизга хусусий мулк қилиб беришга киришилмоқда.

Бунинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, бу жараёнга мамлакатимизда босқичма-босқич ўтилаётганлиги, шунингдек бино ва иншоотлар жойлашмаган ер участкалари олиш-сотиш объектига айланишига йўл очилмаётганлиги, энг асосийси бу борада норматив-ҳуқуқий базани яратишга киришилганлиги юртимизда бозор муносабатларига чуқур кириб бориш билан бир қаторда одамларга мулкдорлик ҳиссини янада кучайтириш ва уларнинг манфаатдорлигини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Бу жараённи ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш нафақат тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар зиммасига масъулият юклайди, балки ҳар бир фуқародан мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиши лозимлигини талаб қиласди.



Олимжон Исроилов,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси мустақил
изланувчиси

Интеллектуал мулк объектлари хуқуқий мақомини такомиллаштириш масалалари

Ўз мустақиллигини қўлга киритиб, унинг хуқуқий, иқтисодий ва маънавий асосларини ҳамда тарихий келажагини таъминлаб бораётган мамлакатимизда ўтган давр ичida улкан ислоҳотчилик ишлари амалга оширилди. Янги давлатнинг хуқуқий асослари шакллантирилди ва ҳалқ ҳокимияти ўрнатилди. Истиқлолга эришган Ўзбекистон миллий давлатчиликни қарор топтиришининг ва хуқуқий тизимни шакллантиришининг ўзига хос йўлини танлаб олганлиги, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуқи кафолатланганлиги, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қилиши, ҳар кимга фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги кафолатланганлиги ҳалқимизнинг тарихий ютуғи ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида фуқароларнинг ижод эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Унда кўрсатилишича, ҳар қандай шахсга илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатланади. Интеллектуал мулк хуқуқи ўз мазмунидан англashingilib турганидек, аклий фаолият билан боғлиқ бўлиб, тушуниш, идрок қилиш, жўшқин фаолиятлар натижаси, деган маъноларни англатади. Интеллектуал мулк-инсоннинг илмий, адабий, бадиий, саноат соҳаларидағи ижодий фаолияти натижалари билан боғлиқ равишда юзага келган ва қонун билан мустаҳкамланган хуқуқлардир. Бундай фаолиятнинг конкрет натижалари хуқуқий муҳофаза обьекти бўлиб ҳисобланади.

Фан ва техниканинг шиддатли

ривожланиши, унинг барча соҳаларига юқори информацион технологияларнинг кириб келиши натижасида яратилётган янгиликлар, янги техник ечимлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, маълумотлар базалари, ўсимликларнинг янги навлари, ҳайвонларнинг янги зотлари, микросхемалар топологиялари каби интеллектуал мулк объектларини яратувчи ижодкор инсонларнинг ҳуқукини ҳимоя қилиш зарурияти интеллектуал мулкни қонун билан муҳофаза қилишни тақозо этади.

Хар бир мамлакат юқори иқтисодий ва ижтимоий даражага ва жамиятнинг хаёт фаровонлигини ошириш учун ривожланган интеллектуал мулк муҳофазаси тизимиға эга бўлиши лозим. Интеллектуал мулк муҳофазаси ихтирочилар ва ижодкор талантларни янада ривожлантириш, улар яратган янгиликлардан фойдаланиш учун бу соҳага инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётни тараққий эттиришга кўмаклашади.

Интеллектуал мулк бу шахсий характеристга эга бўлган ижодий, ақлий қобилият асосида вужудга келадиган ижодий меҳнат маҳсулотлариидир. Улар кўпроқ ғоя, билим, ахборот шаклларида намоён бўлади. Буларга Ихтирочилик ва муал-

лифлик обьекти ҳуқуки мажмуига кирувчи фан, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш соҳасида ижодий фаолиятининг бошқа турлари, адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиrolар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар базаси ноу-хаунинг эксперт тизимлари товар белгилари, фирма номлари ва бошқа ақлий мулк обьектлари киради. Қисқача қилиб ифодалаганимизда, интеллектуал мулк инсон ижодий фаолиятининг моддий ва гоявий кўринищдаги натижалари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий ва мулький муносабатлар мажмуидир.

Интеллектуал фаолият натижалари ҳуқуқий табиати ҳақида фикр юритганда, аввало шартнома номланишидаги “интеллектуал фаолият” иборасини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Интеллектуал мулк номоддий ашё сифатида дастлаб XVII асрда Франция қонунчилигига адабий мулк ва саноат мулки шаклида қўлланган. Ушбу қонунчиликка асосан адабий мулкка: ижоди-



ёт, санъат, ҳайкалтарошлиқ ва хореография объектлари киритилган. Саноат мулкига эса дастлаб ихтиrolар, кейинчалик илмий-техникавий жараёнлар билан боғлиқ бўлган фойдали модель, саноат намунаси ва бошқа объектлар киритилган.

Амалдаги қонунчилигимиз, хусусан Фуқаролик кодексининг 1031-1040-моддаларида интеллектуал мулк обьектларига оид қоидалар мустаҳкамланган. Интеллектуал мулк объеклари жумласига қўйида-гилар киритилади:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиштириши берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиштиришлари;

электрон ҳисоблаш машиналари (бундан бўён матнда ЭҲМ деб юритилади) учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариши сирлари (ноу-хай);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари; товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар ишлаб чиқарилган жой номи;

3) Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатлари акс эттирувчи воситалар. Лекин, интеллектуал мулк ҳуқуқида баъзи обьектлар борки, улар учун давлат томонидан бериладиган рухсатномалар (фойдаланиш ҳуқуқини берувчи) ёки маҳсус ҳужжатлар патент ёки гувоҳномалар орқали ҳам рухсат берилиши мумкин ёки қонунларда кўрсатилган қоидаларга асосан ҳуқуқий муҳофаза





этилади. Н.Норматов хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш муаммоларини таҳлил этганда илмий тусдаги хизматларни алоҳида туркум сифатида мавжудлигини кўрсатди ва уларга қўйидагича таъриф беришга уринади: «Илмий тусдаги хизматларга, фикримизча, номоддий натижага эришишни тугалланган ҳам хуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган хизматларни тушуниш зарур». Ушбу фикрга профессор О.Оқюлов ҳам қўшилди.

Фуқаролик хуқуки фанида номоддий неъматларнинг хусусиятлари, яъни интеллектуал мулк тўғрисида аниқ, равшан, ягона нуқтаи-назар мавжуд эмас. Кўп олимлар хуқуқ объектига хуқуқ субъектларидан ташқарида мавжуд бўлган неъмат сифатида қарашади.

Г.Худайбердиеванинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иктисодий қудратини мустаҳкамлашда турли моддий бойликлар, кўчар ва кўчмас мулк ҳамда хусусий мулк каби интеллектуал мулкнинг ҳам ўрни салмоқлидир. Интеллектуал мулк атамаси биринчи марта халқаро хуқуқ нормала-

рида юридик атама сифатида “Бутунжашон Интеллектуал Мулк Ташкилотини тъйсис этиш бўйича” Стокгольм шартномасида ўз аксини топган. Ушбу Конвенция қабул қилингунига қадар, интеллектуал мулк тушунчаси “Адабиёт ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” Берн конвенцияси (адабиёт ва бадиий асарларга нисбатан) ва “Саноат мулки объектларини муҳофаза қилиш бўйича” Париж конвенцияларида (саноат мулки объектларига нисбатан) мустаҳкамланган.

“Интеллектуал мулк” атамаси асосан доктринал таълимотлар ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномаларда ўз аксини топган, лекин ушбу атамага аниқ юридик шарҳ кўпчилик хорижий давлатлар қонунчилигига ўз аксини топмаган.

«Интеллектуал мулк» атамаси халқаро амалиётда 1967 йилдан бошлаб қўлланиб келаётган бўлса, ушбу атама Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мустақиллик йиллари даврида пайдо бўлди. Интеллектуал мулк хуқуки бўйича юридик адабиётларда интеллектуал мулк тушунчасига муносабат бир

хил эмас. Кўпчилик олимлар ушбу тушунча қўлланишини тўлиқ қўллаб қувватласалар, бошқа олимлар «интеллектуал мулк» тушунчасини илмий характерга эга бўлмаган ва ноаник тушунча деб ҳисоблайдилар.

Интеллектуал мулк тушунчасини қўлашга қарши чиқувчилар муаллифлик ҳуқуқи, ихтиро ва патент ҳуқуқини бир тушунчага бирлаштириш билан моддий ашёлар ва номоддий объектларнинг ҳуқуқий режимини бирхиллаштиради. Масалан, Россиялик ҳуқуқшунос олим А.П.Сергеев ўзининг илмий изланишларида интеллектуал мулк объектларини адабий ва бадий мулк, саноат мулки, шахсийлаштириш воситалари, ноанъанавий объектларга ажратиб таснифлайди. У интеллектуал мулкнинг ноанъанавий объектлари сифатида хизмат ва тижорат сирларини ҳам санаб ўтади.

И.А.Близнецнинг фикрига кўра, интеллектуал мулк объектларини анъанавий таснифлаш (турларга ажратиш) ва тегишли ҳуқуқий институтларга ажратиш интеллектуал мулк объектларининг ҳимоясини кучсизлантиради. Қонунчиликка янги, тушуниш қийин бўлган тушунчаларни киритиш уларни қўллашда

қийинчилик келтириб чиқаради.

Юқоридаги фикрлари билан И.А.Близнец шуни айтмоқчики, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида янги «ортиқча» тушунчаларнинг қўлланиши қонунчилик ва суд амалиётида қатор муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Ушбу фикрга З.Акрамходжаева ҳам кўшилади. Фикримизча, интеллектуал мулк объектларининг алоҳида-алоҳида таснифланиши бир томондан ижобий аҳамият касб этса, иккинчи томондан ҳуқуқий нормаларини унификациялаш масалаларида қонунчилик ва суд амалиётида муаммо келтириб чиқариши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб шуни холоса қилиб айтиш мумкинки, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда қўлланиладиган ҳуқуқий воситаларни тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланишда ушбу объектларнинг тўғри ва аниқ таснифланганини жуда муҳим хисобланади. Шу сабабли ҳам, интеллектуал мулк объектларини таснифлашда илгор хорижий тажриба ҳамда халқаро шартномаларда белгиланган нормаларга асосланиш аҳамиятга моликдир.





Фикримизча, интеллектуал мулк объектлари қуйидаги учта мустақил гурұхларға бўлиб таснифланса, аҳамиятга молик бўлади:

1) муаллифлик ҳуқуқи (фан, адабиёт, санъат асарлари) ва турдош ҳуқуқ (фонограмма, ижро, саҳна асарлари, эфир ҳамда радио эшилтиришини амалга ошириши) объектлари;

2) ихтиrolар, фойдалы моделлар, саноат намуналари ва ноу-ҳау билан бозлиқ ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига оловчи саноат мулки объектлари;

3) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқарши воситаларига оид объектлар.

МДҲ аъзо-мамлакатларининг иқтисодий интеграция соҳасидаги сиёсати ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодини ривожлантаришнинг инновацион йўлларининг устуворлигига, ишлаб чиқаришнинг технологик янгиланиши учун керакли шароитларни таминлашга, замонавий илм-фан ва техника ютуқларига асосланган юқори

технология маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида рақобатбардошлини юксалтиришга асосланади. Ушбу вазифани амалга ошириш илмий-техник фаолиятнинг натижалари хўжалик айланмасига жалб қилинишига кўмаклашадиган керакли ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишни талаб этади. Шу муносабат билан, инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, ижодкорларга берилаётган эътиборни мустақилликка эришгандан сўнг республикамиизда интеллектуал мулкнинг барча соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга ва ҳимоя қилишга қаратилган янги қонунчилик асосларининг яратилганлигига ва яратилган ҳар қандай интеллектуал мулкнинг пухта патентлаштирилган тизимга эга эканлигига кўришимиз мумкин. Интеллектуал фаолият натижасига хос бўлган умумий жиҳат шуки, ушбу объектлар аксарият ҳолларда номоддий характерда бўлиб, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни ўзига қамраб олади.



Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар
доктори, профессор

Қонун ижодкорлиги жараёнини таомиллаштириш: **МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

Қонун ижодкорлиги ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда биринчи наебатда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий орган — Парламент институти гавдаланади. Бу бежиз эмас. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида “Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпогистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади”¹ деб белгилаб қўйилган. Демак, қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектларнинг барчаси ишлаб чиқсан қонун лойиҳаларини дастлаб Парламент қўйи палатаси бўлган Қонунчилик палатасига киритади.



Шу ўринда хорижий мамлакатларнинг тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, турли мамлакатларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи турлича тақдим этилган. Баъзи бир мамлакатларда фақат парламент депутатлари, баъзиларида эса, давлат бошлиги, ҳукумат қонунчилик ташаббусига эга бўлади. Масалан, Америка Қўшма Штатлари қонунчилигига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига фақатгина парламентарийлар эга (Бюджет лойиҳаси бундан мустасно).

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида қонун ижодкорлигининг ўчоги бўлган миллий парламентни ривожлантириш асосий вазифа қилиб белгиланди. Ҳуқуқшунос олимларнинг миллий парламентаризм ривожланиши билан боғлиқ илмий изланишларига эътибор қаратадиган бўлсак, уни учта асо-



сий даврга бўлиш зарурлиги тўғрисидағи фикрлар илгари сурлади. Хусусан, юридик фанлар доктори Эркин Халилов ўзининг “Миллий парламентаризм: тажриба ва истиқбол”² сарлавҳали мақоласида истиқтол йилларидағи парламентаризм ривожланиши босқичларини қўйидагича таснифлайди. Биринчи давр: 1991 — 1994 йиллар, иккинчи давр 1995 — 2004 йиллар, учинчى давр 2004 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Дарҳақиат, олимнинг миллий парламентимиз ривожланишини юқорида келтириб ўтилган уч даврга бўлишида ҳам назарий ҳамда амалий жиҳатдан бир қатор асослар бор.

Мамлакат мустақилликка эришганидан кейин давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг асосий шартларидан бири бу — ҳокимиятлар бўлинishi конституциявий принципини ҳаётга амалий тадбиқ этишдан иборат бўлади. Шу нуқтаи-назардан миллий парламент фаолиятининг дастлабки даврида мамлакатимиз мустақиллиги учун муҳим қонунлар, энг асосийи шу даврда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бундан ташқари, ўша пайтда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси-

нинг Давлат герби тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги ва бошқа шу сингари бир қатор ўта муҳим қонунлар қабул қилинган.

Иккинчи давр қарийб ўн йилни ўз ичига олган давр бўлиб, бунда 250 нафар депутатдан иборат бир палатали қонун чиқарувчи вакиллик органи фаолият олиб борган.

2004 йилнинг охири ҳамда 2005 йилнинг бошида бўлиб ўтган сайловлар натижасида эса, Ўзбекистон Парламенти бир палатали парламентдан икки палатали парламентга айлантирилди. Ва, мамлакатимизда парламент ислоҳотларининг янги даври бошланди. Бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтишнинг асосий мақсади қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш эди. Икки палатали парламентта ўтилганидан кейин, қонун ижодкорлиги жараёнида технологик ва принципиал жиҳатдан энг ривожланган демократик ҳуқуқий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини қўллаб ҳар томонлама пишиқ ва пухта қонунларни ишлаб чиқиш бўйича тажриба тўпланди. Лекин, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Ҳуқуқшунос олимнинг фикрлари ни ривожлантириб, миллий парламент ривожланишининг учинчи даври 2005

йилдан бошланиб, 2017 йилнинг 22 деқабригача давом этди, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасидан бошлаб Парламентнинг тўртинчи мутлақо янги даври бошланди. Сабаби, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тарихида биринчи бор қилинган ушбу Мурожаатномасида Олий Мажлис олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйди. Янги даври дейишимизга яна бир сабаб шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Мурожаатномасида 2017 йилни мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи деб эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Мурожаатномада Олий Мажлис фаолиятига танқидий-таҳхлил билан баҳо берди ва қуидаги фикрларни билдириди. *“Йил давомида билдирилган 136 та қонунчиллик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам асосан амалдаги қонунларга Президентнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиши ва қўшимчалардир. Шунинг ўзи парламентимиз фаолияти самараси етарли эмаслигини кўрсатмайдими?*

Нима, ислоҳотларни амалга ошириш учун фақат Президент фармон ва қарорлар қабул қилиши керакми?

Қачон парламент, майли, кўп эмас, ҳеч бўлмаса битта соҳани тубдан яхшилашига қаратилган қарор ёки қонун ишлаб чиқади? Қачон бўлади бу иш?”³

Давлатимиз раҳбарининг тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Мурожаатномасида депутатларимиз фаолиятининг қонун ижодкорлиги йўналиши бўйича билдириб ўтган танқидий-таҳхлилий фикрлари ниҳоятда асосли. Бу юқорида келтирилган рақамлардан ҳам кўриниб турибди.

Биз шартли равишда Парламент ривожланишининг тўртинчи даври деб эътироф этганимиз бежиз эмас. Президентимиз томонидан Мурожаатномада илгари сурилган foялар ҳамда ташаббуслар Парламент аъзолари олдига янги вазифаларни қўйди. Қуий палатадаги ҳар битта партия фракциялари ва унинг депутатлик корпуси олдига мана шу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, иш фаолиятига янгича ёндашув асосида қараш масъулияти юклатилди.

Эндиликда Парламент иш услубини тубдан ўзгартириш зарурияти вужудга келди. Парламентнинг ҳар иккала палатаси қоғозбозлик ва турли расмиятчиликдан қочиб, жамиятдаги муаммо-



ларга, унинг илдизига етиб бориб ҳамда юзакилиқдан аниқ амалий ишларга ўтиши зарур.

Бугун оммавий ахборот воситалари орқали Парламент фаолиятини кузата туриб, улар фаолиятида жонланиш бўлаётганигини кузатиш мумкин. Жумладан, улар турли комиссиялар ва Ишчи гурухлари тузиб, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ва Давлат дастурларининг ижросини чукур ўрганиб чиқишмоқда. Бу орқали самарали Парламент назоратини йўлга қўймоқда.

Қонун ижодкорлиги ҳақида фикр юритилар экан, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу – доимий равишда ривожланиб борадиган, мамлакатдаги ислоҳотларга уйғун ҳолатда муттасил такомиллашиб борадиган ижодий жараён бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартағи “Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиши таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Парламент қуий палатасида Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлигидан Ишчи комиссияси тузилган.

Ўтган вақт мобайнида қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиша қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича миллий тажриба ва илфор хорижий амалиёт чукур таҳлил қилинган. Ушбу соҳа бўйича фаолият юритаётган малакали мутахассислар, олимлардан иборат таркибда эксперт гурухлари тузилиб, уларнинг таклиф ва тавсиялари умумлаштирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясининг дастлабки лойиҳаси тайёрланган.

Унда ижтимоий муносабатларни қонуности ҳужжатлари билан тартибга со-



лишни қисқартириш, иқтисодиётга қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш билан боғлиқ юкни босқичма-босқич камайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнига замонавий инновацион механизmlар ва ёндашувларни, ҳуқуқий тартибга солишининг янги тамойиллари ва воситаларини жорий этиш, мазкур жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, норма ижодкорлиги фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, барқарор қонунчилик базасини шакллантириш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятининг илмий-амалий ва методологик асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган.

Концепция лойиҳасида Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифати, уларга илова қилинаётган ҳужжатларнинг мукаммалиги, шу жумладан концепция ва тушунтириш хатларига қўйиладиган талаблар, қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳаволаки нормалардан воз кечиш ва норма ижодкорлиги соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳақидаги масалалар ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Шунингдек, “One in two out”, “Sunset clauses”, “Open ended” сингари илфор

замонавий услубларнинг, инновацион ёндашувларнинг, қонун лойиҳаларини баҳолаш ва уларнинг жамият ҳаётига ва иқтисодиётга таъсирини прогноз қилиш тизими жорий қилинишининг назарда тутилиши муҳим амалий аҳамиятга эга.

Қонун ижодкорлигидек, кенг қамровли ва катта маъсулият талаб этиладиган жараёнда қонунчилик техникаси ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Хўш қонунчилик техникаси нима? Бу саволга шу соҳада йирик олим, юридик фанлар доктори, академик Ақмал Саидов қўйидагича таъриф беради.

“Қонунчилик техникаси – қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарур ташкилий-техник қоида ва усуллар йигиндиси, қонун лойиҳаларининг ички тузилиши, уларга ўзgartишлар киритиш, уларнинг тили ва услуби, ҳуқуқий атамашунослик, қонун лойиҳаларининг таржимаси ҳақидаги билимлар мажмуидир.

Қонунчилик техникаси мазмунан уч қисмдан иборат:

Биринчиси, қонун ҳужжатларини юридик кучи нуқтаи-назаридан турини аниқлаши ва ташки қўринишига ҳамда номланишига оид қоида ва услублар;

Иккинчиси, қонун ҳужжатларининг мазмуни ва ички тузилишига доир қоида ва услублар;

Учинчиси, қонун ҳужжатларини ифода этиши (ёзиши) қоида ва услублари (қонун ҳужжатларининг тили).⁴

Шу ўринда қонун ижодкорлиги жараёнидаги амалиётда кузатилаётган жиддий бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалиёт шуни кўрсатаятки, аксарият ҳолатларда Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари рус тилида тайёрланниб, кейин ўзбек тилига таржима қилинапти. Аввалом бор, таржима ҳам профессионал тарзда эмас, сўзма-сўз ўзбек тилига ўғирилалапти. Мана шу таржима қонун лойиҳасининг тили фализ бўлишига сабабчи бўлмоқда. Тил нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсан, ўзбек тилида ёзилиши бу мутлақо бошқача. Ҳар бир тилнинг ўз жозибаси, ўзига хос ҳусусиятлари бўлади. Таржимада эса, бу жозиба йўқолади. Энг муҳими, баъзи бир сўз таржимаси ўша ўринга мутлақо тушмайди. Тўғри, Парламент палаталарида бу ҳолатни тузатиш билан боғлиқ “Норматив-ҳуқуқий атамалар” комиссияси фаолият юритади. Лекин, таржима барибир ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб туради. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунининг 8-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади”⁵ деб белгилаб қўйилган.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби, қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам илфор хорижий тажриба ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакати-





мизда қонун ижодкорлиги бўйича тўпланган миллий тажриба билан илгор халқаро тажриба уйғулаштирилиб борилишига алоҳида аҳамият қаратилади.

Хусусан, хорижий тажрибани ўрганиш борасида Парламентимизнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) ва Германия Халқаро ҳукукий ҳамкорлик фонди (IRZ) каби халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоиз, Германиянинг қонун ижодорлиги жараёни ўзининг юқори сифати ва World Justice Project томонидан юритиладиган Қонун устуворлиги рейтингида жаҳонда 6-йринни эгаллаши билан тавсифланади. Шу сабабдан ҳам жаҳоннинг кўплаб давлатлари томонидан Германия қонунчилик жараёнини ўрганишга бўлган қизиқишлар тобора ортиб бормоқда.

Ушбу ташкилотнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари билан бўладиган мулокотларида қонун ижодкорлиги жараёнига замонавий услублари ва механизmlарни жорий этиш бўйича Германия тажрибасини чукур ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади. Хорижий эксперталар томонидан қонун ижодкорлигининг замонавий услублари, жумладан, “One in two

out”, “Sunset clauses”, “Open ended” принциплари ва бошқаларни чукур ўрганиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш қонунларнинг сифатли бўлишида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида ҳам давлат ва жамият тизимини ислоҳ қилишда қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириб бориш ва бунда миллий ва хорижий тажрибани уйғулаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли равиша эътироф этилаётган ушбу ислоҳотлар моҳиятида, албатта, инсон, унга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш орқали, манфаатлари, ҳукуқ ҳамда эркинликларини амалда таъминлаш масаласи ётади. Прагматик ва пухта ўйланган шиддатли ислоҳотлар стратегияси айнан шу мақсадга йўналтирилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Зоро, бу Ватанда азиздир ИНСОН...

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда
2. “Миллий парламентаризм: тажриба ва истиқбол”, “Ҳукуқ ва бурҷ журнали”, 2006 йил 1-сон., 5-7 бетлар
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, Воқеалар., Нутклар бўлими
4. А.Х. Сайдов., “Қонун ижодкорлиги стратегияси ва қонунчилик техникаси – ҳукуқшунослик фани ва амалиёти тизимида”, Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари, Тошкент – 2005
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 449-модда

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Конституциявий асослари

Маҳсуда Турдибоева,
Тошкент ирригация ва
қишлоқ хўжалигини
механизациялаш
муҳандислари
институти катта
ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида миллий давлатчилигимизнинг асосини белгилаб берувчи асосий қонун ҳисобланади. Шунингдек, у давлатнинг сиёсий тузуми, ижтимоий, иқтисодий бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг устувор йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Конституциясининг асосий гояси “фуқаро-жамият-давлат” ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни белгилашдан иборат. Шунга кўра, Конституция бошқа қонунлардан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қиласди:

Конституция маҳсус субъект ёки унинг номидан ўрнатлади;

Конституциянинг қоидалари йўналтирувчи, таъсис этувчи, ўрнатувчи, бирламчи аҳамиятга эга;

Конституция муносабатларни тартибга солишида ҳажми кенглиги билан ажralib turadi;

Конституция қабул қилиниши ва ўзига хос муҳофаза қилиниши билан алоҳида ажralib turadi.

Мустақил давлатимизнинг Конституцияси халқаро принципларнинг инсон ҳуқуқларига оид деярли барча қирраларини ўзида мужассам этган. Инсоннинг ўзи, инсоннинг давлат ва жамиятдаги ўрни, давлат бошқарувида иштирокига нисбатан бўлган қарашлар, фоялар ҳуқуқ ва эркинликлар сифатида мустаҳкамланди.

Маълумки, ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар ҳам инсоннинг хулқ-атворини акс эттиради. Бироқ, ҳуқуқ инсоннинг ҳаракат қилиш имкониятини билдирса, бурч заруриятни билдиради.

Давлат халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва умуман тарихан шаклланган турли қарашларга кўра уни қандай тушуниш кераклиги тўғрисидаги тушунчаларни турли қонунларда белгилаб берган. Яъни, аввал давлат шаклланиши, ундан сўнг инсонга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар амалда бўлиши демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий моҳияти инсонни улуғлашга қаратилганлиги билан кўз-

га ташланади. Конституциямиз “инсон ҳукуқларини олий қадрият сифатида белгилаган” асосий қонун ҳисобланади, унинг энг муҳим фояси инсон ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Конституциянинг 2-моддасида “давлат органлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар ва ҳисоб берадилар” деб белгиланганлигининг ўзи, Конституция кимга хизмат қилишини белгилайди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasида айтганидек, мамлакатимиз 26 йил давомида босиб ўтган фоят мураккаб ва шарафли йўл Бosh қомусимизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради. Асосий қонунимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустрисал ривожланиш сари одимлашда беқиёс ўрин эгалламоқда.

Шунга кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаши, давлат инсоннинг ҳукуқ ва эркинликларини барча бошқа қонунлари орқали кафолатини бериб бориши, уни амалда ўзининг тегишли органлари орқали таъминлаши, ҳукуқ ва эркинликлар бузилганда уни тиклаш

чораларини кўриши, деганидир. Айниқса, шахснинг дахлсизлиги ва айбизлилар презумпциясинининг Асосий қонунда белгиланиши унинг инсонпарварлигини кўрсатади. Бу норманинг ўрнатилиши миллий қонунчилигимиздаги қўйилган ижобий қадам бўлди.

Давлат яхлитлигича ҳам, ўзининг органлари тимсолида ҳам, мансабдор шахслари орқали ҳам ўзининг мавжудлигини таъминлашда давлат ҳокимиётчилигининг манбаи бўлган ҳалқ, яъни ўз фуқаролари олдида мажбурияти борлигини англатади. Буни давлат ҳаракатда бўлиши учун инсонлар бўлиши, инсонлар маълум ҳукуқларга эга бўлиши, инсонлар хоҳлаган пайтда ўз ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишда давлатга суюниши мумкин, деб тушуниш керак. Ўтмишдаги барча олим ва наزارиётчиларнинг фикрича, барча нарсанинг яратувчиси — бу инсон. Инсон эркин ва озод яшаши учун ҳам қонунлар унга кўмак беради, қонунлар инсоннинг таянчи, унинг кафолатидир.





Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан рухсат этилган, ман этилган ёки унинг ўз ҳохиши билан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Масалан, инсон туғилиши билан унга исм қўйиш, ота-онасини аниқлаш, фамилиясини кўрсатиш, фуқаролигини белгилаш ҳуқуқи давлат томонидан назорат қилинса, унга исм танлаш эса ота-онасининг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади. Демак, инсон туғилишидан бошлаб ўзи сезар-сезмас ҳолатда ҳуқуқ, эркинликларга эга бўла бошлайди, маълум ёшдан бошлаб ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис эта бошлайди. Бу эса давлатимиз Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган.

Конституциянинг асосий принциплари, яъни, раҳбарий ғоялари мавжуд. Давлат суверенитети принципи, ҳалқ ҳокимиятчилиги принципи, инсон-олий қадрият ва давлат сиёсатининг асосий мақсади принципи, демократизм принципи, давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги принципи, қонунийлик принципи, Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи, ҳокимиятлар бўлиниши принципи, Ўзбекистон Республикаси томонидан фаол ташқи сиёсатнинг амалга оширилиши принципи, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш принципи ва бошқа принциплар борки, буларнинг ҳаммаси Конституциямизнинг бош, раҳбарий ғоялари ҳисобланади.

Бошқа қабул қилинаётган ҳар қандай қонунлар ана шу принципларга бўйсунган ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат юридик норма, яъни, мажбурий характерга эга бўлган қоида ва принциплар, балки аҳлоқий жиҳатлари билан ҳам ажralиб туради. Масалан, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги (46-модда); вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги (45-модда); оила жамият ва давлат томонидан кўллаб-кувватланиши ва ҳимоя қилиниши (63-модда); давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши; ўқитиши таъминлаши, болаларга мўлжалланган хайрия фаолиятни рагбатлантириши (64-модда); оналик ва болаликнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши (65-модда); вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбуриклари (66-модда) Конституциянинг чукур аҳлоқий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

Шарқ ҳалқларига мансуб бўлган кўпгина аҳлоқий қарашлар қоида сифатида, норма сифатида Конституцияда белгиланганигини унинг миллий характерини кўрсатади. Шу жиҳатлари билан Асосий қонунимиз бошқа давлатлар Конституцияларидан алоҳида ажralиб туради.



ТУҲМАТ УЧУН ҲАМ ЖАЗО БОР

Санжар ЗУЛУНОВ,
Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани
маъмурий суди раиси

Бугунги кунда фуқаролар ўртасида энг кўп содир этилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликка ўзаро жанжаллар оқибатида бир-бирини ҳақорат қилиш, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, майдабезорилик ва бирорнинг шаънини ерга уриш мақсадида ҳар хил уйдурмалар орқали туҳмат қилиши ҳолатлари кўп учраб турибди. Маъмурий жавобгарлик кодексининг 41-моддасига кўра ҳақорат қилғанлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробаридан 40 баробаригача миқдорда жарима жазоси қўлланилади.

Бир-бирини ҳақорат қилиш аксарият ҳолларда оилавий низолар туфайли содир этилади. Афсуски, кўпинча келин ва қайноналар ёки эр-хотинлар ўртасида ўзаро низо туфайли бир-бирини ҳақорат қилиш каби салбий ҳолатлар рўй бериб турибди. Бундан ташқари, танишибилишлар ўртасидаги низолар туфайли ҳам бир-бирини ҳақорат қилиш, қадр-қимматини камситиш ҳолатлари ва ҳаттоки интернет сайтлари орқали ҳам амалга ошириляпти. Яъни, бунда бир шахс иккинчи шахсни обрўсизлантириш, эл орасида шарманда қилиш мақсадида ҳар хил ёлғон ва бўхтон гаплар билан интернет сайтларида хабарлар ёзиш ёки видеолар жойлаштириш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бу жудаям



ачинарли ҳол, албатта. Чунки, қадр-қиммати камситилаётган шахс қанчалик ҳақ ёки ноҳақ бўлмасин унинг хатти-ҳаракати омма ўртасида муҳокама қилиниши қонунан мумкин эмас. Бундай ҳолатлар биринчи марта содир этилса энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баробари микдорида жарима солишга сабаб бўлади. Агар бу ҳолат иккинча марта тақоррланса, бунга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Чунки энди бу ҳолатда жиноят аломатлари яққол кўзга ташланади. Фуқаролар ана шундай ҳақоратлар туфайли жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлигини кўп ҳолларда яхши англаб етмайдилар. Оиласий низолар туфайли бир-бирини ҳақорат қилиш ҳолатларида кўпинча суд томонидан имкон қадар енгилликлар берилади, жарималар камайтирилади. Сабаби мана шу оиланинг келгусида пароканда бўлиб кетмаслиги, жиноий ёки маъмурий жазо туфайли эр-хотин ёки қайнона-қайнота ўртасида янада кўпроқ совуқчилик тушмаслиги учун. Шу билан бирга транспорт воситаларини спиртли ичимлик ичган ҳолда бошқариш ҳам кўп учрайдиган ҳолатлар сирасига киради. Бундай ҳолларда хукуқбузар транспорт воситасини бошқариш хукуқидан бир йил-у олти ёки уч йилгача маҳрум

етилиши мумкин. Айрим фуқароларимиз ўзи билмаган ҳолда хурсандчилик ёки хафагарчиликдан спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда транспорт воситасини бошқаради ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан ушланганда ушбу ҳолатлар аниқланиб, иш материаллари расмийлаштирилиб, судга юборилади. Суд мажлисида аксарият хукуқбузарлар “билмай қолдим”, “маст эдим”, “кайфиятим ёмонлиги учун ичгандим” дея турли баҳоналарни тўкишга ҳаракат қилишади. Гўёки, йўл транспорт ҳодисаси содир этишларига спиртли ичимлик ичганлиги сабаб бўлганлигини, ҳушёрликда бундай ҳодиса рўй бермаслигини таъкидлашади. Лекин қонунда спиртли ичимлик ичган ҳолда машина бошқариш оғирлаштирувчи ҳолатлар, деб топилади. Бунга ҳеч қачон ҳеч қанақа енгиллик қилинмайди. Чунки маст ҳайдовчи ўзининг нотўғри хатти-ҳаракатлари орқали нафақат ўзининг ҳаётига, балки бошқа одамларнинг ҳам ҳаётига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли бундай ҳолатда хукуқбузар камида бир ярим йил муддатда ҳайдовчилик ҳукуқидан маҳрум этилади. Шу боис ҳайдовчилар бу масалага жиддийроқ ёндашсалар яхши бўларди. Спиртли ичимлик ичган ҳолда машина бошқариш фуқароларнинг ўлимига ёки уларнинг бир умр ногирон бўлиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларга суд томонидан кескин муносабат билдирилади. Бундан ташқари, яна кўп учраб турадиган майда безориликлар ҳам борки, аксар ҳолларда одамлар бунинг жиноят эканлигини ҳам яхши билмайдилар. Масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимликлар қилиш, жамоат тартибини бузиш, одамларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш майда безорилик ҳисобланади ва бунинг учун ҳам қонунда тегишлича жазо бор. Айниқса, жамиятда юриш-туриш қоидасини қасдан менсимаслик энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш барава-





ригача ёки ўн беш кунгача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Айрим фуқароларимиз спиртли ичимлик ичган ҳолда майда безорлик қилиб, ўзининг хатти-ҳаракатига жавоб беролмай кўча-кўйда ҳар хил бақир-чақирлар қилиб, уятли сўзлар айтиб, фуқароларнинг тинчлигини бузишга ҳаракат қилишади. Бу ҳам майда безориликка киради. Ачинарлиси, бундай ҳолатлар ҳозирги кунда кўпроқ ёшларимиз орасида содир этиляпти. Қўни-қўшнилар ўртасидаги жанжаллар оқибатида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жазо бор. Яна кўп учрайдиган ҳолатлардан бири бу ички ишлар ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик. Баъзи фуқаролар қасдан ички ишлар ходимларини менсимасликка ҳаракат қилишади. Ахир ИИБ ходимлари бизнинг тинчлигимизни, хавфсизлигимизни таъминлаб турувчи инсонлар ҳисобланади.

Яна энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарликлардан бири бу лицензиясиз автомашина бошқариш яъни, ўз шахсий машинасида таксичилик қилишдир. Бундай ҳолатларда ҳам энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 100 баробаригача миқдорда жарима кўлланилишига сабаб бўлади. Бу борада биз ички ишлар билан ҳамкорликда бир қанча ишларни амалга оширияпмиз. Қайси ҳудудда шу каби ҳолатлар кўпроқ содир этилаётган

бўлса ўша ҳудудларга бориб, сайёр суд мажлисларини ўтказаяпмиз. Деярли ҳар куни ички ишлар, билан сайёр суд мажлисларини маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича маҳаллаларда, ўкув биноларида ўтказиб боряпмиз.

Бундан ташқари, фуқаролар ўртасида ўзлари билиб-бilmagan ҳолда бир-бирларига ҳар хил тухмат гаплар қилиш ёки шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш ҳолатлари ҳам кўп учраяпти. Бу эса била туриб, бир шахснинг шаънини ерга урувчи уйдирмани тарқатиш энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 60 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўляпти. Бу жудаям катта миқдордаги жарима, албатта. Соддароқ қилиб айтганда, бу оиласиб бюджетга сезиларли тарзда таъсир этади. Шундай экан, фуқароларимиз ўз қилмишлари ҳақида чукурроқ ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Агар ҳуқуқбузар тухмат билан жаримага тортилганидан кейин ҳам шу ишни давом эттиrsa бу жиноятга киради. Шу боис, фуқароларимиз бу жиҳатларга ҳам эътиборли бўлишлари, бировга тухмат қилиш қандай оқибатларга олиб келишини чукурроқ ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Албатта, қонун ҳамма учун баробар. Фуқароларимиз қонунга амал қилиб яшасалар ҳаётларида ҳеч қандай муаммо рўй бермаслиги аниқ.

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМIZДА ПУЛЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИГА КАРШИ КУРАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Лазиз ҚОДИРКУЛОВ,

Юристлар малакасини
ошириш маркази
тингловчуси

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тобора кучайиб бориши учун унинг пул-кредит системаси асос бўлиб хизмат қиласди. Пул-кредит системаси давлат молиявий тизимининг муҳим таркибий устуни бўлиб, мамлакатимизда амалга ошириладиган барча жабҳалардаги ислоҳотларнинг самарадорлиги, ҳалқимиз турмуш тарзининг юксалиб бориши, давлат мустақиллигининг янада мустаҳкамланишига олиб келади.

Пулларни қалбакилаштириш жинояти биринчи навбатда мамлакатнинг пул-кредит тизимига тажовуз қилиб, унинг барқарорлигига жиддий зиён етказишга қодир. Пулларни қалбакилаштириш жинояти ўта катта миқдорда содир этилганида пулнинг қадрсизланиши, инфляция кучайиб бориши, давлат, жисмоний шахслар ва иқтисодий айирбошлаш жараёнларнинг барча субъектлари манфаатларига улкан зарар етказиши мумкин. Зеро, ана шу омилларни

ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида пулларни қалбакилаштириш жиноятига қарши кураш қонунчилиги ривожланиб борди.

Собиқ шўролар даврида пулларни қалбакилаштириш молия ва пул муомаласиги зиён етказиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда шаклланди: жиноий жазо таҳди迪 остида пулларни қалбакилаштириш билан бирга, ҳар қандай пул суррогатларнинг ишлаб чиқилиши қатъий тақиқланди, қимматли қоғозларни ишлаб чиқариш саноат ташкилотлари ва жамиятлардан олиб ташланиб, уларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш давлатнинг мутлақ ваколати сифатида эътироф этилди¹. Шунга монанд, Ўзбекистон Республикасида амалга киритилган Жиноят кодексида пулларни қалбакилаштириш давлат бошқарувига қарши жиноятлар тоифасига киритилди ва ушбу кодекснинг 85-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятига айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб мустаҳкамланди. Сўнгра зикр этилган 85-модда пул





белгиларини қалбакилаштириш учун икки маротаба ўзгариб, ушбу жиноятнинг ҳужжатларни қалбакилаштиришдан кўра фарқлари кескинроқ қўйилиб, қатъиyroқ жазо белгиланди².

Пулларни қалбакилаштириш учун жавобгарликни кучайтириш борасида муҳим қадам бўлиб, собиқ Коммунистик партиясининг Марказий Ижроий Кўмитаси томонидан “Давлатга қарши жиноятлар тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилинганлиги ҳисобланади. Мазкур Низомнинг 24-моддаси 2-қисмига биноан, сотиш мақсадини кўзлаган ҳолда қалбаки пулларни ишлаб чиқилишини назарда тутиб, қалбаки пулларнинг ўтказилиши учун қатъиyroқ жавобгарлик чораларини назарда тутди, жумладан агарда қалбаки пулларни ишлаб чиқиш профессионал асосга қўйилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, пулларни қалбакилаштирувчи ўлим жазосига тортилиши назарда тутилди.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, “Давлатга қарши жиноятлар тўғрисида”ги Низомнинг 22-моддаси 1-қисмидаги назарда тутилган профессионал асосда пулларни қалбакилаштириш ва сотиш тўғрисидаги норма мавжуд бўлган. Ушбу низомда қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилган пулларни қалбакилаштириш ёки сотишнинг профессионал асосга қўйилиши, қалбаки-

лаштирилган пулларга нисбатан профессионал асосга қўйилиш жумласи қўлланилмаслиги ва мазкур модда бўйича пулларни қалбакилаштиришнинг якка ҳолати ҳам жазоланиш лозимлигини, иккинчидан фақатгина профессионал асосга қўйилган сотувда гараз манфаатларини кўзлаб уларни амалга киритилиши назарда тутиб, аммо билмай туриб қалбаки пулларни сотиб олган ва сўнгра уларнинг қалбакилаштирилганлигини билиб, уларни сотган шахсга жавобгарликни истисно этарди. Бу борада Ю.Солопановнинг фикрича, қонуннинг ушбу таҳрири номақбул бўлиб жиноят ҳуқуқи назариясига зид келадиган талқинни вужудга келтирди. Олимнинг эътироф этишича, бу ҳолатлар профессионал асосга қўйилиши деган иборани турлича тушунишга олиб келиб, нафақат қалбакилаштирилган пулларнинг муомалага киритилишига, балки қалбакилаштириш ҳолатларига нисбатан қўлланилишига замин яратди³.

Пулларни қалбакилаштиришга қарши кураш борасида навбатдаги босқич собық Ўз.ССР Жиноят кодексида пулларни қалбакилаштириш жиноятларининг назарда тутилишидир. Ўз.ССР 1959 йилги Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, давлат ғазна чипталарини, собық СССР давлат банкининг чипталарини, металл тангларини, давлат қиммат-

ли қоғозларни ва чет эл валютасини қалбакилаштириш жиной таркиби назарда тутилди (1-қисм). Ушбу модданинг иккинчи қисмида ушбу ҳаракатлар профессионал асосга қўйилиши каби жиной таркиби назарда тутди. Пулларни қалбакилаштириш учун жиддий жавобгарлик чоралари назарда тутилди: биринчи қисми бўйича мол-мулкни мусодара қилиш билан уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш, иккинчи қисми бўйича мол-мулкни мусодара қилиб ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этилиши ёки мол-мулки мусодара қилиб, ўлим жазоси назарда тутилди⁴.

Мамлакатимизда давлат мустақиллигини қўлга киритилганидан сўнг, амалга оширилаётган барча жабҳалардаги ислоҳотлар қонунийлик ва ҳукуқ-тартиботни таъминлашга фоятда боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида ўзбек халқи Конституцияни қабул қилиб, инсон ҳукуқларига содиқлигини эълон қилиб, инсонпарвар демократик давлатни барпо этилишини мақсад қилиб қўйилганлиги мустаҳкамланди. Ҳукуқий демократик давлатни барпо этиш эса, Ж. Елюбаевнинг асосли равишда эътироф этишича, жамиятнинг турли муносабатларда, шу жумладан жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муносабатларнинг нормал ривожини таъминлайдиган мустаҳкам мейёрий ҳукуқий фундамент-

сиз бунёд этиб бўлмайди⁵.

Ўзбекистон Республикасида пулларни қалбакилаштириш билан бирга бошқа жиной таркибларни мустаҳкамлайдиган маҳсус қонун ҳужжати – йўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилинди. Ушбу кодекснинг олдингиларидан муҳим фарқларидан бири шундан иборатки, унда йўзбекистон Республикаси барпо этишга ҳаракат қилаётган том маънодаги демократик ҳукуқий давлатда мос келадиган қонун олдида тенглик, демократизм, инсонпарварлик одиллик каби тамойиллар мустаҳкамланди. Амалдаги Жиноят кодексида инсон ҳукуқларини муҳофаза қилишга бирламчи эътибор берилди, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан бозор иқтисодиётига мос мутлақо янги ёндашувлар мустаҳкамланди. Пулларни қалбакилаштириш эса, Жиноят кодексининг 176-моддасида назарда тутилиб, унинг таърифи” ўтказиш мақсадида калбаки банк билетлари (банкнотлар), метал тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ясаш ёки уларни ўтказиш таҳририда берилди⁶.

Таъқидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликни тўғри қўллаш содир этилган ижтимоий ҳавфли қилмишни тегишли тарзда малакалаш, ҳар бир жиноятнинг таркибий элементларини синчиклаб ўрганиш, қилмишнинг муайян жиноят



эканлигидан дарак берадиган барча аломатларини аниқлашни тақозо этади⁷. Шу сабабли назаримизда амалдаги қонунчилигимизда мустаҳкамланган пулларни қалбакилаштириш жинояти учун жавобгарлик асосларини таҳлил қилиш ушбу жиноятнинг жиноий таркибини ўрганиш мақсадга мувофиқидир.

Ҳар бир жиноятнинг муҳим таркибий унсурни бўлиб, унинг обьекти ҳисобланади. Абдо Салех, пулларни қалбакилаштиришга қарши курашга бағишлиган ўзининг юридик фанлар номзодини олиш учун диссертациясида ёзишича, обьект жиноят таркибининг энг муҳим элементи эканлиги умум эътироф этилган. Жиноят обьекти ҳар бир жиноятнинг мажбурий элементи ҳисобланади. Объектсиз жиноят бўлиши мумкин эмас⁸. Мазкур тадқиқотнинг обьекти бўлган пулларни қалбакилаштириш жиноятининг обьекти бўлиб эса, олимларнинг эътироф этишича, давлат пул-кредит тизимининг нормал равишда фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар хизмат қиласди. Бундай жиноятлар давлатнинг молия тизимиға катта зарар етказиб, пулларни муомалага киритиш тартибига қарши қаратилган тажовуз ҳисобланади⁹.

Пулларни қалбакилаштириш жиноятининг навбатдаги элементи унинг обьектив томонидир. Жиноят ҳукуқи назариясидан маълумки, жиноятнинг обьектив томони жиноят ҳукуқи билан қўриқланадиган обьектга қарши қаратилган ижтимоий ҳавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатини тавсифловчи белгиларда ифодаланади. Ҳукуқшунос олим Б.А.Куринов жиноят таркибининг айнан шу элементи фоятда муҳимлигини таъкидлар экан, жиноят обьектив томонини жиноий қилмишнинг ўзаги деб айтади. Ҳудди ана шу жиноятнинг ташқи томонида, деб ёзади олим, биринчи навбатда ижтимоий қилмишнинг ҳавф-хатари намоён бўлади¹⁰. Жиноят обьектив томони қўйидағи: ташқи белгиларда намоён бўлади ижтимоий ҳавфли қилмиш (ҳаракат ёки



ҳаракатсизлик) билан ижтимоий ҳавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг вақти, жойи, усули, ҳолати, куроли ва воситасини англатади. Юқорида санаб ўтилган белгилар бир-бира га ўзаро боғлик бўлган компонентлар йигиндиси тизимини ташкил қиласди. Пулларни қалбакилаштириш жинояти обьектив томондан ўтказиш мақсадини кўзлаб, қалбаки банкноталарни, тангаларни ясашдан иборат. Эътиборга сазоворки, пулларни ясаш ҳам тўлалигича амалга оширилиш ёки асл банкнота ва пулларга ўзгартиришларни киритиши орқали амалга оширилиши мумкин. Пулларни қалбакилаштириш жинояти турли усуллар билан жумладан чизиш, компьютер техникаси ёрдами ёхуд маҳсус клишерларни тайёрлаш орқали амалга оширилиши мумкин. Пулларни қалбакилаштириш усули унинг малакаланишига таъсир кўрсатмайди. Аммо пулларни қалбакилаштириш жиноятнинг малакаланишида маҳсус шарт бўлиб, қалбакилаштирилган пуллар асл пулларга жуда ўхшаш бўлмоғи керак. Мисол учун, агарда фуқаро журналлардан янги пуллар намуналарини кесиб олиб, сўнгра уларни клей воситасида ёпишириб, ўтказмоқчи бўлган тақдирда мазкур жиноятни пулларни қалбакилаштириш ва ўтказиш эмас, балки уни фирибгарлик тарзида малакалаш лозим. Бунинг сабаби шундан иборатки, улар асл пуллардан фарқ қилиб, муома-

лада бўлиши ва давлатнинг пул-кредит тизимига зиён етказиши мумкин эмас¹¹.

Жиноят субъекти жиноят ҳукуқида жиноят таркибининг зарур элементларидан бири ҳисобланади. Адабиётларда бу тушунча қуйидагича қайд этилиб, субъект бу объектга йўналтирилган фаоллик манбаи ҳисобланади. Юридик фанларда ҳукуқ субъекти деганда ҳар бир ҳукуқ соҳаси бўйича қонунда белгиланган маълум ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар тушунилади. Жиноят ҳукуки нуқтаи назаридан талқин этилганда жиноятнинг субъекти Жиноят кодекси билан жавобгарлик белгиланган қасддан ёки эҳтиётсизликдан жиноят содир этгани учун жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар тушунилади.

Пулларни қалбакилаштириш жинояти учун жавобгарлик субъекти бўлиб, ўн олти ёшга етган шахс ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ижтимоий ҳавфли ҳаракат ва ҳараратсизликка ҳамда ундан келиб чиқадиган ижтимоий ҳавфли оқибатларга бўлган рухий (психик) муносабатидир. Пулларни қалбакилаштириш жинояти қасддан содир этилади. Пулларни қалбакилаштираётган шахс пулларни қасддан қалбакилаштириб, уларни ўтказиш мақсадини кўзлайди. Ана шу мақсадларни кўзламаган шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддаси 3-қисмida уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг

манфаатларини кўзлаб содир этиш каби жиноий таркиби назарда туради. Шубҳасиз, бугунги кунда пулларни қалбакилаштириш иллати трансмиллий хусусият касб этаётган паллада, мазкур норманинг Ўзбекистон қонунчилигига мустаҳкамланиши ғоятда ижобий ҳолдир. Зоро, ушбу жиноятни содир этганик учун ушбу модданинг биринчи қисм (беш йилгача озодликдан маҳрум этиш), иккинчи қисмидан (беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш) анча оғир жазо назарда тутилди (ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш).

Мамлакатимиз жиноий қонунчилигига пулларни қалбакилаштириш жиноят сифатида мустаҳкамланиб, унинг жиноий таркиби батафсил тартибга солинганлиги юксак баҳолаган ҳолда, назаримизда Ўзбекистоннинг пулларни қалбакилаштиришга қарши ҳукуқий сиёсатини янада давом эттириш зарур. Таассуфки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси “Пулларни қалбакилаштиришга қарши кураш тўғрисида”-ги Женева конвенциясига аъзо эмас. Фикримизча, мамлакатимиз ушбу конвенцияга қўшилмаслиги пулларни қалбакилаштириш борасида процессуал ҳукуқий имкониятларимизни торайтириб, ушбу иллатга барҳам бериш борасидаги универсал саъии-ҳаракатларда иштирокимизни асоссиз равища чеклайди.

Таъкидлаш лозимки, айрим давлатларда (Белоруссия) Женева конвенциясига қўшилмаслик мамлакатнинг Жиноят кодексида конвенциянинг 3-моддасида назарда тутилмаганлигини важ қилинмоқда¹². Бунга жавобан айтиш керакки, хорижий мамлакатларнинг (Фарбий Европа давлатлари) тажрибаси шундан далолат берадики, конвенцияда назарда тутилган ҳаракатларни пулларни қалбакилаштириш деб миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш ҳеч қандай салбий ижтимоий оқибатларни келтириб чиқармайди. Шунингдек, унутмаслик лозимки, конвенциядаги нормалар



барча давлатларнинг уйғунлашган иродасининг халқаро ҳуқуқий ифодасидир.

“Пулларни қалбакилаштиришга қарши кураш түғрисида”ги Конвенцияга қўшилишидан ташқари, бизнингча, Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларнинг бажариш тартибини тегишили қонун ҳужжатини қабул қилиш орқали конкретлаштириш лозим. Юқорида зикр этилганлардан маълум бўлдики, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномавий базани яратиш борасида салмоқли ишлар қилинган бўлсада, пулларни қалбакилаштиришдек жиноий иллатга барҳам беришда етарли эмас. Назаримизда, агарда Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларнинг талабларини тўғридан-тўғри ижро этилиши мустаҳкамланиб қўйилса, уюшган жиноятчиликка шу жумладан, пулларни қалбакилаштириш жиноятига қарши кураш борасида тузилган халқаро шартномалар сонининг таңқислиги анча босиларди. Бунинг сабаби шундан иборатки, ана шу ҳолда ҳуқуқий ёрдам олиш мақсадида республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари давлатимиз томонидан ратификация қилинган универсал халқаро шартномаларга (мисол учун “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш түғрисида”ги конвенция) га мурожаат этишига ҳуқуқий замин яратиларди.

Ҳуқуқий чоралардан ташқари, бизнингча пулларни қалбалкилаштиришга қарши кураш борасида ташкилий чоралар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ташкилий чоралардан энг аҳамиятлиси пул ва қимматли қоғозларнинг асли эканлигидан дарак берадиган белгилардан мукаммал асосга қўйилган режа бўйича аҳолини хабардор қилишдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида пулларни қалбакилаштиришга қарши кураш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Бу қадамлар пулларни қалбакилаштириш қилмишининг жиноий деб қонунчи-



ликда мустаҳкамланиши, унинг жиноий таркибини халқаро андозаларга мос ҳолга келтиришдир. Аммо, бугунги кунда пулларни қалбакилаштиришдек ўта динамик жиноятни доимий кузатувга олиб, халқаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш давр талаби бўлиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1 Декрет ВЦИК и СНК. 9 октября 1922 года // Абдо Салех Абдулла аль Дамари. Проблемы борьбы с изготовлением и сбытом поддельных денег, акцизных марок, ценных бумаг. Дисс.на.соиск.учстеп.канд.юрид.наук.Депонир.в библ. ТГЮИ. Т.,2000. С.38.

2 Абдо Салех Абдулла аль Дамари. Проблемы борьбы с изготовлением и сбытом поддельных денег, акцизных марок, ценных бумаг. Дисс.на.соиск.учстеп.канд.юрид.наук. Депонир.в библ. ТГЮИ. Т.,2000. С.46.

3 Соловьев Ю. Развитие законодательства по вопросу об ответственности за фальшивомонетничество// Труды высшей Школы МВД.№158. С.46.

4 Уголовный кодекс Узбекской ССР. Т.: Узбекистан,1988. С.66 67.

5 Елюбаев Ж. Новый уголовный кодекс – требование времени// Тураби.1997.№11. С.11.

6 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001.92-93 бетлар.

7 Куринов Б.А.Научные основы квалификации преступлений. М.: Юрлитература,1987. С.32.

8 Қаранг: Нарбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. Т.: Мехнат, 1991. С.30; Понтковский А.А. Учение о преступлении. М.: Юрлитература,1984. С.32.; Загородников Н.И. Значение объекта преступления при определении меры наказания по советскому уголовному праву. М.: ВЗЮИ,1979. С.8; Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления.М,1957. С.124.;Якубов Учение о преступлении. Т.: Академия МВД,2001. С.56. Абдо Салех Абдулла аль Дамари. Проблемы борьбы с изготовлением и сбытом поддельных денег, акцизных марок, ценных бумаг. Дисс.на.соиск.учстеп.канд.юрид.наук. Депонир.в библ. ТГЮИ. Т.,2000. С.151.

9 Қаранг: Комментарий к Уголовному кодексу. Т.: Адолат,1996. С.30. Рустамбаев М.Х.Уголовное право. Т.:Адолат,2001.

10 Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. М.: МГУ,1984. С.84.

11 Батафсилоқ қаранг: Рустамбаев М.Х. Уголовное право. Т.: Адолат, 2001. С.241.

12 Қаранг: Мукашев С. Совершенствование и развитие международного сотрудничества по борьбе с фальшивомонетничеством// Белорусский журнал международного права и международных отношений. С.67 72.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМИ

Абдулҳай МўМИНОВ,
ЖИДУ доценти, ю.ф.н.

Барқарор ривожланиш мақсадлари бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги бошқарув-хўжалик фаолиятини тақомиллаштириш орқали жаҳонда, шу билан бир қаторда, ҳар бир давлатда барқарор ривожланишини таъминлаш орқали, табиат ва жамиятнинг уйгун равишда ривожланишини кўзда тутади.

Иқтисодиёт назарияси қонуниятларига мувофиқ, жамиятда сиёсий иқлимининг кескин ўзгариши ноқулай ижтимоий-иқтисодий талофатлар билан бир қаторда ноқулай экологик шароитларни юзага келтиради. Нуфузли ЮНЕСКО ташкилотининг собиқ бosh котиби Фредерик Майорнинг фикрича, “Кишилар ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли экологик беқарорликни

келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида барқарор бўлмаган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга олиб келади”¹. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда барқарор ривожланиш концепцияси ва уни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

БМТ доирасида қабул қилинган мазкур концепция барча давлатлар каби, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида қилган нутқида шундай деб таъкидлаган эди: “Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканини таъкидлашни истардим. Умумхалқ муҳокамасидан сўнг беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Бу стратегияни ишлаб чиқиша биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик”².





Барқарор ривожланиш концепцияси БМТ доирасида дастлаб 1987 йили Атроф мұхит ва ривожланиш бүйича халқаро комиссиянинг “Бизнинг умумий келажагимиз” номли маъruzасида күтариленгән эди. Унда, Комиссия “барқарор ривожланиш”нинг зарурлигига асосий эътиборни қаратиб, ҳозирги вақтнинг эҳтиёжларини қондириш бүлажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун имкониятларини йўққа чиқармаслиги лозимлигини кўрсатиб ўтган эди.

Кейинчалик бу фоя ривожлантирилди ва 2000 йилнинг 6-8 сентябр кунлари БМТ Бош Ассамблеясининг 55-маҳсус сессиясида Бош котиб томонидан “Мингийиллик маърузаси” тақдим этилди³. Мазкур Саммитда иштирок иштирок этган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов, сессияда муҳокама этилаётган масалаларни “глобаллашув даврининг асосий муаммолари” эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, БМТ Бош котиби маъruzаси ҳамда жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Саммитда қабул қилинган Мингийиллик Декларацияси XXI-асрнинг глобал кун тартибини белгилади ва Мингийиллик тараққиёт мақсадлари сифатида

машҳур бўлган саккизта, яъни: ҳаддан ортиқ қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш; ялпи бошланғич таълимга эришиш; аёллар ва эркакларнинг тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳукуқ ва имкониятларини кенгайтириш; болалар ўлимини камайтириш; оналар саломатлигини яхшилаш; ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш; экологик барқарорликни таъминлаш; тараққиёт мақсадларида глобал шерикликни шакллантиришдан инсоният 2015 йилда эришиши керак бўлган тараққиёт мақсадларини олдинга қўйди⁴.

Ўтган давр мобайнида Мингийиллик мақсадлари сифатида кўтариленгавизифалар катта қисми бажарилди, аммо барқарор ривожланиш концепцияси ўз аҳамиятини йўқотмади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 2012 йил 20-22 июн кунлари Бразилияning Рио-де-Жанейро шахрида, барқарор ривожланиш мавзусида ўтказилган «Рио+20» Конференциясида дунё мамлакатлари Мингийиллик ривожланиш мақсадлари доирасида эришилган муваффақиятларни эътироф этган ҳолда, МРМ доирасида амалга оширилиши яқунланмай қолган мақсадларга эришиш ҳамда жаҳон ҳам-

жамиятияни 2015 йилдан сүнг янги ривожланиш жабхалари сари етакловчи мақсадларни белгилаб олиш заруриятини таъкидладилар ва Барқарор Ривожланиш Мақсадларини (БРМ) ишлаб чиқишига келишиб олдилар. Маълумот учун, “Рио-20” Конференцияси 1992 йил Рио шаҳрида “Ер планетаси” деб номланган Юқори даражада ўтказилган учрашувнинг 20 йиллигига бағишинган ва ўтган 20 йилдан кейин нима ўзгарганлигига назар ташланган Конференция эди.

Расмий муҳокамаларда иккита катта мавзу: барқарор ривожланишга эришиш учун “яшилиқтисодиёт”ни қандай қуриш ва одамларни қамбағаллиқдан қандай чиқариш кераклиги ҳамда барқарор ривожланишнинг халқаро мувофиқлаштиришни яхшилаш лозимлиги муҳокама қилинди.

Рио+20 конференцияси давлатларнинг расмий вакиллари, бутун дунё бўйича кўзга кўринган эксперталар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, фуқаролар ва хусусий сектор вакиллари иштирокида мисли қўрилмаган даражадаги кенг қамровли муҳокамаларнинг бошланишига туртки бўлди.

Мазкур муҳокамаларнинг натижасида ҳамда Мингийиллик мақсадлари якуни кўриб чиқилган 2015 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги тарихий саммитида “Барқарор ривожланиш соҳасидаги Глобал кун тартиби” бўйича 70-сон резолюцияси қабул қилинди ва унда иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларда барқарор ривожланишни кўзда тутивчи 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларга боғлиқ бўлган 169 та вазифа ва 232 та кўрсаткич белгилаб олинган декларация қабул қилинди⁵.

БМТнинг 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари сифатида қуидагилар белгилаб олинди:

1-мақсад. Ўта қашшоқликка барҳам бериши.

2-мақсад. Очликка барҳам бериши.

3-мақсад. Соғлиқ ва фаровонлик.

4-мақсад. Сифатли таълим.

5-мақсад. Гендер тенглиги.

6-мақсад. Тоза сув ва санитария.

7-мақсад. Арzon ва тоза энергия.

8-мақсад. Муносиб иш ўринлари ва барқарор иқтисодий ўсиши.

9-мақсад. Саноатлаштириши, инновация ва инфратузилма.

10-мақсад. Тенгизлилар даражасини камайтиши.

11-мақсад. Барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари.

12-мақсад. Масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариши.

13-мақсад. Иқлим ўзгаришига қарши кураш.

14-мақсад. Денгиз экотизимларини асрари.

15-мақсад. Куруқликдаги экотизимларни асрари.

16-мақсад. Тинчлик, адолат ва самарали бошқарув институтлари.

17-мақсад. Барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик.

Демак, барқарор ривожланиш мақсадлари сифатида инсон ҳётининг барча жабхалари қамраб олинмоқда.





Ҳар йили Бош Ассамблея йигилишида Бош котиб томонидан мазкур Барқарор ривожланиш мақсадлари сифатида белгилаб олинган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисобот бериб борилмоқда⁶.

Қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур мақсадларни амалга оширишда, улардан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда, давлатлар ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, ўзлари учун миллий устуворликларни белгилаб олишади⁷.

БМТнинг барча аъзолари каби, Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг халқаро мажбуриятларига содик қолгани ҳолда, мамлакатда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар белгилаб олинди ва ушбу Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди⁸.

Шунингдек, мазкур миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил

етилиши ва унинг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгилаб қўйилди:

Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича масъул вазирлик ҳамда идораларнинг самарали ишларни ташкил этиш, БРМга эришишда секторлараро мувофиқлаштириш ва уйғунлашган ёндашувни таъминлаш;

Миллий мақсад ва вазифаларнинг тармоқ, минтақа ва мақсадли ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларга киритилишини таъминлаш;

вазирликлар, идоралар ва ишчи гурӯхларнинг Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда натижаларга эришиш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшлиши.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи сифатида функциясини бажариш Ўзбекистон Республикаси Иктисолиёт вазирлигига юклатилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1 Нигматов А. Барқарор ривожланиш. <http://xushnudbek.uz/bar-aror-rovozhlaniish>.

2 Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидадаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

3 Мингийллик маъруzasи. –Тошкент, Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг Ахборот маркази, 2003. -Б.11

4 Мингийллик тараққиёт мақсадлари – амалда. /Демократлаштириш ва инсон хукуқлари. Илмий-маърифий журнал. -№3, 2010. -Б.2

5 Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей. 25 сентября 2015 года. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. (A/70/L.1)

6 Қаранг: Доклад о Целях в области устойчивого развития, 2018 год. Организации Объединенных Наций, Нью Йорк, 2018 г.

7 Цели устойчивого развития: национальная адаптация целей и подходов к их решению. <https://www.csr.ru/news/tseli-ustojchivogo-rазвитiya-natsionalnaya-adaptatsiya-tselej-i-podhodov-k-ih-resheniyu/>
8 Lex.uz

Қарорға биринчи илова сифатида қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар доирасида 17 мақсад сифатида қўйидагилар белгилаб олинган:

1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш ва унга эришишида миллий вазифалар сифатида 7 та вазифа белгилаб олинган.

2-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш. 8 та вазифа.

3-мақсад. Соглом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш. 13 та вазифа.

4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш. 10 та вазифа.

5-мақсад. Гендер тенгликтин таъминлаши ва барча хотин-қизларнинг хуқук ва имкониятларини кенгайтириш. 9 та вазифа.

6-мақсад. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланишини таъминлаши. 7 та вазифа.

7-мақсад. Арzon, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиши имкониятини таъминлаш. 4 та вазифа.

8-мақсад. Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш. 11 та вазифа.

9-мақсад. Барқарор инфратузилмани яратиш, умумқамровли ва барқарор саноатлашув ва инновацияларга кўмаклашиш. 7 та вазифа

10-мақсад. Мамлакат ичида тенгислизикни унинг барча кўринишиларини қисқартириш. 7 та вазифа.

11-мақсад. Шаҳарлар ва аҳоли яшаши пункtlарининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш. 7 та вазифа.

12-мақсад. Истеммол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларига ўтишини таъминлаш. 10 та вазифа.

13-мақсад. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураши бўйича тезкор чораларни қабул қилиш. 2 та вазифа.

15-мақсад. Куруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишига кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишига қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши жараёнини тўхтатиш. 10 та вазифа.

16-мақсад. Барқарор ривожланиши мақсадлари йўлида тинчликсевар ва очиқ жамиятлар барпо этилишига кўмаклашиш, барча учун одил судлов имкониятидан фойдаланишини таъминлаш ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор ва кенг иштирокка асосланган муассасаларни ташкил этиш. 11 та вазифа.

17-мақсад. Барқарор ривожланиши мақсадларида Глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва ишларни фаоллаштириш. 19 та вазифа.



Эътибор қаратиш лозимки, Барқарор ривожланиш мақсадларидағи 14-мақсад, яғни “Денгиз экотизимларини асраш” мақсади миллий мақсад сифатида олинмаганлигини Ўзбекистон денгиз давлати эмаслиги билан асослаш мүмкін. Иккинчидан эса, юқорида қайд этилганидек, миллий дәражадаги мақсадлар, авваламбор миллий ўзига хосликлар ва өхтиёжлардан келиб чиқади.

Умуман олганда, 16 та миллий мақсад белгилаб олингани ҳолда, уларни амалга ошириш мақсадида 152 та вазиға белгилаб олинган. Албатта ушбу мақсадларнинг барчасини кўриб чиқа олмаймиз. Шунинг учун ҳам, 16-мақсадга, Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида тинчликсевар ва очиқ жамиятлар барпо этилишига кўмаклашиш, барча учун одил судлов имкониятидан фойдаланишни таъминлаш ва барча дәражаларда самарали, ҳисобдор ва кенг иштирокка асосланган муассасаларни ташкил этиш мақсадига эришиш учун белгилаб олинган вазифаларга қисқача тўхталиб ўтсак. Улар қуидагилардан иборатдир:

16.1-вазиға. Зўравонликнинг барча турлари тарқалишини қисқартириш ва ушбу ҳодиса сабабли ўлиши кўрсаткичларини камайтириш.


16.2-вазиға. Болалар ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча турларини тутгатиш

16.3-вазиға. Қонун устуворлигига кўмаклашиш ҳамда барча учун одил судловдан фойдаланиш бўйича тенг имкониятларни таъминлаш.

16.4-вазиға. 2030 йилгача ноқонуний пул ва қурол-яров оқимларини жиддий равишда қисқартириш, ўзиранган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шаклларига қарши кураш олиб бориши.

16.5-вазиға. Коррупция, экстремизм ва пораҳурлик кўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равишда қисқартириш.

16.6-вазиға. Бошқарувнинг барча



босқичларида давлат органларининг самарадорлиги, ҳисобдорлиги ва шаффоғлигини ошириши.

16.7-вазиға. Бошқарувнинг барча босқичларида қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролик жамияти ташкилотларининг иштирокини кенгайтириши.

16.10-вазиға. Фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқини амалга оширишлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот ошкоралигини кучайтириши ҳамда фуқароларнинг асосий эркинликлари ҳимоясини таъминлаш.

16.а-вазиға. Зўравонликнинг олдини олиш, террорчиллик, экстремизм ва жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашиш ишида миллий ва халқаро дәражаларда ҳамкорликни кенгайтириши орқали тегишли миллий муассасаларни мустаҳкамлаш.

2030 йилгача бўлган даврда мазкур барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» Қарорга илова қилинган бўлиб, унда тадбирлар ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ шакллари, механизмлари белгилаб берилган.

Унда қуидаги тадбирлар белгилаб берилган. I. Барқарор ривожланиш мақ-

садларини амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш. Мазкур вазифани бажариш учун: БРМни амалга оширишда уйғунлашган ёндашувни секторлараро мувофиқлаштиришни таъминлаш учун «Иқтисодий барқарорлик», «Ижтимоий ҳимоя», «Соғлиқни сақлаш», «Таълим», «Атроф мұхит», «Самарали бошқарув» йұналишлари бүйіча экспер特 гурұхлар таркибларини шакллантириш; 2030 йилгача бұлған даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий Барқарор ривожланиш мақсадларининг ҳар бири бүйіча ривожланиш концепциясини ҳамда мақсадларнинг ҳар бирини амалга ошириш юзасидан йиллик режаларни ишлаб чиқыш ва Мувофиқлаштириш кенгашига киритиш; Миллий БРМ веб-сайтини яратып белгилаб қўйилган.

II.БРМга эришиш мезон кўрсаткичлари тизимини шакллантириш. Мазкур вазифани бажариш учун: Барқарор ривожланишнинг миллий кўрсаткичлари бүйіча идоралараро ишчи гурұх таркибини шакллантириш; Миллий Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳолатини кузатыш учун мезон кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш; Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд-хуқук ислоҳотлари ва давлат бошқаруви соҳаларида Миллий БРМга тегишли идораий статистик маълумотларнинг ҳажми ва турларини белгилаш; Миллий БРМни амалга ошириш учун қўшимча молиялаштириш, халқаро молия институтла-

ри, инвестициялар, хусусий секторни жалб этиш; Ўзбекистон Республикаси нинг Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш ва кўриб чиқишида Миллий БРМни ҳисобга олиш ва унда акс эттиришини таъминлаш белгилаб қўйилган.

III.Миллий Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш мониторинги ва ҳисобдорлик. Мазкур вазифани бажариш учун: Миллий Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан Ўзбекистоннинг йиллик Миллий ҳисботини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳамда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига киритиш; Жараёнга жалб қилинган давлат органдары, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Миллий БРМга эришиш юзасидан йиллик мажлисларини ўтказиш; Миллий Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш мезон кўрсаткичлари бүйіча статистик маълумотларни тўплашни давлат статистика ишларига қўшиш ва уларни Миллий БРМ веб-порталида нашр этишни таъминлаш; Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бүйіча йиллик тўпламларни ўзбек, рус ва инглиз тилларida нашр этиш, уларни Миллий БРМ веб-порталига жойлаштириш; БМТнинг Статистика комиссияси ҳамда бошқа



тузилмалари билан тажриба алмашиш, халқаро экспертларни таклиф этиш, Миллий БРМ мезон кўрсаткичлари методологиясини ишлаб чиқиш, БМТнинг ратификация қилинган конвенциялари асосида статистик ва БРМга эришиш юзасидан бошқа мавзуули ҳисботларни тайёрлаш масалаларида ҳамкорлик қилиш; Хорижий мамлакатларнинг энг яхши тажрибасини қўллашга багишиланган семинар ва анжуманларни ташкил этиш (БМТ, донор-мамлакатлар билан ҳамкорликда); Босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали Миллий БРМга эришиш жараёнини ёритиш ҳамда аҳолининг ушбу масала юзасидан хабардорлигини мунтазам ошириб бориш тадбирларини ўtkазиш белгилаб олинган.

Амалга ошириш шакли/механизми сифатида йўналишлар бўйича эксперт гурухларни тузиш; ривожланиш концепцияси, тадбирлар режалари; Веб-сайт яратиш; Идоралараро ишли гурухни тузиш; идоравий статистик маълумот рўйхати; лойихалар портфелини шакллантириш, БРМни халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик дастурларига киритиш; Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларига БРМни киритиш; миллий ҳисботни тайёрлаш; парламентда кўриш учун алоҳида БРМга эришиш натижалари бўйича материал тайёрлаш; статистик ишларнинг янгилangan дастури; миллий БРМга эришиш статистик кўрсаткичлари тўплами; чора-тадбирлар мажмуаси; семинарларни ўtkазиш жадвали, каби механизmlар белгилаб олинган. Мазкур йўл харитасини амалга ошириш 2018 йил декабр ва 2019 йил белгилаб олинган ва уларни амалга оширувчи масъул ижрочилар белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, барқарор ривожланиш мақсадлари деганда, мазмунан инсон ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган ва уларни бажариш келажакда дунёда қашшоқликни тугатишга ёрдам берадиган, инсоният учун янада ишончли, хавфсиз



ва барча учун мақбул бўлган ҳаётни таъминлаб бериши лозим бўлган вазифалар эканлигини; иккинчидан эса, мазкур мақсадлар тавсиявий ҳужжат сифатида эътироф этилсада, уларни бажаришнинг халқаро ва миллий мониторинг тизими шакллантирилганлиги, халқаро ҳамжамият ва давлатларнинг ушбу мақсадларга қанчалик жиддий эътибор қаратганлигини кўришимиз мумкин. Учинчидан, мамлакатимизда миллий барқарор ривожланиш мақсалари юзасидан қабул қилинган қарор ва унда аниқ вазифалар ва уларни амалга оширишнинг механизмларини кўрсатиб кўйилиши, Ўзбекистон ҳукуматининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш орқали бу соҳадаги муаммоларни тизимли ва самарали ҳал этиб боришни олдига аниқ мақсад қилиб олганлигини, тўртинчидан эса, ўзининг бу борадаги халқаро мажбуриятларини *rasta sund servanda* принципидан келиб чиқиб, ҳар томонлама, чукур ўйланган сиёsat асосида амалга оширишга ҳаракат қилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Актуальные вопросы профилактики дорожно-транспортных происшествий

Шерзод
ХОЛМУРОДОВ,
Начальник
следственного
отдела ООБ МВД
Республики
Узбекистан


Повседневно идём ли на работу, школу, детские сады или за покупками на рынок или в магазин, мы, наши близкие, в том числе наши дети становимся участниками дорожного движения, где наряду с пешеходами осуществляют движение и транспортные средства, которые в определенной ситуации представляют собой источник опасности для человека.

В последние несколько лет, резкое увеличение количества транспортных средств, и в частности, личного транспорта, безусловно свидетельствует об экономическом благополучии наших граждан. Однако, наряду с этим мы почти каждый день становимся свидетелями дорожно-транспортных происшествий, а иногда и столкновений транспортных средств со смертельным исходом.

В своём докладе на торжественном собрании, посвященном 26-летию принятия Конституции Республики Уз-

бекистан руководитель нашей страны, поднимая проблему нарушения правил дорожного движения, привёл следующий пример: «В канадском городе Калгари, в котором насчитывается более 1 миллиона транспортных средств, за 10 месяцев текущего года в дорожно-транспортных происшествиях погибли 10 человек. Для сравнения, в нашей стране, где в общей сложности имеется более 2,5 миллиона единиц автомобильного транспорта, за этот же период на дорогах погибли свыше 1 600 человек. Разве это не трагедия, не огромная утрата?» .

Действительно, эти показатели достаточно трагичны. Где гарантии того, что в числе погибших в дорожно-транспортном происшествии, не могли быть мы или наши близкие, в том числе близкие родственники тех водителей транспортного средства, чьё нарушение правил безопасности движения или эксплуатации транспортного средства повлекло смерть человека.





Действующее уголовное законодательство Республики Узбекистан в главе XVIII содержит ряд статей, которые предусматривают ответственность за совершение преступлений против безопасности движения и эксплуатации транспорта, в числе которых находится и статья 266 УК, содержащая уголовную ответственность за нарушение правил безопасности движения или эксплуатации транспортного средства, повлекшее средней тяжести или тяжкое телесное повреждение (ч.1), смерть человека (ч.2), человеческие жертвы, катастрофу или иные тяжкие последствия (ч.3).

Несмотря на то, что большинство преступлений против безопасности движения и эксплуатации транспорта совершается по неосторожности, они всё равно является преступлениями и уголовно наказуемы. Санкции статей содержащихся в главе XVIII, предусматривают достаточно суровые виды наказаний, но как показывает правоприменительная практика тяжесть уголовного наказания, не является достаточно эффективным средством в предотвращении данного преступления.

Продолжая говорить об актуальности данной проблемы, наш Президент отметил: «Мы повысили ответственность за нарушение правил дорожного движения. Но достаточно ли этого для решения проблемы? Думаю, нет».

Действительно, усиление ответственности водителей транспортных средств, в целях профилактики дорожно-транспортных правонарушений не даёт должного эффекта. Поэтому пришло время искать коренные причины совершения таких правонарушений, а также иные более эффективные способы их предотвращения.

Отдельные граждане в качестве причин, большого количества дорожно-транспортных правонарушений, выдвигают состояние дорог, другие, плохое знание правил дорожного движения, третья отсутствие взаимного уважения водителей друг другу, четвёртые лихачество водителей. Нет сомнения в том, что эти причины приведены респондентами справедливо. Однако, полагаем, что основную причину роста дорожно-транспортных правонарушений нужно искать более глубже.

«Причина таких правонарушений - справедливо отмечает Президент нашей страны, - связана с проблемами в правовой культуре. Пока мы не сформируем высокую правовую культуру в нашем обществе, не положим конец подобным явлениям, нарушения закона будут продолжаться».

Безусловно, в повышении правовой культуры водителей транспортных средств важное место занимает проводимые в специализированных автошколах занятия. Поэтому, представляется,

что профилактику дорожно-транспортных правонарушений нужно начинать уже в процессе подготовки и проведения экзаменов на получение водительского удостоверения.

В частности, в специализированных автошколах наряду с общими вопросами, посвященными изучению правил дорожного движения, должно обращаться особое внимание на доведение до учащихся содержания административной ответственности, которую может повлечь нарушение этих правил, сущность уголовной ответственности, которая может наступить в результате совершения преступлений, связанных с нарушением правил безопасности движения или эксплуатации транспортного средства. При этом, выпускникам образовательного учреждения по подготовке и переподготовке водителей автомототранспортных средств, при получении водительского удостоверения, следует выдавать памятки в виде маленьких блокнотов, в которых изложены меры административной и уголовной ответственности с видом и размером наказания за нарушение водителями правил дорожного движения.

В соответствии со статьёй 3 Закона

Республики Узбекистан «О прокуратуре» одной из основных направлений деятельности прокуратуры является надзор за исполнением законов всеми органами, предприятиями, учреждениями, организациями, должностными лицами и гражданами (общий надзор). Полагаем, пришло время работникам прокуратуры в рамках своих полномочий провести анализ совершенных дорожно-транспортных правонарушений, повлекшее последствия, предусмотренные в статье 266 УК, в целях установления автошкол, чьи выпускники больше всего совершили ДТП, а также районных ОБДД, где эти выпускники сдали экзамены по вождению, для проведения необходимой прокурорской проверки на установление фактов нарушения должной подготовки в них водителей транспортного средства, а также деятельности РЭО (МРЭО) территориального УБДД.

По результатам такой проверки, для профилактики недопущения в будущем плохой подготовки водителей, принять соответствующие решения, а при необходимости поднять вопрос об ответственности лиц, допустивших нарушение порядка подготовки водителей.

По большому счёту, наличие высоких показателей смертности в дорожно-транспортных правонарушениях, говорит о том, что пора провести реформу всех без исключения автошкол нашей республики на качество проведения в них занятий, а также районных РЭО (МРЭО) территориального УБДД.

Наряду с этим, следует проверить соответствие материально-технической базы автошкол, требованиям, предъявляемым учебными программами по подготовке и переподготовке водителей автомототранспортных средств и средств городского электрического транспорта в Республике Узбекистан.

Кроме того, в целях повышения ответственности за качество выпускников автошкол, полагаем, будет верным передать от РЭО (МРЭО) территориально-





го УБДД, право принятия итогового экзамена в соответствующие автошколы

Достаточно часто, за рулем транспортного средства мы видим лиц пожилого возраста, которым за семьдесят, восемьдесят и более лет. Их неповоротливость, чрезмерное спокойствие при вождении, явное не обращение внимания на предупредительные сигналы других водителей, нередко приводит к созданию аварийных ситуаций на дорогах и как результат совершению дорожно-транспортного происшествия.

Полагаем, пришло время определить возраст с наступления, которого лицо обязано пройти обязательный медицинский осмотр для получения права продолжать управлять транспортным средством. Такой медицинский осмотр должен включать в себя, в первую очередь анализ психического состояния человека (отсутствие старческого маразма, явно развитого склероза и т.п.), кардиологический анализ, проверку состояния зрения и др. При этом, возраст прохождения такого медицинского осмотра должен быть точно установлен в соответствующем нормативно-правовом акте (например, семьдесят лет).

Полагаем, что названные выше профилактические меры, позволят воспитать у граждан желание соблюдать правила дорожного движения, взаимного уважения водителей друг другу, иско-

ренению необоснованного лихачества на дорогах молодых водителей транспортных средств, предотвращению несчастных случаев с участием водителей позднего пожилого возраста.

Все мы являемся свидетелями того, с какими быстрыми темпами наше государство добивается экономической стабильности, которая способствует благосостоянию и обогащению нашего народа. Это отрадно, так как граждане могут позволить себе приобретение нужных в быту предметов, в том числе автотранспорта. Однако, граждане должны знать, что с приобретением транспортного средства на них возлагается дополнительная ответственность по обеспечению безопасности пассажиров и пешеходов.

Названная руководителем нашей страны статистика смертности в дорожно-транспортных происшествиях, а также обстоятельства того, что установление уголовной ответственности за подобные преступления и тяжесть наказания не имеют должного эффекта в профилактике данного преступления, надеемся, что предложенные нами методы и меры профилактики будут способствовать сокращению нарушений правил дорожного движения и искоренят смертность на дорогах нашей страны

МАМЛАКАТНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙҮЛИДА

Ихтиёр ЮСУПОВ,
Оҳангарон туманлараро
иқтисодий суди судьяси

Мамлакат инвестициявий жозибадорлиги – мамлакатга инвестицияларнинг кириб келиши ва чиқиб кетишини таъминлашга хизмат қиласиган омилларнинг йигиндисидир. Кўпгина назариётчилар инвестицион жозибадорликни мамлакатнинг инвестиция имконияти ва интеграл инвестиция (иқтисодий, молиявий, сиёсий, экологик, қонунчилик) таваккалчилиги билан изоҳлашади.

Мамлакатнинг интеграл инвестиция имконияти мамлакатнинг кириб келаётган инвестицияларни қабул қилишга тайёрлиги, уларнинг сақланиши ва инвесторлар томонидан фойда олишлари бўйича ишончли кафолатлар яратилганлиги билан баҳоланади ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

- инновацион имкониятлар (фан техниканинг ривожланганлик ва мамлакатдаги ахборотлаштириш даражаси);
- ишлаб чиқариш имкониятлари (ЯММ, ишлаб чиқариш ва унинг маркибий тузилмалари);
- институцион имкониятлар (давлатнинг инвестиция мажбуриятларини бажара олиш имконияти, бозор иқтисодиёти институтларининг ривожланганлик даражаси);

— интеллектуал имкониятлар (инсон факторининг сифати ва босқичи);

— молиявий имкониятлар (молиявий тизимнинг барқарорлиги, олтин захира, иқтисодиёт тармоқларининг даромадлилиги);

— истеъмол имконияти (ахолининг истеъмол қилиш имкониятлари);

— инфраструктура имкониятлари (мамлакатнинг иқтисодий-географик жойлашуви ва инфраструктура билан таъминланганлиги);

— меҳнат ресурслари имкониятлари (меҳнат ресурслари ва уларнинг билим малака даражалари);

— ресурс хом-ашё имкониятлари (иқтисодиётнинг табиий бойликлар билан таъминланганлиги).



Кейинги пайтларда, барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан инвестиция жараёнларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада мамлакатимизда ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида” 18 декабрь 2017 йилдаги ПҚ-3437-сон Қарори билан амалдаги ресурсларни, шунингдек, инвестициялар, энг аввало, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг реал имкониятларини инобатга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни узоқ муддатли ривожланишиш концепцияси мавжуд эмаслиги, бунинг оқибатида иқтисодий жиҳатдан истиқболли бўлмаган лойиҳаларни ташаббус қилиш, молиявий маблағларни самарасиз сарфлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу охир-оқибатда, умуман, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиришга олиб келиши танқидий кўрсатиб ўтилди ва

соҳада амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бу соҳадаги навбатдаги норматив ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1 август 2018 йилдаги ПФ-5495-сонли Фармони соҳада олиб борилаётган ишларда янги сифат босқични бошлаб берди десак, муболага бўлмайди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Бу фаолиятда мамлакатда амалда бўлган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг ҳолати, уларга ўзгартиш-қўшимчаларнинг киритилиши асносида такомиллашиб бориши, баъзида эса ушбу нормативларнинг ўз кучини йўқотиш ҳолатлари ҳам тадбиркорлик фаолиятига фойда келтириши билан бирга, зарар етказиши мумкинлиги билан ҳам аҳамиятлайдир. Эндиликда, давлат маъмурий ҳуж-

жат бекор қилиниши муносабати билан тадбиркорлик субъектига етган зарарни муайян шартлар ва тартиблар асосида қопланишини кафолатлайди.

Чунончи, Фармонга асосан жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб инсофли фаолият юритган инвестор ва тадбиркорлик субъектига давлат органи (мансабдор шахс) томонидан уларга нисбатан қабул қилинган маъмурӣ хужжатнинг қонуний кучига ишониши сабабли келиб чиққан мулкий зарарнинг ўрни қопланади. Бу ҳолатда мулкий зарарнинг ўрнини қоплашнинг шартлари қўйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, инвестор ва тадбиркорлик субъекти инсофли фаолият юритган бўлиши лозим;

иккинчидан, давлат органи (мансабдор шахс)нинг қарори инвестор ва тадбиркорлик субъектининг ҳукуклари ва қонуний манбаатларига бевосита дахлдор бўлиши керак. Инвестор ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манбаатлари деганда қонун билан қўриқланадиган, бошқа шахсларнинг манбаатларига зид келмайдиган ва ҳукукларига путур

етказмайдиган, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган, тадбиркорлик фаолиятини тўлақонли ва нормал амалга ошириш билан боғлиқ манбаатлар тушунилади;

учинчидан, инвестор ва тадбиркорлик субъекти маъмурӣ хужжатнинг кучига ишониб, мол-мулкдан фойдаланган, битим тузган ёки тақдим этилган афзалик ва устунликлардан бошқача тарзда фойдаланган бўлиши лозим;

тўртинчидан, маъмурӣ хужжат ҳақиқий эмас деб топилган ёки бекор қилинган бўлиши керак;

бешинчидан, инвестор ва тадбиркорлик субъектига амалда зарар етган бўлиши шарт. Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳукуклари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Ушбу шартлардан бирортасининг





мавжуд эмаслиги инвестор ва тадбиркорлик субъектига етказилган зарар ўрнини қоплашни истисно этади. Масалан, маъмурий ҳужжатнинг инвестор ва тадбиркорлик субъекти ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор эмаслиги ёки маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқий эмас деб топилмаганлиги ёки бекор қилинмаганлиги, зарарнинг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.

Албатта, ушбу ўринда Фармонда келтирилган “инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъекти” терминига эътибор қаратсак. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ушбу терминнинг мазмуми келтирилмаган. Бу эса амалиётда “инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъекти” масаласида турли ёндашувларнинг келиб чиқишига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга кўра, манфаатдор идоралар томонидан “инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъекти” терминига энг қисқа муддатларда расмий тушунириш берилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Қайд этиш керакки, тегишли маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш, бекор қилиш ва ўзгартириш масалалари, агар у инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд

тартибида кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 27-моддаси биринчи қисми 2-бандига асосан давлат органи (мансадбор шахс) маъмурий ҳужжати юзасидан келиб чиқсан низолар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3 ноябрь 1994 йилдаги қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 3-банди “б” кичик бандига асосан давлат органи (мансадбор шахси) маъмурий ҳужжати юзасидан низолашилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Фармон билан тартибга солинадиган масалалардан бири бу давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари ни олиб қўйишдир. Тан олиш керакки, бу борада манфаатлар мувозанати таъминланмаганлиги учун кўплаб келишмовчилар юзага келаётган эди. Бу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида, 2018 йил 1 сентябрдан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари ни олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкасини олиб қўйишнинг аниқ шартлари ва мақсадлари белгилаб олинди.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишнинг шартлари қўйидагилар:

а) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тегишили қарор қабул қилиш ўйли билан амалга оширилади;

б) ушбу қарор факат ер участкаси олиб қўйилиши режалашибиралаётган манфаатдор шахслар билан очик муҳокама ўтказилганидан ва фойда ҳамда ҳаражатлар баҳоланганидан сўнггина қабул қилинади;

в) ер участкасидаги объектлар (турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотлар)нинг бузилишига факатгина ушбу кўчмас мулкларнинг бозор қиймати тўланган ва ер участкаси олиб қўйилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қоплангандан сўнг йўл қўйилади.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишнинг мақсадлари қўйидагилар:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий худудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва

уларнинг фаолият юритиши учун ерларни тақдим этиш;

халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;

автомобиль ва темир ўйлари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир ўйл транспортни объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиши тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиши);

аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблавлари ҳисобидан объектлар қуриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.



Ер участкаларини олиб қўйиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлиги юқорида биз қайд этиб ўтган шартлар ва мақсадларнинг мавжудлиги билан изохланади. Ушбу ҳолатлардан бирининг мавжуд эмаслиги, масалан кўчмас мулкни унинг бозор қийматини тўланмасдан ва кўрилган зарар ўрни тўлиқ қопланмасдан бузиб ташланиши давлат органи қарорнинг ноқонуний қабул қилинганигини англатади. Мулқдорга давлат органи (мансадбор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинади.

Фармон билан 2018 йилнинг 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг янги механизмлари жорий этилди. Эндиликда, қишлоқ ҳўжалиигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага берилади. Кўчмас мулк обьектларини (мехмонхоналар, савдо обьектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, майший хизмат кўрсатиш обьектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи аукцион орқали сотилади.

Инвестиция жараёнларида туман ва вилоят ҳокимликларининг иштирокини кенгайтириш, бу борада уларнинг масъулияти ва ташаббускорлиги ошириш масалаларига эътибор кучайтирилди. Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибида туман (шаҳар) ҳокимлари чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ ҳўжалиигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга ин-

вестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибида 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган, фойдаланилмаётган давлат мулки обьектларини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Чет эллик инвесторларга янада енгиллик яратиш мақсадида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам микдорини 30 фоиздан 15 фоизгача камайтириш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талабни бекор





қилиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдорини 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача камайтириш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини уч бараварга камайтириш, акциядорлик жамиятлари устав фондининг энг кам миқдорини 400 миллион сўм миқдорида белгилаш ҳақидаги манфаатдор ташкилот ва идораларнинг таклифлари маъкулланди.

Инвестиция жараёнларида иштирок этажтган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам Фармон эътиборидан четда қолмаганиклиарини эслатиб ўтиш жоиз. Чунончи, инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишини таъминлаш, худудларда зарур инфраструктурилмани яратиш, солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиқ тартиш тизимини соддалаштириш, соглом рақобат муҳитини қўллаб-куватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш, шу билан бирга, инвесторлар билан ишлашда барча даражадаги давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш, бу борада вазирлик ва идоралар фаолиятини аниқ мувофиқлаштириш, бунинг натижасида қулагай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончни мустаҳкамланишига эришишга мамлакатда қулагай инвестицион муҳитни яратишнинг муҳим омиллари сифатида қаралмоқда. Бу жараёнларда нафақат давлат тузилмалари, балки тадбиркорлик субъектлари ҳам фаол иштирок этиб, зиммаларида ўз масъулияtlарини чуқур ҳис этишларини лозим деб ҳисоблаймиз.

Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўришда прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш масалалари

**Музффар
МАМАСИДДИҚОВ,**

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси Ҳукукий муаммоларни
илмий-амалий ва инновацио-
н тадқиқ қилиши ҳамда ил-
мий ходимларни тайёрлаш
маркази бошлиги, юридик
фанлар доктори, профессор

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-хуқуқ соҳасида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, суд қарорларини, хусусан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қабул қилинган қарорларни юқори судлар томонидан текшириш борасида сўнгги 10 йиллик ичида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Дастлаб, қонуний кучга кирмаган суд қарорларини апелляция тартибида қайта кўриш институти ташкил этилди, суд қарорларини кассация тартибида қайта кўриш ислоҳ этилди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш институти жиддий та-комиллаштирилди.¹ Фуқароларга низоларни қисқа муддатларда ҳал этиш, судларда йиллаб овора бўлиб юриши олдини олиш, ўз навбатида суд қарорларининг барқарорлигига эришиш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилигига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, фуқаролик иши бўйича суд қарорлари устидан кассация шикояти бериш (протест) келтириш муддати 1 йилдан олти ойга, назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза бериш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартилди. Шунингдек, вилоят

миқёсидаги судлар томонидан фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколатлари бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича ваколати ҳамда назорат тартибида кўриб чиқувчи инстанцияларнинг бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинди.²



Назорат инстанцияси судида иш юритишига доир мазкур янгиликлар 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процес-суал кодексида янада таомиллаштирилди.³

Таъкидлаш жоизки, назорат инстанциясининг таомиллаштирилиши, унинг ваколатларининг кенгайтирилиши, ўз навбатида кассация ва апелляция инстанцияси судларининг ажримларини қайта кўриш бўйича мурожаатларнинг кўпайишига, бу эса назорат инстанцияси судларининг иш юкламаларини жиддий равишда ортишига сабаб бўлмоқда. Масалан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларини юқори инстанция судлари томонидан назорат тартибида қайта кўриш 2016 йилнинг 9 ойида 462 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг 9 ойида 608 тага етган. Шунингдек, 2018 йилнинг 9 ойида ишларни назорат тартибида кўриш тўлиғича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатига берилганидан кейин ушбу кўрсаткич 960 тага етган.⁴

Юқоридагиларнинг барчаси суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш босқичида қонунийликни таъминлашнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишининг, судларнинг ноқонуний қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўришнинг, шунингдек фуқаролик ишларини назорат тартибида кўришда прокурор иштирокининг

самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларни амалга оширишнинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Судларда фуқаролик ишларининг назорат тартибида қайта кўрилишида прокурор иштирокининг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаро-лик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 179-сонли буйруғи асосида ўзгариш ва қўшимчалар киритилган) ҳам ўз ифодасини топган.

Ўз навбатида асосий вазифаси суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат бўлган прокуратура органларининг мазкур босқичдаги иштироки суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Прокурорнинг назорат инстанциясида-ги иштироки унинг суд қарорла-рини апелляция ва кассация тартибида кўришдаги иштирокидан жиддий фарқ қиласди. Энг аввало процессуал қонунчилик бу борада протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини чегаралайди. Хусусан, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд хужжатлари прокуратура органларининг қуидаги мансабдор шахслари протестларига кўра назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳар қандай судининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг протестларига кўра;

Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан-Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарларининг





протестларига кўра, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари мустасно.

Шунингдек, ишни назорат тартибида кўрадиган судларда ҳам жиддий фарқ кўзга ташланади. Жумладан, янги ФПКнинг 424-моддасига мувофиқ, қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати-Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган шикоятларни (протестларни);

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати-Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция ёки кассация ёхуд назорат тартибида ишларни кўриш натижалари бўйича чиқарилган ажримлари устидан келтирилган протестларни назорат тартибида кўради.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессида суд қарорларини қайта кўриш босқицида прокурор иштироки деярли барча давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Германия, Франция, Испания, Италия ва Япония каби ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасида ҳам мавжуд. Масалан, Италияда прокуратура фарзандлар ҳақидаги, шахс-

ни муомала лаёқатига эга эмас деб топиш ҳақидаги ва судда кўрилаётган бошқа бир қатор фуқаролик ишларини кассация судида кўриб чиқишида иштирок этади. Францияда прокурор, агар “жамият манфаатлари” талаб этса, ҳар қандай босқичдаги судларда расман иштирок этади.⁵ Ҳатто, айрим давлатларда (Бразилия) прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этиши ушбу институтнинг функцияларидан бири сифатида Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган.⁶

Прокурорнинг кенг тарқалган ушбу ваколати баъзида ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини суд қарорларининг қонунийлигини текшириш жараёнида ҳам таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида эътироф этилади. Бу ўринда гап, аввало, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган, ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлар, вояга етмаганлар, қариялар, муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар) ҳақида бормоқда. Прокурор, шунингдек фуқаролик ишларининг мазкур босқичида жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам киришади.

Прокуратура фаолиятининг суд қарорларининг қонунийлигига муносабати аксарият давлатларнинг қонун ҳужжатларида бевосита прокурор назоратининг мустақил тармоғи сифатида белгилаб қўйилган. Масалан, Молдовада прокуратура фуқаролик, жиноят

ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларининг қонунга мувофиқлигини назорат қилиб боради. Туркманистоннинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида ҳам назоратнинг бошқа турлари қаторида суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш бевосита кўрсатиб ўтилган.

Арманистон Конституциясининг 103-моддаси⁷ ва Россия Федерациясининг РФ “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни⁸ талабларига кўра, протест келтириш прокурорнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш функцияси билан боғлиқ равишда амалга ошириладиган ваколатлардан бири эканлиги ўз ифодасини топган.

Умуман олганда, аксарият давлатлар қонунчилигига суд қарорларининг қонунийлигига муносабат билдириш учун прокурорга бир қатор ваколатлар берилади. Прокурорнинг бундай ваколатларига, масалан, ўзи мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқишида иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, суд қарорлари устидан протест келтириши, ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлигини аниқлаш учун ишни тегишли судлардан талаб қилиб олиши шулар жумласидандир.

Ўрганилган аксарият давлатларнинг қонунчилик тажрибаси суд ишларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш

учун уларни тегишли судлардан талаб қилиб олишга ваколатли бўлган прокурорларнинг рўйхати бирмунча кенг эканлигини кўрсатади. Масалан, Қозогистон ФПКнинг 438-моддасида⁹ бу каби ваколатларга Бош прокурор ва унинг ўринbosарларидан ташқари, вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорлар, Беларусь ФПКнинг 411-моддасида¹⁰ эса Бош прокурор ва унинг ўринbosарлари, вилоятлар, Минск шаҳар ва унга тенглаштирилган прокурорлар, туман ва туманлараро прокурорлар ваколатли хисобланади.

Мамлакатимиз ФПКнинг 425-моддасида эса ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун уларни тегишли судлардан талаб қилиб олишга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринbosарларигина ҳақли эканлиги белгиланган.

Фикримизча, ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун уларни тегишли судлардан талаб қилиб олиш ваколати вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорларга ҳам берилишини қонунчиликда белгилаш лозим. Зоро, мазкур ваколат суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш борасида прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига замин яратади.

Амалдаги ФПК ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларга ҳам суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи берилганлиги ҳам муҳим янгилик бўлди. Бу ўз навбатида фуқароларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг кафолатланишига ёрқин мисол бўла олади. Муқаддам қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қо-



нуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида текшириш фақатгина мансабдор шахсларнинг протести билангина бошланар эди. Эндиликда суд қарорларини назорат тартибида текширишга фуқароларнинг бу ҳақдаги шикоятлари ҳам асос бўла олади. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қартиш лозим. Фуқароларнинг назорат тартибидаги шикоятлари даставвал Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси томонидан ўрганилиши, судья зарурат бўлса ишни талаб қилиб олиши ва шикоятни ўрганиш натижалари бўйича ўз ажрими билан куйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши белгиланган:

1) суд хужжатларини назорат тартибида қайта кўриш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида;

2) шикоятни иш билан бирга мазмунан кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида (ФПКнинг 430-моддаси).

Шу ўринда ФПКнинг 430-моддасидаги қоидалар прокурорнинг назорат тартибида келтирган протестига нисбатан ҳам татбиқ этиладими, деган савол туғилади. Зоро, ФПКнинг 432-моддасида протест келиб тушган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқариши баён этилган. ФПКнинг 430-моддаси “Назорат тартибидаги шикоят бўйича қабул қилинадиган қарорлар” деб номланиши ва ушбу модда мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, ундаги нормалар назорат тартибида келтирилган прокурор протестларига нисбатан татбиқ этилмаслигини англаш мумкин. Шундай экан, ФПКнинг 432-моддасида белгиланган назорат протестини Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиши билан боғлик процессуал ҳаракатлар ортиқча эмасми, деган савол туғилади.

Дарҳақиқат, юқорида қайд этилганидек, йилдан-йилга кассация ва апелляция



инстанцияси судларининг ажримларини қайта кўриш бўйича мурожаатлар сони ортиб бораётган бир пайтда, шундоқ ҳам иш юкламаси юқори бўлган Олий суд судьясига формал вазифанинг юклатилиши мақсадга мувофиқ эмасдек кўринади.

Қолаверса, ФПКнинг 432-моддаси биринчи қисмида назорат тартибидаги шикоятни кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримнинг мазмуни баён этилган бўлиб, ундаги қоидалар прокурорнинг назорат протестини кўриб чиқиш учун Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажримига нисбатан татбиқ этилмаслиги тушунилади. Бироқ фуқаролик процессуал қонунчилигида мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодексидан (316-модданинг учичнчи қисми) фарқли равишда прокурорнинг назорат протестини кўриб чиқиш учун Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажримда нималар баён этилишини белгиламаган. Қолаверса, ўрганилган хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида мамлакатимиз ФПКнинг 432-моддасига шунга ўхшаш нормалар назарда тутилмаган. Шундай экан, фикризмча, назорат протестлари тўғридан-тўғри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига тақдим этилиши тартибини белгилаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, процессуал қонунчиликда прокурор томонидан назорат тартибида судга тақдим этиладиган процессуал ҳужжатларнинг номланиши ва уларга нисбатан қўйиладиган талабларда ҳам ўзига хос фарқларни кўриш мумкин. Масалан, агар баъзи давлатларда прокурорлар суд қарорлари хусусида протест билдиrsa, бошқа давлатларда (худди процесснинг бошқа иштирокчилари каби) шикоят қиласди. Шу муносабат билан МДҲга аъзо давлатлар ва Болтиқбўйидаги бир қатор мамлакатларда прокурорнинг суд қарорлари қонунийлигини назорат қилиш функциясига оид атамаларнинг ҳам борган сари ўзгариб бораётганлигини кўриш мумкин. Масалан, Грузиянинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига кўра, прокурор эндиликда суд қарори устидан назорат тартибида протест эмас, балки шикоят қиласди.¹¹ Аксарият хорижий давлатлар (РФ, Қирғизистон, Туркманистон) қонунчилигига эса прокурор тақдимномаси деб ҳам юритилмоқда.¹²

Прокурорнинг кассация ва назорат инстанцияси судларидаги иштирокига доир жиддий ўзгаришлар РФнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, РФ ФПКга кўра, прокурор ўзи иштирок этган ишлар юзасидангина апелляция, кассация ва назорат тартибида тақдимнома киритиши мум-

кин. Масалан, РФ ФПКнинг 391¹-моддасига кўра, РФ Олий суди Раёсатига суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш ҳақидаги тақдимнома билан агар ушбу ишнинг кўрилишида прокурор иштирок этган бўлса, РФ Бош прокурори ва унинг ўринbosарлари мурожаат қилишга ҳақли бўлади.¹³

РФ ФПКнинг 391²-моддасига мувофиқ, мазкур Кодекснинг 391¹-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган суд қарорлари устидан улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч ой муддат ичida назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Назорат тақдимномаси РФ Бош прокурори ёки унинг ўринbosарлари томонидан имзоланиши шарт.

РФ ФПКда ҳам худди мамлакатимиз ФПК каби Олий суд судьяси назорат тартиbidаги шикоятни ўрганиши ва уни ўрганиш натижалари бўйича ўз ажрими билан суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида ёки шикоятни иш билан бирга мазмунан кўриш учун Олий суднинг Раёсатига ўтказиш ҳақида қарор қабул қиласди. Ушбу жараёнда миллий қонунчилигимиз ўрасидаги тафовут шундаки, РФ Олий суди судьяси фақат шикоятни эмас, балки РФ Бош прокурори ёки унинг ўринbosарлари томонидан киритилган назорат тақдимномасини ҳам шу йўсинда текшириб чиқади ва агар суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисобласа, бу ҳақда асослантирилган ажрим қабул қилиши мумкин. Шунингдек,



Олий суд судьяси ишни мазмунан кўриш учун мамлакатимиз қонунчилигига бўлгани каби Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига эмас, балки Олий суд Раёсатига ўтказиш ҳақида қарор қабул қиласди.

Ундан ташқари, РФ ФПКда назорат тартибида суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгариши асослари мамлакатимиз қонунчилигидаги асослардан жиддий фарқ қиласди. Хусусан, РФ ФПКнинг 3919-моддасига кўра, суд қарорлари назорат тартибида РФ Олий суди Раёсати томонидан қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши шарт:

1) фуқаро ва инсоннинг РФ Конституцияси, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормалари, РФ халқаро шартномаларида кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган бўлса;

2) номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ёки жамоат манфаатлари бузилса;

3) ҳуқуқ нормаларини бир хилда талқин қилиш ва қўллаш талаб этилса.

Бошқа давлатлар қонунчилигига учрамайдиган ҳолатлардан бири Беларусь ФПКнинг 130-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, назорат протестини келтириш ваколатига эга бўлган прокурор, жисмоний шахслар-нинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, уларни назорат шикоятини бериш жараёнида давлат божини тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод этиш ҳуқуқига эга. Мамлакатимиз қонунчилигига мазкур ҳолатда давлат божини тўлашдан озод қилиш прокурор ваколатига берилмаган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 128-моддасида давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни тўлашдан озод қилиш, давлат божини қайташ тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиш назарда тутилиб, муқаддам амалда бўлган ФПК (110-модда)дан фарқли равишда судларга тарафларнинг мулкий аҳволидан келиб чиқиб, давлат божини тўлашдан озод қилиш ваколати берилмаган. Бироқ шундай бўлса-да, янги ФПКнинг 133-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, суд тарафларнинг мулкий аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг дав-

лат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечикиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламишининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд орқали ҳимояланишдек мамлакатимиз Конституциясининг 44-моддасида белгиланган ҳуқуқларини қўшимча равишда кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 133-моддасига назорат протестини келтириш ваколатига эга бўлган прокурор, фуқароларнинг мулкий аҳволидан келиб чиқиб, назорат протестини келтириш ҳақидаги аризани бериш жараёнида давлат божини тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлиши тўғрисидаги норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль 6-сон, 70-модда.
2. Хабибулаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал қонунчилиги: эришилган ютуқлар ва тако-миллашув сари // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Маколалар тўплами). –Т.: Noshirlik yogodusi. 2017.-73 бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.
4. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳамда иқтисодий ва маъмурий судларнинг 2018 йил 9 ойи давомидаги иш фаолияти тўғрисида тўплами // Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 2018 й.
5. Қаранг: Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира: справочник. –М.: 1993. – 111 с.
6. Қаранг: Constitution of Brazil <http://www.v-brazil.com/government/laws/titleIII.html>
7. Конституция Республики Армения. http://www.gov.am/u_files/file/Constitution_Constitution-hin.pdf
8. Федеральный закон от 17.01.1992 N 2202-1 (ред. от 28.11.2015) “О прокуратуре Российской Федерации”. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/
9. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, Акорда, 31 октября 2015 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.07.2018 г.) WWW <http://online.zakon.kz>
10. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999. № 18-19, 2/13. www.consultant.ru; Kodeksy.by, 2016 - Кодексы Республики Беларусь
11. Прокурорский надзор // Под ред. О.А.Галустяна и др. -Москва., 2006. -С. 343-361.
12. Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 25 января 2017 года № 14. (Вводится в действие Законом КР от 20 января 2017 года № 6 с 1 июля 2017 года) (В редакции Закона КР от 25 июля 2017 года № 141) <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111521;> Гражданский процессуальный кодекс Туркменистана <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=9531>.
13. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ (ред. от 03.08.2018). www.consultant.ru

Тезкор-қиди्रув фаолиятида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Ваҳобжон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
Академияси доценти,
юридик фанлар доктори

■ Мақолада тезкор-қидириув фаолияти жараёнида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидириув фаолияти, тезкор-қидириув тадбирлари, ҳуқуқий муносабатлар, тезкор-қидириув муносабатлари.

■ В статье анализированы правовые отношения возникающие в процессе оперативно-розыскной деятельности.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, правовые отношения, оперативно-розыскные отношения.

■ The article analyzes legal relations arising from operative crime detection activities.

Key words: operative crime detection activities, operative crime detection events, legal relations, operative crime detection relations.

Тезкор-қидириув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ)нинг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этган муаллифларнинг барчаси (А.И.Алексеев, И.И.Басецкий, Д.В.Гребельский, Б.Э.Закиров, Г.К.Синилов, Ю.С.Пулатов ва бошқалар) унинг ҳуқуқий тавсифга эга эканлигини эътироф этишади. Аммо ҳозирги пайтгача мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган белгилари етарлича таҳлил қилинмаган.

Шуниси диққатга сазоворки, криминалистика ва ТҚФ назарияси ўзларининг назарий ва амалий мазмуни бўйича бир-бирига яқин ҳуқуқий фан тармоқлари ҳисобланади. ТҚФ нинг аксарият бирламчи назарий қоидалари, услуг ва усуллари криминалистика доирасида шаклланганлиги натижасида, унинг кўпгина низомлари ва тавсиялари ушбу фан тармоғининг асосини ташкил этади. Уларни яна, жиноятларни фош этиш ва терговини олиб боришдаги тутган муҳим ўрни ҳам яқинлаштиради. Оқибатда, криминалистик ва тезкор-қидириув воситаларини ўзаро ҳамкорликда қўллаш орқали жиноятлар фош этилади. Таъкидлаш жоизки, айнан криминалистика доирасида ва унинг назарий базасида ТҚФ нинг назария ва амалиёти ўзининг дастлабки ривожини топди. Ўзининг ишларида ушбу муаммони таҳлил қилган Н.П. Яблоков, «Улар бир хил табиатга ва ўрганиш объектларига эга бўлиб, ҳар-хил турдаги жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятдир¹» деган холоса-

га келади.

Айрим мутахассислар криминалистика ва ТҚФга юридик эмас, балки техник ёки иккى хил табиатга эга (техникавий ва ҳуқуқий) фан ва фаолият соҳаси деб таъриф беришган². Ушбу ёндашишларга қарши эътиroz билдириб ва криминалистикани ҳуқуқий тавсифда эканлигини асослаб Р.С.Белкин қўйидагиларни қайд қиласди: а) криминалистиканинг предмет ва обьектлари ҳуқуқий доирада эканлиги; б) у томонидан ҳал қилинадиган вазифалар (тергов, суд муҳокамаси) давлат органларининг ҳуқуқий соҳадаги фаолиятига тегишлилиги; в) криминалистиканинг амалиёт учун ишлаб чиқсан барча тавсияномалари ҳуқуқий тавсифга эгалиги ва қонунга асосланганлиги ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш заруриятлари орқали юзага келганлиги; г) криминалистиканинг кўпгина ижтимоий, техникавий ва аниқ фанлар билан боғланган бўлишига қарамасдан, ушбу боғлиқлик ҳусусий, чекланган тавсифга эгалиги; д) криминалистика учун асосий озиқлантирувчи муҳит бўлиб ҳуқуқ, ҳуқуқий фан ва амалиётнинг хизмат қилиши; е) криминалистиканинг тарихан ҳуқуқий фан (жиноят-процессуал) доирасида юзага келиши³ ва ҳоказолар.

Юқорида билдирилган барча фикрлар ТҚФга ҳам тегишли эканлигини кўриш қийин эмас. Аммо ушбу муаммони тўла ҳал этиш учун, назаримизда, кўрсатилган асослар етарли эмас, чунки улар асосан криминалистиканинг ҳуқуқий тавсифини асослаб беради. Шунинг учун улар қуйидаги белгилар билан тўлдирилиши шарт:

1. ТҚФнинг ҳуқуқий вазифаларни мустақил бажаришга қодирлиги, яъни, унга хос ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи, барча учун мажбурий бўлган муомала қоидаларини ўрнатиши.

2. Ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш имконияти, яъни, уларга ҳуқуқий муносабатлар ҳусусиятини бериш.


3. Ушбу муносабатларни тартибга солувчи мустақил юридик меъёрлар тизимининг мавжудлиги.

Ушбу белгиларни аниқлаш ТҚФ доирасига кирувчи субъектларга мустақил таъсир этишга қодирлигини (у ёки бу ҳаракатлар-

га рухсат бериш ёки таъқиқлаш, уларнинг ҳуқуқий лаёқати доирасини чеклаш йўли билан уларнинг юриш-туриш чегараларини белгилаш) назарда тутади. Яъни, ТҚФнинг ҳуқуқий тавсифдалигига қарши эътиrozлар, айни шу ҳусусиятларни инкор этиш билан асосланади. «Тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ) тергов тактикаси тавсияномаларидан бўлак бошқа тактик усусларни ифода этмайди, деб ёзган эди А.Н.Васильев. Ўз табиати ва тутган ўрнига кўра ушбу тадбирлар тергов жараёнида далиллар тўплаш бўйича тергов ҳаракатлари ўtkазишга бўйсунган, терговнинг тактик усуслари га хизмат қиласди ва уларни тўлалигича ташкиллаштириш, усул танлаш ва тергов тактикасига киритиш тўғри бўлади»⁴.

ТҚТни тергов тактикасига киритишнинг асосланмаганлиги адабиётларда ишончли исбот қилинган⁵. ТҚФни тергов тактикаси билан ўхшашлигини асослай туриб, А.Н. Васильев, жумладан, маҳсус кучлар, воситалар ва усувлар билан ижтимоий муносабатларга маҳсус таъсир этиш имкониятини инкор этади. Лекин, ушбу таъсир жиноятларни олдини олиш ва очища тезкор-қидирув имкониятларидан фойдаланишининг барча ҳолларида мавжуд бўлиб, бунда таъсирнинг бевосита обьекти сифатида фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уй-жойи, ёзишмалари дахлсизлиги ҳамда бошқа энг муҳим ҳуқуқлари ва манфаатлари қатнашади.





ТҚФда ҳуқуқий муносабатлар муаммосини тадқик этиш – ушбу ижтимоий муносабатларнинг мазмунни ва шакли ҳақидаги методологик масалаларни илгари суриш ва ҳал этиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳуқуқий муносабатлар – ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир⁶. Маълумки, ҳуқуқий муносабатлар юридик фаннинг асосий категорияси ҳисобланади. Бунда ҳуқуқий муносабатлар мазмунни ва шаклининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ҳақида гапириш мумкин. Ушбу муаммони тадқик этган С.С.Алексеевнинг фикрича, « ... ҳуқуқий муносабатларда юридик шакл ва моддий мазмун уйғундир, яъни, ҳуқуқий муносабатлар муаммосини ушбу фундаментал факт нуқтаи назаридан ҳал этиш лозим»⁷.

Тармоқ юридик фанларида ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни бўйича турлича қарашлар мавжуд. Бу масалада энг кўп тарқалган нуқтаи назарга биноан, ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини томонларнинг (субъектларнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади⁸. Айрим олимлар ҳуқуқий муносабатлар мазмунига томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бирга, уларнинг фаолияти ва хулқ-атвори билан боғлашади⁹. Назарияда ушбу муносабатларнинг хусусият ва маҳсус белгилари йигиндисидан келиб чиқиб қуйидагича таъриф берилган: «Ҳуқуқий муносабат – ҳуқуқий нормалар-

нинг кишилар хатти-ҳаракати, хулқ-атворига таъсир этиши оқибатида вужудга кела-диган, давлат томонидан қўриқланадиган ҳамда унинг иштирокчиларида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир»¹⁰.

ТҚФдаги ҳуқуқий муносабатлар хусусиятларини таҳлил қилишга уриниш, уларнинг мазмунини анъанавий тушунчасида, яъни, унда қатнашувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжудлиги билан боғлиқдир. Шу билан бирга, айрим олимлар ТҚФда ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида шакли мавжуд эканлигига эътиборни қаратишади. Бундай ёндашувнинг асоси сифатида улар ижтимоий фойдали фаолиятнинг айрим турларида бир томонлама (субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга) муносабатлар мавжудлиги тўғрисида фикр билдиришади¹¹. Яъни, бир томондан маълум ҳуқуққа эга ваколатли органнинг мансабдор шахси, иккинчи томондан қонунбузарликка тайёрланаётган ёки уни содир этган шахс.

Аммо, айрим олимлар ушбу ёндашувни танқид остига олиб, унинг баҳсли ва тўлиқ эмаслигини эътироф этишади. Улар, бунда томонларнинг субъектив ҳуқуқи ва юридик мажбурияти ўртасида ҳеч қандай ҳуқуқий боғлиқлик йўқ эканлигини ҳамда улар «ҳуқуқий муносабатлар» ва «субъектив ҳуқуқ» каби ҳуқуқий тартибга солиш воситаларини чалкаштиришади, деган фикрни билдиришади.

Маълумки юридик амалиётда бир томонлама ҳокимият ваколатлари мавжуддир (ТҚФга мос бўлган). Улар ҳуқуқий муносабатлар доирасида эмас, балки ваколатли мансабдор шахслар ва давлат органларининг хусусий фаолияти жараёнида амалга оширилади. Бу ҳолда ҳуқуқий муносабатлар ҳақида эмас, балки бир томонлама ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи ҳокимият муносабатлари тўғрисида гапириш тўғри бўлгар эди¹². Аммо, ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги бир-бири билан алоқада бўлган энг камида икки томонни назарда тутади ҳамда айнан шу ҳолат ҳуқуқий муносабатлар моҳиятини тушунишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўриб чиқилаётган масала маҳсус назарияда жиддий муаммолар жумласидан бўлиб, улар фақат оддий муносабатларми ёки бу ерда хукукий муносабатлар мавжудми деган савол туғилади?

Хозирги кунда, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан бу соҳадаги вазият тубдан ўзгарди. Қонуннинг қабул қилиниши, мазкур муносабатларга хукукий муносабатлар мақомини бериш билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Уни таҳлил қилиш мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатлар турли хил хукуқ тармоқларининг тегишли меъёрлари билан тартибга солинганини аниқлаб олиш имконини беради: а) жиноят-хукуки, яъни Қонуннинг 22,23-моддаларидаги ТҚФни амалга оширувчи органлар ходими ва уларга кўмаклашаётган, уюшган жиноий гурух, жиноий уюшма орасига уларни фош қилиш мақсадида киритилган шахс қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жинойлигини истисно қиласиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилишига оид нормалар; б) жиноят-процессуал қонунчилиги – Қонуннинг 19-моддасидаги ТҚТнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги ҳақидаги нормалар; в) маъмурий хукуқ – Қонуннинг 15-моддаси 2-қисмидаги давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган обьектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш; ТҚФда иштирок этишга ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги нормалар; г) фуқаровий хукуқ – Қонуннинг 12-моддаси 3-қисмидаги юридик ёки жисмоний шахсларнинг розилиги билан уларга тегишли хизмат жойлари ва турар жойлардан, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулқдан фойдаланишни назарда тутувчи нормалар; д) молия хукуки – Қонуннинг 24-моддасидаги ТҚФни молиялаштириш билан боғлиқ нормалар ва ҳ.к.

Бундан ташқари бу соҳада ҳеч бир ҳукуқ тармоғи меъёрлари билан тартибга солинмаган муносабатлар (тезкор ходим – жиноятда гумонланаётган шахс) ҳам мавжуд бўлиб, фикримизча, уларни маҳсус тезкор-қидирув муносабатлари деб аташ мумкин.

ТҚФни амалга оширувчи органлар ходимлари ва уларга кўмаклашаётган шахслар ўртасидаги муносабатларни хукукий муносабатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб кўриб чиқадиган бўлсак, улар ўртасида ўзаро субъектив хукуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлигига амин бўламиз. Уларнинг муносабатлари шубҳасиз хукуқ меъёрларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунида маҳфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар билан пулли ёки бепул асосда ҳамкорлик ўрнатиш (12-модданинг 2-қисми) ТҚФни амалга оширувчи органларнинг хукуқлари қаторидан жой олиши бу каби муносабатларга хукукий муносабат тусини бериш имкониятини яратди. Лекин, бу муносабат қайси хукуқ тармоғи билан тартибга солинганлиги (мехнат, фуқаровий-хукукий, маъмурий, маҳсус тезкор-қидирув ёки бошқа) ҳақида Қонунда аниқ кўрсатиб ўтилмаган.

Фикримизча, бунда меҳнат муносабатлари мавжудлиги тўғрисида гапириш мумкин. Ушбу фикримизни тасдиқлаш учун қуйидаги далилларни келтирамиз:



1. Хусусан, Қонуннинг 23-моддасида ТҚФни амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахснинг қонун хужжатлари га мувофиқ пенсия билан таъминланиши хукуқи белгиланган. Шунингдек, уларга бир қатор ижтимоий имтиёзлар ҳам берилган бўлиб, ушбу имтиёзлар фақат меҳнат қонунчилигига биноан расмийлаштирилган хужжатлар асосида амалга оширилиши мумкин.

2. ТҚФни амалга оширувчи орган ва уларга кўмаклашаётган шахс ўртасидаги ҳамкорликни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг VI-бобида ўз аксини топган меҳнат шартномаси билан тенглаштириш мумкин. Албатта, бундаги хукукий муносабатлар белгиларининг тўлиқ мос келмаслигини мазкур фаолиятнинг хусусиятлари билан асослаш лозим. Яъни, ушбу икки шартнома таҳлили, уларнинг мазмуни, шакли ва муддатларига (Меҳнат кодексининг 73-75 моддалари) биноан бир-бирига мос келишидан далолат беради.

Бу жиҳатда кўмаклашувчи шахснинг ҳар қандай хулқи, агар у ўз навбатида қонуний бўлса, ҳеч қандай хукукий чеклашларга дучор қилмайди, чунки, хукукий тартибга со-

линишнинг ҳозирги ҳолати бўйича Қонун ва тегишли идоравий – меъёрий ҳужжатларда бундай, яъни, «хукуқ ва мажбурият»ларни бузувчиларга нисбатан давлат мажбурловини қўллаш имкониятини берувчи санкциялар мавжуд бўлиб, жумладан, «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасидаги нормаларни бундай имкониятлар сифатида тан олиш лозим.

Худди шу тариқа кўмаклашувчи шахс ҳам тезкор ходимдан Конституция талабарига риоя этишни, жиноятчиликка қарши курашда унинг қатнашувини фош этмасликни талаб қилиш учун маҳсус юридик хукуққа эгадир. Албатта, у тезкор ходимнинг нотўғри ҳаракатлари тўғрисида тезкор бўлинма раҳбарига арз қилиши ва бу ариза унинг манфаатлари давлат ҳимоясини таъмин этувчи юридик факт сифатида тан олиниши мумкин. Ҳозирги шароитларда, яъни, «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида тезкор бўлинмалар раҳбарлари, кўмаклашувчи шахснинг аризасига эътибор бериш, унга етказилган зиённи қоплаш хусусидаги ва ҳоказо эътиrozларини қондириш имкониятига эгадирлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ТҚФ назариясининг мустақил фан тармоғи сифатида шаклланishi ва унинг криминалистика билан баглилиги, унинг мазкур ишида ёритилган: «Криминалистические основы оперативно-розыскной деятельности». – М., 2009. – С. 43-51.
2. Қаранг: Строгович М.С. Уголовно-процессуальный закон и проблемы его эффективности. – М., 1979. – Б. 79.
3. Ушбу қарашлар таҳлили, қаранг: Белкин Р.С. Курс криминалистики. – М., 1997. Т.2. – Б. 30-31.
4. Қаранг: Васильев А.Н. Предмет криминалистики. – М., 1987. – Б. 32.
5. Қаранг: Бобров В.Г., Лукашов В.А., Смирнов С.А. Введение в курс «Оперативно-розыскная деятельность органов внутренних дел». – М., 1990. – Б. 26.
6. Қаранг: Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий хукукий тизим ва хукукий қадриятлар. – Т., 2010. – 42 б.
7. Қаранг: Алексеев С.С. Общая теория права. – М., 1982. Т. 2. С. 215, 219.
8. Қаранг: Сайдов А., Таджиханов У. Давлат ва хукуқ асослари. – Т., 1999. – 27 б.
9. Қаранг: Общая теория права (Под ред. Бабаева В.К.). – Н. Новгород, 1993. – С. 530-534.
10. Қаранг: Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Кўрсатилган манба – 43 б.
11. Қаранг: Ткаченко Ю.Г. Методологические вопросы теории правоотношений. – М., 1990. – С. 152-168.
12. Д.В.Гребельский, тезкор-қидирав фаолиятини амалга ошириши жарёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларларга мувофиқ ҳолда шундай холосага келади (Гребельский Д.В. Теоретические основы и организационно-правовые проблемы ОРД ОВД. – М., 1977. – С. 135.).




“ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ” ДАРСЛИГИ ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Бобоқул Тошев,
юридик фанлар доктори

Давлат ва ҳуқуқ ўта мураккаб, серқирра, кенг қамровли, узоқ тарихий тараққиёт даврини босиб ўтган ижтимоий ҳодисалар бўлиб, кишилик жамияти ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Жамиятдаги барча ҳодисалар каби давлат ва ҳуқуқ ҳам оддийдан мураккабга, қуидан юқорига қараб умумий ижтимоий қонуниятлар асосида ривожланиб боради. Инсоният азалдан мазкур ҳодисаларнинг маъно-мазмунини билишга интилиши сабабли, давлат ва ҳуқуқ тўгрисида турли концепциялар, назарий таълимотлар шаклланди. Уларнинг вужудга келиши ҳамда амал қилиши қонуниятлари қадамба-қадам очилиб, изчил англаб етилди.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли қарор топаётган миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизим ҳам умумбашарий давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг қонуниятлари асосида ривожланиб келмоқда. Мамлакатда шакллантирилаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат воқеиликлари аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини юксалтиришни тақозо этади.

Бугунги кунда юқори малакали, чукур билим ва кўнималарга эга бўлган кадрларни тайёрлаш – даврнинг қатъий талабига айланди. Кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида янги демократик жамият барпо этишнинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини англаб етиш, ҳуқуқ ва қонунчилик соҳалари ривожланишидаги устувор тамойиллар моҳиятини англаш, ҳуқуқка оид категория ва тушунчаларнинг асл маъно – мазмунини тушуниш биринчи даражали аҳамият касб этади.



Таникли ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори, профессор Ҳожимурод Одилқориев томонидан тайёрланган ва нашр этилган “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” дарслиги бу борада назарий ижод маҳсули бўлиб, ўқувчилар учун муҳим

ишончли ахборот манбаи сифатида са-
марали хизмат қилади, деган умидда-
миз.

Дарсликда Ўзбекистон Республика-
сини янада ривожлантиришнинг бешта
устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар
стратегияси, кейинги йилларда давлати-
миз Конституциясига ислоҳотлар талаба-
лари асосида киритилган ўзгартиш ва
янги қоидалар, қонунчиликдаги сўнгги
янгиликлар, Ўзбекистон Республикаси-
да маъмурий ислоҳотлар концепция-
си, янгиланаётган суд-хуқуқ тизими-
нинг қонунчилик базаси каби долзарб
масалаларга оид норматив ва амалий
маълумотлар илмий-ўқув истеъмолига
моҳирона киритилган. Муаллиф наза-
рий хulosалар, таъриф ва тўхтамларни
изоҳлаш ҳамда исботлашда ушбу нор-
матив манбаларга ва уларни қўллаш
амалиётига қатъий таянган.

Муаллиф дарслик мазмунига сингди-
ган энг катта ютуқли жиҳат шундаки,
давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев
Президент бўлиб сайлангач, мамлакат
ривожида янги босқич бошланганли-
ги, унинг фармон ва қарорларида ил-
гари сурилаётган инновацион ғоялар
мазмуни очиб берилган, жумладан,
инсон шаъни ва қадр-қиммати, фуқаро-
нинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини
ишончли ҳимоя қилиш механизmlари
ва кафолатлари яратилаётганлиги жон-

ли мисоллар орқали асослаб берилган.

Салмоқли ҳажмга эга мазкур дарс-
ликнинг ўзига хос хусусияти барча мав-
зуларнинг юксак фалсафий даражада
ва пухта методологик заминга асосла-
ниб тўлиқ ва муфассал талқин қилин-
ганида, назарий тадқиқот усулларининг
имкониятлари кенг намойиш этилишида
кўринади. Давлат ва хукуқнинг тарихан
вужудга келиши, шаклланиши, ривожла-
ниши ва амал қилиши масалалари юқо-
ри назарий савияда, илмий изчилликда,
комплекс равишда кўриб чиқилган.

Дарсликни яратища муаллиф жаҳон
сиёсий-хуқуқий таълимотлари тари-
хи, давлатчилик ва хуқуқ тараққиёти
тажрибасига мурожаат қилиб, уларга
кенг ўрин берган. У томонидан нафақат
мустақиллик йилларида юртимизда
яратилган давлатчилик ва хуқуқий ри-
вожланиш тажрибаси, шу билан бирга,
умуминсоний ҳамда миллий-маънавий
қадриятларга, замонавий давлатчилик
ва хуқуқ концепцияларига, халқимиз-
нинг бой хукуқий меросига таянилган-
лиги эътиборга молик. Мамлакатимиз-
да қарор топаётган давлат ва хуқуқ
тизимларининг ижтимоий қадрият си-
фатидаги табиатини, бунёдкорлик ва
инсонпарварлик салоҳиятини очишига
катта эътибор қаратилган.

Муаллиф давлат ва хуқуқ назария-
сининг предметини, яъни таҳлил мав-



зусини муайян тарзда кенгайтиради. Унинг ўрганиш доирасига кўплаб янги замонавий илмий категорияларни киритиб, уларга батафсил таъриф ва тавсиф беради. Масалан, бундай илмий тушунчалар қаторида “социал (ижтимоий) давлат”, “хуқуқий макон”, “хуқуқий сиёсат”, “хуқуқий тафаккур”, “юридик жараён ва амалиёт”, “хуқуқий презумпциялар”, “юридик ихтилофлар”, “юридик масъулият”, “ижобий-хуқуқий санкция”, “хуқуқий рағбат” ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Дарсликда давлат ва хуқуқ институтларига ижтимоий қадриятлар нуқтаи-назаридан баҳо бериш, яъни уларга аксиологик ёндашув руҳи сезилиб туради.

Китобхон дикқатини, айниқса, хуқуқшунос эътиборини жалб этадиган долзарб мавзулар сифатида олим талқинидаги қуйидаги масалаларни алоҳида эътироф этиш мумкин: хуқуқий тартибга солишининг олий кўриниши сифатида “конституциявий-хуқуқий тартибга солиш механизми”; “конституциявий қонунчилик тизими ва конституциявий қонунийликни таъминлаш муаммолари”; “хуқуқий ислоҳотлар, шу жумладан, суд-хуқуқ ислоҳотларининг моҳияти ва асосий йўналишлари”; “хуқуқий тизим (хуқуқ нормаси) билан қонунчилик тизими (қонун нормаси)нинг диалектик нисбати”; “хуқуқнинг идеал ва функционал талқини”; “давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклиги”; “парламент назорати, конституциявий назорат ва жамоатчилик назоратининг мазмун-моҳияти, амалга ошириш механизmlари”; “қонун ижодкорлигини демократлаштириш, унда аҳоли иштирокини кенгайтиришнинг замонавий усусларини жорий этиш”; “дунё хуқуқий тизимлари, шунингдек мусулмон хуқуқининг хусусиятлари ва манбалари изоҳи” ва ҳоказолар.

Мазкур дарсликнинг яна бир муҳим янгилиги - олим узоқ йиллик илмий кузатишлари натижасида шаклланган бой хуқуқий-илмий билим ва тажрибасига



таяниб, давлат ва хуқуқ назариясининг долзарб муаммолари ва миллий хуқуқшуносликнинг устувор йўналишларига атрофлича тўхталиб ўтган. Таъкидлаш лозимки, дарсликда давлат ва хуқуқ ривожланишининг истиқболлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари ҳисобга олинган ҳолда ёритиб берилган.

Олим фаннинг долзарб муаммоларини фундаментал, методологик, умумназарий, хусусий-назарий грухларга таснифлаб ва тизимлаштириб, ушбу йўналишдаги долзарб мавзуларга китобхон эътиборини қаратади. Бу илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган изланувчилар учун айни муддао бўлиб, тадқиқот олиб бориш мумкин бўлган долзарб, ўта зарурий илмий масалалар рўйхати вазифасини ўтайди.

Дарслик олий ўкув юртларининг талабалари, ўқитувчилари, илмий изланувчилар, амалиётчи юристлар ҳамда давлат ва хуқуқ масалалариiga қизиқувчи барча китобхонлар учун фойдали манба бўлиб хизмат қиласи, деб ҳисоблаймиз.



ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТИНИНГ ЎТИБ КЕТГАНЛИГИ: ЖИНОЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

Бурхонжон УСМОНОВ,
Юристлар малакасини
ошириш макази
Жиноий-хуқуқий фанлар
кафедраси катта
ўқитувчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик гояларига асосланган жиноят, жиноят процессуал қонунларини тақомиллаширишга, жиноий жазоларни либераллаширишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритган. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, инсон манфаати олий қадрият эканлигини, адолат ва фақат адолат бўлиши лозимлигини таъкидлаб, қабул қилинган фармон ва қарорларнинг барчаси халқимизнинг фаровонлиги, осойишталигини таъминлашга, фуқарорларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хурмати кучайишига, халқ билан давлат ўртасидаги, халқ билан мансабдор шахслар ўртасидаги тўсиқ, яъни деворни олиб ташлашда, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари даврида 2001 йил 29 август-да қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан амалдаги Жиноят кодексининг 105 та моддасига жиноий жазоларнинг либераллаширилиши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар қўйидаги йўналишларда ўз ифодасини топди. Жиноят кодексининг 15 моддасида белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Ҳусусан, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди, жиноий жазо тизимидан айrim жазо турлари чиқарилиб, жазо тизими янада либераллаширилди, жиноят қонунчилигига ярашув институти жорий этилди, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун бел-

гиланган муддатлар қисқартирилди. Аёллар, вояга етмаганлар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди.

Рахмдиллик ва кечиримлилик каби миллий қадриятлардан келиб чиқиб, 45 модда ва 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти жорий этилиши суд-ҳуқуқ ислоҳотларида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, 11 та жиноят таркиби бўйича иқтисодий жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш мумкин эмаслиги белгиланди.

Жиноят қонунчилигига жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг тuri сифатида жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш институти (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддаси) белгиланган.

Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – уч йил, б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – беш йил, в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн йил, г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган эди. Жиноий жазоларни либераллаштириш давоми сифатида 2018 йилнинг 20-июлида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунга асосан жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш институти либераллаштирилди, ждумладан; жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – икки йил, унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – тўрт йил, оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – саккиз йил ҳамда ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн тўрт йил ўтган бўлса шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Қонунчилиқда жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади. Агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айборд ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Шунингдек, эски таҳрирдаги қонунчилигимизда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъий назар агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган эди. Мазкур қонунга асосан содир этилган қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оғирлигига қараб, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари эски таҳрирдаги қонунчилика асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ко-

ексининг 64-моддаси 7-бандига асосан қонунда белгиланган жиноий жавобгарлкка тортиш муддатлари ўтган бўлсада, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги қайд этилган эди. Мазкур қонун бўлиб, қонунчилигимиздаги бўшлиқ тўлдирилиб, айнан қандай қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан тадбиқ этилмаслиги аниқ белгиланиб, “уришни тарғиб қилиш”, “агрессия”, “уришни қонун ва удумларини бузиш”, “геноцид”, “ёлланиш”, “чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш”, “терроризм”, “тайёрланаётган ёки содир этилгантеррорчилик харакатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни ҳабар қилмаслик”, “террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки харакатланиш”, “терроризмни молиялаштириш”, “миллий, ирқий, этник ёки диний адovat қўзғатиш”, “давлатга хоинлик қилиш”, “Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш”, “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гурух ёки унинг манфаатларини кўзлаган холда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилганлик, хокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш”, “жосуслик”, “кўпорувчилик” ҳамда “диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш” жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлсада, жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгилаб қўйилди.





Андрей ЗЫБКИН, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор:

Илмий иш услублари мавзууси ниҳоятда муҳим. Аслида буни мана шундай тадбирларда батафсил муҳокама қилиш керак. Ушбу семинар-тренингнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда фақатгина маъruzalар эмас, энг муҳими мутахассисларнинг амалиётдан келиб чиқсан ҳолда билдирган фикр-мулоҳазалари амалий аҳамият касб этди.

Гап шундаки, қизиқарли муҳокамаларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Олий аттестация комиссияси, Бош прокуратура академияси, Давлат бошқаруви академияси, Халқаро Вестминстер университети, Миллий гвардия ҳарбий-техник институти, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Адвокатлар палатаси вакиллари ҳамда Юристлар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари ўзларининг иш тажрибаси асосида масала билан боғлиқ таклиф-мулоҳазаларини, амалиётдаги айrim муаммоларни айтиб ўтиши.

Мен бу борадаги халқаро тажриба ҳақидаги фикрларим билан ўртоқлашдим. Қачонки, илгор хориж тажрибаси билан миллий амалиёт ўзаро уйғулаштирилса, албатта ижобий натижга беради.

Илмий ишлар ва маъruzalарни режалаштириш, тайёрлаш, ёзиш, ҳимоя қилиш, маъруза қилиш, шунингдек замонавий илмий ишларнинг бажарилиши, уни ўтказиш методлари, материаллар манбаларини қидириш ва ишлатиш, илмий ишларни ёзиш қоидалари доимий равишида муҳокама қилиниши лозим деб ҳисблайман.



**“Юрист ахборотномаси.
Вестник юриста.
Lawyer herald”
илемий-амалий журнали**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази



Таҳрир кенгаши:

Ф. Э. Мухамедов – Юристлар малакасини ошириши маркази директори, таҳрир кенгаши раиси;

А. Х. Сайдов – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ директори, академик, ю.ф.д., таҳрир кенгаши аъзоси;

Х. Б. Бобоев – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ю.ф.д., профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

А. Б. Фафуров – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринbosари, ю.ф.н., доцент, таҳрир кенгаши аъзоси;

О. Оқюлов – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси, ю.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикасида ҳизмат кўрсатган юрист, таҳрир кенгаши аъзоси;

Т. Е. Каудыров – Қозогистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси ректори, ю.ф.д., профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

Элизер Ривлин – Судьялар тайёrlаши ҳалқаро ташкилоти президенти, Истроил Олий суди собиқ судьяси, таҳрир кенгаши аъзоси.

Таҳрир ҳайъати:

Х. Т. Маматов – юридик фанлар доктори, доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

М. М. Мамасиддиқов – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти бошлиги ўринbosари, ю.ф.д., профессор, таҳрир ҳайъати аъзоси;

Л. А. Сайдова – Юристлар малакасини ошириши маркази Ҳалқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

Б. И. Исмоилов – Юристлар малакасини ошириши маркази Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

Ғ. Алимов – Юристлар малакасини ошириши маркази Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

Ш. Файзиев – Юристлар малакасини ошириши маркази Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор, таҳрир ҳайъати аъзоси;

У. Аюбов – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.н., таҳрир ҳайъати аъзоси;

А. Мўминов – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ЮНЕСКОнинг Ҳалқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси.

Бош муҳаррир:
Бобоқул ТОШЕВ

**Ижодий гурӯҳ
Муҳаррир:**
Мавлуда ПЎЛАТОВА

Саҳифаловчи дизайннер:
Шоқиржон АЛИБЕКОВ

Мусаххих:
Комилжон НИЁЗОВ

Манзил: 100052, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани,
Катта Дарҳон кўчаси, 6-ўй
Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигидан
12.03.2018 йилда 0963-ракам
билин рўйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади. Журналда эълон қилинган
материаллардан фойдаланилганди, манба қайд этилиши керак.

Босишга 02.10.2018 да
руҳсат берилди.
Бичими 60/84 1/8, 12 босма табоқ
Буюртма №
Адади 600

Х.Т “PRINT. UZ”
босмахонасида чоп этилди
Босмахона манзили: 100015,
Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси,
41/2-ўй

МУНДАРИЖА

Мухамедов Ф.Э. Адолат – инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди.....	4-9
Одилкориев Х.Т. Ижтимоий адолатли давлатчилик - олий конституциявий мақсадимиз....	10-17
Файзиев Ш. Ўзбекистон Республикасида норматив-хуқукий ҳужжатлар соҳасидаги ислоҳотлар: мазмун ва моҳият.....	18-22
Ибратли дунё.....	23
Шакуров Р. Р. Понятие и характеристика субъектов квалификации преступления.....	24-29
Кувватов С. Айрим қонунларимизни такомиллаштириш талаб этилади.....	30-35
Судьялик — адолатга дахлдорлик демакдир.....	36-43
Худайбердиева Г. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва инсон муносабатлари.....	44-46
Насриев И. Ерга нисбатан хусусий мулкчиликка қаратилган хуқукий сиёсат.....	47-53
Олимжон Исройлов. Интеллектуал мулк объектлари хуқукий мақомини такомиллаштириш масалалари.....	54-59
Маматов X. Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш: Миллий ва хорижий тажриба.....	60-65
Турдибоева М. Инсон хуқуқларини ҳимоя қилишнинг Конституциявий асослари.....	66-68
Зулунов С. Тухмат учун ҳам жазо бор.....	69-71
Кодиркулов Л. Миллий конунчилигимизда пулларни қалбакилаштириш жиноятига қарши кураш ва уни такомиллаштириш.....	72-77
Мўминов А. Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг халқаро ва миллий механизми.....	78-85
Холмуродов Ш. Актуальные вопросы профилактики дорожно-транспортных происшествий...	86-89
Юсупов И. Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўлида.....	90-96
Мамасиддиқов М. Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўришда прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш масалалари.....	97-103
Каримов В., Тезкор-қидирув фаолиятида юзага келувчи хуқукий муносабатлар: таҳлил ва тақлиф...	104-108
Тошев Б. “Давлат ва хуқуқ назарияси” дарслиги юридик кадрларни тайёрлашда муҳимаҳамияткасбэтади.....	109-111
Усмонов Б. Жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги: жиноят ва жавобгарликдан озод қилиш.....	112-113
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Илмий иш услублари” мавзусида семинар-тренингдан фоторепортаж.....	114